

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI PSIXOLOGIYA
KAFEDRASI**

FAYZIEVA GO'ZAL

**MAVZU: МУСТАҚИЛЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ ВА
УНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ**

5A 210201 - Psixologiya (Umumiy psixologiya)

DISSERTATSIYA

Ilmiy rahbar: Psixologiya fanlari doktori, professor
Баротов.Ш.Р

МАВЗУ: МУСТАҚИЛЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ ВА УНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

МУНДАРИЖА:

КИРИШ

1 БОБ. МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ ШАХС ХИСЛАТИ СИФАТИДА

- 1.1. Мустақил фикрлаш давлат сиёсати сифатида.
- 1.2. Шарқ мутафаккирларининг мустақил фикрлашга етакловчи ижтимоий омиллар ва шарт-шароитлар ҳақидаги ўтиллари.
- 1.3. Шахснинг фикрлаш хусусияти, фикрлаш эркинлиги муаммосининг фалсафа ва педагогика фанларида ўрганилиши.
- 1.4. Мустақил фикрлашнинг феноменологияси ва ижодий тафаккур муаммосининг психологияда ўрганилиши.

Боб бўйича хулосалар.

II БОБ ЎСМИРЛАР ТАФАККУР МУСТАҚИЛЛИГИ

РИВОЖЛАНИШИННИГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

- 2.1. Муомала жараёнидаги эркинлик - ўсмирлардаги мустақил фикрлашнинг асосий психологик омили сифатида
- 2.2. Мустақил фикрлашни ривожлантирадиган машғулотлар
- 2.3. Ўсмирлар тафаккури маҳсулдорлиги, оригиналлиги ва ақлий-заковатининг хусусиятлари

Боб бўйича хулосалар.

Умумий хулосалар

КИРИШ

Ҳозирги даврда ёшларни, айниқса ўсмир ва ўспириналарни мустақил, ижодий фикрлашга ўргатиш ёинки уларда мустақил фикр юритиш имкониятларини рўёбга чиқариш, жонлантириш, ишга тушириш муаммоси республиканизминг таълим тизими олдида турган долзарб масалаларидан биридир, чунки, бу воқелик прогресс манбаидир. Ушбу муаммонинг долзарблиги тўғрисидаги омил мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ёшлар муаммосига бағищланган ҳар бир чиқишлиарида, интервью ва фундаментал асарларининг ғояларида ўз ифодасини топган. Жумладан уларнинг Олий Мажлиснинг IX сессиясида (1997) сўзлаган нутқида ҳам кенг жамоатчиликнинг дикқат-эътиборини ушбу мавзуга қаратган ҳолда шундай фикрларни муҳокамага ташлаган эдилар: «Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самарасиз бўлади. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир»³.

Зоро, Ўзбекистоннинг «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»дан ҳамда «Таълим тўғрисидаги қонун»дан кўзланган асосий мақсади - бу «Жамиятда мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришдан иборатдир».

Шундай ижтимоий воқеликни мамнунийт билан таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 29- моддасида ҳам ҳар бир фуқаро мустақил фикрлаш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган, чунончи «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга».

Жаҳон ҳамжамиятидаги ҳозирги даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, шунингдек, кишилиқ жамияти тараққиётининг айни шу босқичи

³ Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Шарқ. 1997. 9 б.

бетакрор ўзига хос хусусиятга эгаки, бунда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, тафаккур, янги техника ва технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ёшларни мустақил, ижодий фикрлаш имкониятларини ишга солиш туфайли улар келгусида ўзларининг олдиларида вужудга келиши эҳтимоли мавжуд муаммоларни ижодий равища ҳал қилиш орқали ривожланган ҳалқ хўжалигига, илғор технологияли жаҳон давлатларининг қаторидан ўрин эгаллашига муносиб ҳисса қўшишлари мумкин.

Республикада «Таълим тўғрисида»ги қонунни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни ижтимоий турмушда амалга ошириш жараёнида ҳалқ хўжалигининг барча жабҳаларида «инсон омили»нинг роли ортиб бориши кузатилмоқда. Ҳозирги даврда юксак қобилиятли мустақил фикрловчи мутахассисларни тайёрлашга нисбатан талаб кун сайин кучайиб бормоқда, модомики шундай экан, истеъдодли якка шахслардагина эмас, балки барча меҳнаткашларнинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш муаммоси заруриятга айланиб келмоқда. Бундай ҳам объектив, ҳам субъектив шароитда инсон ва унинг интеллектуал салоҳиятига алоқадор бўлган фанларнинг аҳамияти тобора ортиб бориши, ҳар бир якка шахсда намоён бўлган ва яширин (латент) тарздаги имкониятларидан фойдаланиш, уларни рўёбга чиқариш йўл-йўриқларини илмий-назарий ҳамда методолик жиҳатдан ишлаб чиқиш эҳтиёжи табиий равища туғилмоқда.

Мустақил фикрлаш шахснинг хислати сифатида талқин қилиниш муаммоси ечими ҳар қандай фаолият тури орқали индивидуал ёки жамоавий ютуқларга эришишнинг юқори кўрсаткичини таъминлайдиган муҳим омиллардан бири ҳисобланиб, механизм функциясини бажаради.

Юқорида таъкидлаб ўтилган мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда, биз ўз тадқиқотимизнинг асосий моҳиятини ёшларда, хусусан, ўсмир ва ўспирин ёш даврларидаги шахсларда мустақил фикрлаш малакаларини шакллантиришнинг психологик қонуниятларини очишни ижтимоий

тасаввурга асосланган тарзда ёритишга қаратдик.

Зоро, шахсда мустақил фикр юритиш имконини шакллантириш - бу нафақат кенг қамровли ёндашувни талаб қиласидиган илмий психологик муаммолардан бири - бу ўз моҳияти жиҳатидан психологик воқелик сифатида намоён бўлишнинг ижтимоий психологик ҳодисасидир. Мустақиллик хусусияти, туйғуси шахснинг фазилати тариқасида инсоннинг ҳар қайси хатти-ҳаракатини амалга оширишда унинг жавобгарлик ҳисси билан узвий боғлиқдир. Инсон ўзининг онгли хатти-ҳаракатлари учун масъулиятни ҳис этиши ижтимоий воқелик сифатида ҳукм суради.

Мустақил фикрлаш камолати, кўрсаткичи даражасига эришмаган шахслар иккиланувчи, бекарор инсон сифатида англанилган хатти-ҳаракатни намойиш эта олмаслиги туфайли ўзини ўзи назорат қилиш имконияти заифлиги орқали, Чингиз Айтматовнинг ибораси билан айтганда, улар «манқуртлар»га айланиб қоладилар. Худди шу боис, мустақил фикрлаш имконияти етарли даражада ривожланмаган турли ёш даврига тааллуқли ўсмир ва ўспиринлар ҳар хил ақидапарастликлар, диний экстремизм ва фундаментализм каби асоциал йўналишларнинг қурбонига айланиш ҳолатлари ижтимоий воқелик сифатида кузатилмоқда. Шунинг учун ҳам шахс психологиясида фикр юритишда эркинлик ва мустақиллик хислатларининг мавжудлиги ижтимоий психологик ҳодиса ҳисобланса-да, лекин уларни инсонда мужассамлаштириш педагогик-психологик воқеликдир.

Мустақил фикрлаш шахснинг фазилати сифатида унинг ижодий фаолиятининг таркибий қисмини ташкил қиласиди. Психология фанида ижод, илҳом фақатгина истеъдодли шахсларгагина хос бўлиб қолмай, балки кенг халқ оммага ҳам тааллуқли эканлиги, таълим жараёнида барча ёшдаги ўқувчиларда ижодий қобилияtlарни ривожлантириш мумкинлиги қатъий исботланган.

Фан ва техниканинг ҳозирги даврдаги жадал суръатда ривожи,

таълимнинг янги технологияларининг ўқув жараёнига жорий этилаётганлиги зиёлиларнинг олдига ўқувчиларни мустақил фикрлашга имкон берувчи энг қулай, омилкор, оқилона таълим тизимини яратиш муаммосини қўймоқда. Ушбу муаммонинг юзага келиши эса психология ҳамда дидактика соҳаларида таълим жараёнида ўқувчиларда билиш фаоллигини ва мустақил фикрлашини фаоллаштириш масаласини ҳар қачонгидан ҳам долзарб эканлигини таъкидламоқда ва ҳозиргacha бир қатор фанларда бу борада маҳсус тадқиқотлар ўтказилган. Уларнинг орасидан Дж. Дьюи, Б.П.Есипов, М.Н.Скаткин, И.Я.Лернер, А.М.Матюшкин, П.И.Пидкасистий, Н.А.Половникова, И.В.Кухарев, М.Г.Давлетшин, Э.Ф.Ғозиев, В.М.Каримова, Р.И.Суннатова, З.Т.Нишонова, Р.Н.Тожибоева Э.З.Усмонова ва бошқаларнинг ишларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофик.

Юқорида номлари келтирилган психологлар ва педагоглар мустақил тушунчасини турлича таърифлашган:

Мустақиллик - тафаккур жараёнининг шарти ҳамда аҳлнинг хислатидир. (П.П. Блонский, А.А. Смирнов, Н.А. Менчинская, М.Н.Шардаков, А.М. Матюшкин, Э.З. Усмонова ва бошқалар).

А.Н. Леонтьев, А.Я. Пономарев, А.А. Люблинская, В.М.Каримова, Р.И. Суннатова ва бошқаларнинг фикрига қараганда мустақиллик - бу шахснинг хислати бўлиб, масала ечишнинг аниқ усулини танлаш ва ечимини таъминлашдан иборатdir.

Мустақиллик - бу ақлий фаолият усулларини эгаллашнинг натижаси ҳамда шартидир (Д.Н. Богоявленский, Е.Н. Кабанова - Меллер, В.И. Решетников кабилар).

Яна бир гуруҳ олимлар М.Г. Ярошевский, А.Я. Пономарев, О.К.Тихомиров ва бошқаларнинг таъкидлашича, мустақиллик - бу шахс ижодий фаолиятининг шартидир.

Мустақиллик - бу янги муаммо ёки янги масалани олдиндан кўра олиш, уни таҳлил қила билиш ҳамда ўз кучи билан ечиш кўнимасидир

(В.В. Давидов, М.А. Данилов, А.М. Матюшкин, А.В.Брушлинский, Д.Б. Богоявленская, Э.Ф.Гозиев ва бошқалар).

Юқорида келтирилган мустақиллик тушунчасининг психологик таърифларини таҳлил қиласиган бўлсак, бу ўринда мустақиллик улар томонидан тафаккур жараёнининг индивидуал хусусияти сифатида ўрганилганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Мазкур тадқиқотлардан фарқли улароқ, биз мустақилликни ижтимоий хусусиятга эга бўлган шахснинг хислати сифатида миллий муҳитда ўрганишга ҳаракат қилдик. Бизнинг фикримизча, тафаккурнинг мустақиллиги - бу шахс томонидан билимларни ўзлаштиришда вужудга келадиган ҳукмлар ва хулосаларни ўзининг субъектив фикрига ҳамда англанганлик туфайли эътиқодига айлантириш қобилиятидир. Бизнингча, тафаккурнинг мустақиллик феноменининг тузилишига қўра унинг бирликлари ҳукмлар, маслак хулосалар, қарорга келиш ҳамда эътиқодлардан иборатdir. – Ушбу магистрлик тадқиқот ишимизда тафаккурнинг мантиқий шакллари илк бор миллий муҳитда тафаккур мустақиллигининг феноменологияси сифатида талқин этилди.

Методологик нуқтаи-назардан ёндашганда ҳукм - воқеликдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги муносабатлар уларнинг хусусиятлари ва белгилари орасидаги боғланишлар ҳақида тасдиқлаб ёки инкор қилиб акс эттирилишдан иборат тафаккур шаклидир. Фикр - бу шахснинг теварак - атрофдаги воқеа ва ҳодисаларга вербал тушунчалар орқали ўз муносабатини билдиришдан иборат ақлий жараёндир.

Хулоса чиқариш - тафаккур шаклларидан бири ҳисобланиб, унинг воситаси билан шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ ҳукмлардан янги ҳукм ҳосил қилинишидир.

Эътиқод - шахснинг субъектив қарашларига, ўз принципларига ва дунёқарашига муваффақ равишда иш кўришга даъват этадиган англанилган мотивларнинг системасидир. Эътиқод шаклида намоён бўладиган маънавий эҳтиёжларнинг мазмuni - бу табиат, теварак-атроф

тўғрисидаги билимлар ва уларнинг инсон томонидан муайян тарзда тушунилишдан иборатдир. Мазкур билимлар ва нуқтаи назарларнчнг изчил, тадрижий, ички уюшган тизимини юзага келтирган тақдирдагина инсоннинг дунёқараси сифатида талқин қилиниши мумкин.

Психология фани соҳалари орасида «Ижтимоий психология» мухим ўрин эгаллайди. Унинг тобора ривожланишида таълим ва тарбия соҳасидаги тадқиқотларнинг аҳамияти каттадир. Ёш босқичлари асосида шахснинг гурӯҳий ривожланиши орқали ижтимоий - психологик қонуниятларни тадқиқ этиш ҳамда ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабатини ўрганиш туфайли мустақил фан соҳаси бўлмиш ижтимоий ёш психологияси ва ижтимоий педагогик психологиянинг вужудга келишига олиб келди»⁴.

Биз ўз тадқиқотимизда турли ёш гурӯҳларига тааллукли шахсларда мустақил фикрлашнинг ривожланиши, гурӯҳий баҳс - мунозараларда, муаммоларни ҳал қилишда тафаккур мустақиллигининг тараққиёти хусусиятлари, механизмлари, қонуниятларини ўргандик.

Мазкур тадқиқотда илк бор мустақил фикрлаш - шахснинг ижтимоий мұхит ва унинг таъсири туфайли намоён бўладиган ижтимоий хулқи, гурӯҳий вазиятда сўзлашга ва фикрлашга нисбатан тайёрлиги - субъектнинг ижтимоий установкаси билан боғлиқ бўлган ижтимоий психологик хислати эканлиги текктирилди. Диссертацияда бу хислатнинг моҳияти очиб берилиб, мустақил фикрлашнинг шахс яхлит тафаккуридаги ўрни ва аҳамияти ўрганилди, компакт кичик гурӯхларда ўзаро муомала таъсирида ўқув фаолиятини шакллантириш йўллари кўрсатиб берилди.

Танланган муаммо қатор фанлар томонидан муайян даражада ўрганилган, лекин бу ижтимоий воқелик унинг қийматига ҳеч қандай зарар келтирмайди. Чунки тафаккурнинг мустақиллиги, фикрлашнинг

⁴ Реан А.А.. Коломинский Я.Л. Социальная педагогическая психология. Санкт - Петербург: Питер. 2000. С.16.

креативлиги масаласига ўқувчиларнинг ўқув топшириқларини ҳал қилиши нуқтаи назаридангина эмас, балки уларга турмушда вужудга келадиган муаммолар спектри орқали ёндашиш мақсадга мувофиқ. Бундай ёндалпгувда улардан фақатгина ақлий мустақиллик эмас, балки фикрларни танлаш эркинлиги, жавобгарлик ҳисси чидамлилик, иродавий зўр беришлик, ўзини ўзи бошқариш сингари шахс хислатлари талаб қилинади. Бу эсаушбу муаммога умумпсихологик нуқтаи назардан ёндаигувдан ташқари, педагогик, социологик ва фалсафий таҳдил қилишни ҳам назарда тутади. Худди шу боис мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб борган олимлар А.С.Байрамов (1968), В.В.Богословский (1973), Д.Н.Богоявленский (1962), Л.С.Виготский (1982), Дж.Гильфорд (1965), М.Г.Давлетшин (1998), С.Ф.Егоров (1965), С.Ф.Жуйков (1967), З.Карамкова, (1973), В.М.Каримова (2000), К.П.Кузовкова (1972), Н.Ф.Кухарев (1972), И.Я.Лернер (1971), Е.Г.Михайловский (1970), М.Ф.Морозов (1959), П.И.Пидкастий 1972), Л.М.Пименова (1960), М.Потоцкий (1968), Л.А.Ростовецкая (1975), Р.И.Суннатова (1996), Э.З.Усманова (1993), Э.Ғ.Ғозиев (1994), Ю.В.Янотовская (1973) ва бошқалар турли йўналишдаги намояндалар бўлиб, улар ўзларининг экспериментал, эмпирик ва назарий тадқиқотларида тафаккурнинг мустақиллиги муаммосига кўпёқлама ёндашув зарур эканлигини асослаганлар. Юқорида номлари таъкидлаб ўғилган олимларнинг изланишларида шахсни ижодий фикрлаш фаолиятининг янгича психолигик механизмлари натижасида рўй бериши ва бу жараёнда ижодий мотивларнинг аҳамияти кўрсатиб берилган. Лекин шахс ва унинг ақли, эркин фикрлашининг «назарий синтези»ни атрофлича ёритиб берилган тадқиқотлар деярли мавжуд эмасдир. Бизнинг фикримизча, ақлий фаолиятга ижтимоий муносабатларнинг субъекти бўлмиш шахс кундалик эҳтиёжи сифатида хусусийлик эмас, балки умумийлик бўйича ёндашишнинг нисбий жиҳатдан йўқлиги

туфайли, тафаккур жараёнлари айрим алоҳида якка шахснинг индивидуал хусусияти даражасида воқелик сифатида ўрганилиши устуворлик қилиб келган. Аслида эса ўкув жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолияти кичик гурӯҳлар доирасида, уларнинг ўзаро бир-бирларига фикрий, маънавий таъсирлари ва қолаверса, ўқитувчининг фикрловчи, онгли шахс сифатида баҳоловчи бошқаруви ёрдамида амалга оширилади.

Ишнинг асосий мақсади - турлича ёш даврининг вакилларида, ўзгаларнинг мавжудлиги таъсирида (фасилитация) мустақил, эркин фикрлашнинг психологияк феноменлари, механизмлари, омиллари ва қонуниятларини эмпирик жиҳатдан ўрганиш, шунингдек ушбу муаммони ижтимоий педагогик психологиянинг предмети сифатида талқин этишдир. Зеро, танланган мавзунинг илмий жиҳатдан муаммо эканлиги унинг айнан ижтимоий психологик феноменология нуқтаи назаридан шу кунгача маълум тадқиқот обьекти тариқасида ўрганилмаганлиги ва бунинг оқибатида таълим жараёнида нисбий жиҳатдан ёшларнинг дунёқарашида теранлик, мустақиллик ва эътиқодлиликнинг етарли даражада эмаслиги яққол намоён бўлади.

Мустақил ижодий фикрлаш тафаккурнинг тадқиқот предметидан ташқарига чиқса, даставвал индивидуал (хусусий), сўнгра гурӯҳий, ижтимоий аҳамият касб эта бошлайди. Жамиятнинг ижтимоий заруратига айланган алоҳидаликни эмас, балки яхлитликни акс эттирувчи воқелик ўзининг барча фуқароларини, шу жумладан, ўсмир ва ўспириналарни мустақил фикр юритишдан оммавий фикрлашга узлуксиз эҳтиёж сезиш мотивацияси ва туйғусини уйғотиш фикрнинг хусусийдан умумийга хаёлан ўтишини таъминлайди. Агарда мустақил фикрлаш тафаккур сифатини эмас, балки шахснинг фазилатини акс эттиrsa, у ҳолда шахс ҳам биологик, ҳам ижтимоий шартланган хислатларнинг субъектига айланганидай, фикр юритиш жараёнидаги мустақиллик

сифати аста-секин шахслик сифатига ўсиб ўтади, бинобарин, билиш жараёни хусусиятидан шахс фазилати вужудга келади. Мазкур феноменологик ҳодиса методологик нұқтаи назаридан таҳлил қилинса, ушбу ҳолат фикр йўналишининг яккадан умумийга ва ўша умумийдан хусусийга узлуксиз равища ўтиб туриш диалектикасини акс эттиради. Билиш жараёнига тааллукли муаммони ечиш кўникмаларининг автоматлаигуви мотивацион маъно касб этса, бу воқелик ижтимоий психологик хусусиятга айланаб, шахс фазилатини шакллантиради.

Бизнингча, мустақил фикрлаш (тафакур) қўйидаги хусусиятлари билан бошқа фикр юритиш жараёнлари (турлари)дан муайян даражада ажралиб туради: мазмундорлиги, мантиқийлиги, умумийлиги, динамиклиги, қамровлилиги, номаълумга интилувчанлиги, ечимда ностандартлиги, йиғиқлиги, ёйиқлиги, оригиналлиги, ҳақчиллиги, изчилиги, поғонавийлиги, тўғри ва тескари йўналганлик узлуксизлиги ва ҳоказо. Ушбу муаммо шахс мустақиллигига айланса, у ҳолда фаолият, хулқ-автор, муомала вужудга келиши, кечиши, ривожланишида барқарорлик, пухталик, қатъиятлилик хусусиятлари мужассамлашади, узлуксизлик сифат даражасига ўсиб ўтади, муваффақият, самара механизми вазифасини бажаради.

Бизнингча, мустақил ижодий фикрлаш ушбу тузилишга эгадир:

1. Муаммо моҳиятига кириш мотиви (мотивацияси).
2. Шахсий аҳамият касб этувчи мотив (мотивацияси) мужассамлашуви.
3. Муаммо ечимини топиш учун ақлий ва услубий воситалар танлаш.
4. Сараланган ақлий ва услубий воситаларни амалиётга татбиқ этиш.
5. Ечиш воситаларига ўзгартишлар ва тузатишлар киритиш.
6. Ечим тўғрилигини текшириш ва баҳолаш.

7. Фикрлашдан (тафакурдан) қониқишининг шахсий маъно, аҳамият касб этиши.

8. Якка билиш ҳолатидан узлуксиз хусусиятига эга бўлган шахслик сифатига айланиши.

Юқоридаги биз яратган ижодий фикрлашнинг модели иерархик тузилишга эга бўлиб, тасаввур, тушунча, билим, қўникма, фикр, эътиқод, мотивация, установка ва юксак ҳисларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Махсус ишлаб чиқилган машғулотлар, тестлар, тренинглар ёрдамида ўсмир ва ўспириналар мустақил ижодий фикрлашга ўргатилади. Дастурий хусусиятли тажрибалар давомида билиш жараёнига тааллуқли мустақиллик шахс мустақиллигига айланади, охир оқибатда фаолият, хулқ, муомала маҳсулдорлигини таъминловчи омил функциясини бажара бошлайди.

Илмий тадқиқот предмети - мустақил ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг психологик механизmlарини, қонуниятлари, феноменал ҳолатларни ўрганиш жараёнидир.

Илмий тадқиқотнинг объекти. Мактаб, академик лицей ва коллеж ўқувчилари, бакалавриатура босқич талабалари.

Илмий тадқиқотнинг назарий ғояси. Тадқиқотимиз асосида қуйидаги ғоя ётади: якка шахс фаолияти бошқа кишиларнинг фаолияти билан узлуксиз уйғунликка эгадир. Шахс ўзининг мақсадини амалга ошириши, ўз мавқеини аниқлаб олиши шахслараро муомаладан алоҳида рўй бериши мумкин эмас, албатта. Чунки шахснинг ўз мавқеини аниқлаши билан мулоқотининг орасида мураккаб ўзаро бир-бирига ўтиш ҳолатлари ва уларнинг диалектик бирлиги шахс тараққиёти жараёнини ҳаракатлантирувчи кучи ҳамда уларни амалга ошиш қонунияти механизми ҳисобланади. Бошқа одамларнинг мавжудлиги ва уларнинг фасилитацияси обьектив муносабат сифатида индивидуал фаолият хусусиятига, хусусан, уни фикрлаш услуби, фикр эркинлиги, теранлиги,

мантиқийлиги ва мустақиллигига таъсир курсатади.

Ҳар қандай фаолият турлари сингари билиш фаолиятининг ҳам операцион - техник жабхаси ижтимоий хулқ моҳияти, шакли билан қўшилиб кетади, яъни субъект - объект муносабати (субъектнинг объект билан ўзаро ҳаракати)га қараганда, субъект - субъект (субъектнинг бошқа субъектлар билан ўзаро ҳаракати) муносабати муҳимроқ аҳамият касб этади. Шахс билиш фаолиятини, хусусан уни фикрлаш жараёнининг тадқиқоти мураккаб муносабатнинг икки тури тариқасида аниқлаш билан чекланиб қолмасдан, балки унда шахснинг ижтимоий мавжудот тимсолида ўзгаларнинг таъсирида шаклланадиган ижтимоий шайлиги ва установкалари ҳам ўрганилиши мақсадга мувофиқ. Ягона фаолиятнинг бу икки томонини, яъни фикрлашнинг психик функция кўринишидаги жараёнга ҳамда фикрловчининг шахс тимсолида ижтимоий психологик муҳитнинг маҳсули тарзидағи субъект фаолиятини бир-биридан ажратган ҳолда ўрганиш - фикрлаш самарадорлигини, билиш фаолияти тараққиёти, тафаккур ўсишининг қонуниятларини ҳаққоний равишда тасаввур қилишга имкон бермайди. Шундай қилиб, шахс билиш фаолиятини предметнинг ўзи орқалигина ўрганиш хато, бошқа томондан, муомала маромини билиш омилидан ажратган ҳолда тадқиқ этиш адекват психологик воқелик эмас. Билиш фаолиятининг гностик (билиш) ва муомала жабҳалари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлганлиги туфайли яхлит фаолиятнинг бу икки жиҳати уйғунлигини инобатга олиш мутлақо зарурдир.

Худди шу боис, тадқиқотнинг илмий фаразини ифодалашга қуйидаги фикр ҳам ички туртки бўлди, яъни тафаккур мустақиллигини ҳукмлар, фикрлар ва эътиқодлар шаклланиш жараёни қиёсида тадқиқ этиш юқорида таъкидланган мақсадга мос келади, мазкур ҳодисаларни англаётган субъектнинг предметга нисбатан муносабати билан унинг ўзгалар фикрига муносабати ўзаро қўшилиб кетади.

Фикрнинг шаклланиши жамият ва табиатда идрок этилаётган воқеалар ҳамда ҳодисаларни баҳолаш, фикрнинг мазмунига: «кўр-кўрона» ёки муваққат вазиятбоп тарзда ишониш ўрнига онгли равишда ақл-фаросат билан ишониш, ўзга инсонлар мавжудлиги, уларнинг фикр-муносабатларини инобатга олган ҳолда уларга тобеликда ёки хулосага келиш мустақил фикрлашга имкон беради. Билиш жараёнида фикр ва эътиқоднинг ривожланиши муҳим омил ҳисобланади, ўқувчидаги фикрнинг туғилиши унда чуқурроқ билимга нисбатан эҳтиёжни вужудга келтиради, бу эса ўз навбатида шахснинг ақлий хатти-ҳаракатини фаоллаштиради, шахсий (хусусий) фикрлаш мотивига ижтимоий мотивация билан қўшилади, яъни шахс ўзини-ўзи бошқариши ундовчи ва бажарувчи омиллар бирлигини таъмичловчи механизм функциясини бажаради.

Илмий тадқиқотнинг асосий ва ишчи фаразлари куйидагилардир:

1. Агарда мустақил фикрлаш жараёни шахс хислати сифатида қаралса, унинг ақлий фаолиятига ундовчи ва уни бажарувчи функциялари орасидаги муносабатларнинг ўзгариши сифатида қараладиган бўлса, мазкур функциялар ҳар бирининг сифат жиҳатидан бошқа шаклга ўтиши, субъектнинг ундовчи функциясида ўзгаларнинг иштироки, бу ҳолатнинг ижобий таъсири туфайли фасилитациянинг аҳамияти ортиши ва ақлни бошқаришда уларни ижро этувчи функциясида шахснинг ўзига нисбатан ишонч ва ўз фикридан ички руҳий қониқишлиқ билан тавсифланиши мумкин.

2. Агар шахснинг эркин, мустақил фикрлаши ўз фикрларининг тўғрилигини муҳолифга исбот қилигизда, қарама- қаршиликларни бартараф этишининг усулларини топишда, билиш топшириқларини бажаришнинг янги воситаларини очишда намоён бўладиган бўлса, унинг ўз хохишига биноан, ижтимоий объектларнинг маъқуллашларига

таянган ҳолда мулоҳазасини баён этиши ақлий фаоллик ҳамда мустақил фикрлашнинг кучли омили ҳисобланиши эҳтимол.

3. Агар ақлий ташаббускорликда ҳамда эркин фикрловчи шахснинг ақлий фаолиятини ташкил этишда ўқув фаолиятининг индивидуал ва жамоавий усулларининг бирлашуви рўй берса, бунда мазкур фаолиятнинг мотивацион, когнитив, концептуал, фикр алмашинув жиҳатларининг бирлиги таъминланиши кутилади.

4. Агарда шахснинг социометрик мақоми кичик гурӯҳда қанчалик юқорида бўлса, унинг мустақил ижодий фикрлаши ҳам шунчалик юқори кўрсаткичга эга бўлиши мумкин, чунки нуфузга эришиш, мухитда ишонч қозониш, фаоллик устуворлиги механизм сифатида хизмат қилиши эҳтимоли мавжуд.

5. Мустақил фикрловчи шахсларга хос хислатлар мавжуд бўлиши мумкин, лекин мустақил, ижодий фикрлаши юксак инсонлар ўзларини ноадекват баҳолашлари кузатилади.

6. Шахснинг мустақил фикрлаши билан креатив тафаккурининг оригиналлиги орасида ички боғланиш тахмини ҳукм суради.

Белгиланган мақсад, илгари сурилган ғоя, назарда тутилган фаразлардан келиб чиқсан ҳолда қўйидаги вазифалар белгиланди.

- Тадқиқотнинг вазифалари:

- 1) мустақил фикрлашга таъсир этувчи психологик ва шахсий омиллар моҳияти, табиати ва тузилишини аниқлаш;
- 2) мустақил фикрлашнинг мезонларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;
- 3) Фикр алмашинувнинг турли жараёнини ўз ичига олган янги педагогик технологияга асосланган психологик тренинг сценарийларининг илмий-назарий асосларини яратиш;
- 4) шахсда интеллектуал ташаббускорлик ҳиссининг ривожланишига самарали таъсир этувчи билиш фаолиятининг қулай

омиллар, оқилона усулларини текшириш;

5) тафаккур мустақиллигини ривожланиш имкониятлари нуқтаи назаридан ёндашиш орқали ўқувчиларнинг ўзаро таъсири, янги интеракция шаклларидан бири бўлмиш баҳснинг маҳсулдорлик даражасини текшириш орқали ўзлаштириш самарадорлигини ошириш;

6) шахс мустақил фикрлашининг ёш ва индивидуал фарқларидаги ўзгаришнинг социометрик мақомга ва эътиқодлиликка боғлиқ бўлган умумий йўналишларини рўёбга чиқариш ҳамда ижтимоий воқелиқдаги аҳамиятини белгилаш;

Тадқиқот ишининг босқичлари:

Биринчи босқичда дарс ва машғулотларни кузатиш, уқитувчилар, талабалар, ўқувчилар билан сухбат ўтказиш, илмий манбалардан унумли фойдаланиш орқали замонавий ўрта ва олий мактабларда тафаккур мустақиллиги ривожланишининг умумий йўналишини аниқлашга ҳаракат қилинди. Биз синалувчиларнинг тафаккур мустақиллигини қандай усул, воситалар ёрдами билан ривожлантириш имконияти ҳақида, улар мазкур хислатнинг моҳиятини қай йўсинда тушунишлари тўғрисидаги фикрларини умумлаштириш зарур деб ҳисобладик. Ўқув жараёнида баҳс, гуруҳий мунозаралар, психологик тренинг қандай аҳамият касб этиши муаммоси маҳсус тарзда тадқиқ этилди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида - лниқловчи тажрибалардд танлаб олинган обьектларда турли ёш даврларидаги шахсларнинг мустақил, ижодий фикрлаш даражаси уларнинг кичик гурухлардаги социометрик мақомлари ва унда эгаллаган мавқелари доирасида изланишлар олиб борилди.

Учинчи босқичда - шакллантирувчи тажрибаларда танланган обьектларда мустақил, ижодий фикрлашни такомиллаштириш бўйича маҳсус психологик машқлар воситаси билан шахсий ишонч ва эътиқодга асосланган фикр юритишга ўргатиш мақсадида тажриба гурухларида

фасилитацион таъсирлар ва ижтимоий психологик тренинглар ўтказилди. Шакллантирувчи тажрибанинг асосий вазифаси - ўқувчилар ва талабаларнинг билиш фаолиятини бавосита бошқариш жараёнида мустақил фикрлашнинг ривожланиш қонуниятларини аниқлашдан иборатдир.

Тўртинчи босқич: Бу босқичда назорат тажрибалари ўтказилиб, турли ёшдаги шахсларда ижодий, мустақил фикрлаш даражалари қанчалик ортганлиги, ички захиралар ишга тушганлиги текширилди. Шу билан бирга тадқиқот натижалари умумлаштирганҳолда таҳлил қилинди, илгари сурилган фаразларнинг тўғрилиги исботланди, олинган маълумотларнинг ишончлилик даражаси математик статистик методлар ёрдамида ҳисоблаб чиқилди.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асосини илмий психологиянинг асосий тамойилларидан бири бўлмиш онг ва фаолият бирлиги тамойили (А. Н. Леонтьев, Л.С. Виготский, Б.Г.Ананьев), В.А.Петровскийнинг шахсга йўналтирилган дидактика тамойили, узок хориж психологиясининг ижтимоий тафаккур тўғрисидаги концепциялари (Дж. Дьюи, Э. Дюркгейм, К. Левин, С.Московиси, Г.Оллнорт, Н. Басова, Х. Сильва, Б. Голдман, Д.Майерс ва б.к.)нинг шахс ва унинг дунёқараши, эътиқоди мустақил фикрлашнинг шаклланишига ижтимоий муҳитнинг кучли таъсири тўғрисидаги назариялари мужассамлаштирди.

Ишда қуйидаги илмий методлардан фойдаланилди:

- «Мен мустақил фикрлашни қандай тушунаман?» мавзусидаги иншода тўпланган очиқ анкета саволларига иштирокчилар томонидан берилган жавобларни таҳлил қилиш. Бу методлар орқали ўсмир ва ўспириналарнинг мустақил фикрлаши ҳақидаги шахсий қарашларини ўрганишга қаратилган эди.
- социометрик методика орқали шахснинг таълим жараёнида

кичик гурухда эгаллаган унинг мавқеи ва шахслараро муносабатлар тизимидағи мақоми текширилди. Гурух юлдузлари ва ундан ажралиб қолган аъзоларининг мустақил фикрлаши бўйича фарқлари аниқланди;

- Р.Б.Кэттелл методикаси орқали шахс хусусиятлари билан мустақил фикрлаш орасидаги боғлиқлик текширилди;
- ўзини-ўзи баҳолаш тести орқали шахснинг ўзини-ўзи баҳолаши, гурух аъзолари томонидан берилган баҳога унинг қанчалик мутаносиблиги ҳамда ўзини-ўзи баҳолаш, ўзига ишонч билан мустақил фикрлаш хусусиятлари орасидаги боғлиқлик тадқиқ қилинди;
- «Г.Ю.Айзенк вербал тести»нинг биз томонимиздан мослаштирилган варианти, «Векслер тести», «Гетзельс-Джексон» тести, «Индукция», «Дедукция» тестлари ёрдами билан иштирокчиларнинг мустақил ижодий фикрлашининг даражаси аниқланди;
- психологик - педагогик тажрибаларда эса мазкур тадқиқот учун маҳсус яратилган тренинг машғулотлари тизими иерархияси ишлаб чиқилди ва синовдан ўtkазилди, яъни турли муаммоли вазиятларда синаувчиларда эркин, мустақил, ижодий фикрлаш усуллари шакллантирилди.

Олинган натижалар ва диагностик методикаларининг статистик ишончлилик даражаси Стъюдентнинг - I муқаррарлик мезони билан тасдиқланди, мустақил, ижодий фикр билан шахс хислатларининг боғлиқлиги Пирсоннинг корреляция формуласи орқали ўрнатилди.

Тажрибаларда ишончли натижалар олингандан сўнг синаувчиларни мустақил, ижодий фикрлашга ўргатиш юзасидан ўқитувчилар, психологлар ва ота-оналар учун педагогик-психологик тавсияномалар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертацион тадқиқотда мустақил фикрлаш ижтимоий психологик омиллар - кичик гурух, муомала, шахслараро таъсир, ижтимоий установка, фасилитация,

фикрлар лидери, конформизм, нонконформизм, ўзини-ўзи баҳолаш, фикрлаш маҳсулдорлиги» каби ижтимоий аҳамиятли феноменлар билан боғлиқ бўлган шахс хислати сифатида тадқиқ қилинди. Тадқиқотнинг илмий мақсади ва вазифалари доирасида ўсмир ва ўспириналарни мустақил фикрлашга ўргатишнинг ижтимоий-психологик ва ақлий омиллари маҳсус психологик тренинг дастури доирасида ўрганилди. Тадқиқотнинг амалий моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда, маҳаллий шароитда биринчи марта ўспирин шахсларларнинг ўзидаги «психологик муҳофазани» енгиб, ўзгалар даврасида эркин, ностандарт тарзда ўз фикрларини тортинмай мулоҳазага қўйишилари уларда ижодий, мустақил фикрлашни янада ривожлантирувчи омил эканлиги далилланди.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, унинг назарий умумлашлари натижалари ижтимоий-педагогик психологияга ижтимоий установкаларнинг когнитив соҳасида ушбу фан предмети ўрганиши мумкин бўлган муҳим муаммонинг асосланишига ёрдам берди.

Бундан ташқари, тадқиқотда олинган натижалар ўсмир ва ўспириналарни ижодий, мустақил фикрлаш жараёнида ижтимоий-психологик муҳофазани енгиш имкониятлари ҳақида илмий тасаввурларни янада кенгайтиради. Назарий хуносалар ижтимоий психология ва педагогик психология соҳаларида янги йўналишларнинг белгиланишига туртки бўлиб ҳисобланади. Бу вазифаларни қарор топиши ҳар томонлама етук, ижодий ва мустақил фикрловчи инсонларни шакллантириш муаммолари билан узвий боғлиқлиги учун ҳам муҳим ижтимоий психологик аҳамият касб этиши шак-шубҳасиз.

Илмий тадқиқотнинг **амалий аҳамияти** энг аввало шундаки, тажриба ва машғулотларда олинган натижалар таълим технологияларини такомиллаштиришда ўқувчи билан ўқитувчини фикрлаш жараёнларининг уйғунлиги, «субъект-субъект» тарздаги

муносабатларнинг асл маъносини тушунган ҳолда, эркин фикрловчи шахс муаммоси концепциясини ишлаб чиқишида алоҳида аҳамиятга эга. Бундан ташқари, чиқарилган эмпирик хуносалар ва амалий тавсияларни куидаги ҳолларда қўлласа бўлади:

- тадқиқотда самара берган ўсмир ва ўспиринларни мустақил ижодий фикрлашга ўргатувчи тренинглар сценарийси миллий муҳитга мослашганлиги сабабли уни педагогик амалиётда қўллаш мумкин;
- мактаб психологлари, психолог маслаҳатчилар, ижтимоий ва педагогик психология соҳасида ишлайдиган тадқиқотчилар тадқиқот натижасидан ўз иш фаолиятларида фойдаланишлари жоиз;
- ўсмир ва ўспиринларда мустақил фикрлашнинг ривожланганлиги ҳақида олинган маълумотлар мактаб таълимида фикр юритиш фаолиятининг тараққиёти ва шаклланиш жараёнини келгусида ўрганишда қўллаш мақсадга мувофиқ;

Ҳимояга тавсия этиладиган асосий ҳолатлар.

1. Ҳозирги даврда мактабларда асосий эътибор замонавий билимларни эгаллашга қаратилгандир. Худди шу боис ҳар бир синф, академик гурӯхнинг ўқувчилари, талабалари жуда оз мустақил фикрлайдилар ҳатто, ўз фикрларини бемалол айти оладилар. («Мен мустақил фикрлашни қандай тушунаман?» иншосининг натижалари бўйича).

2. Мустақил фикрлаш шахснинг хислати ҳисобланиб, у шахс томонидан билимларни ўзлаштиришда вужудга келадиган ҳукмларни шахсий фикрлашига ва эътиқодига фикран узатиш қобилиятидир. Тафаккур мустақиллиги феноменининг тузилишига кўра, унинг таркибий бирликлари ҳукмлар, фикрлар ва эътиқодлардан иборатdir.

Шахс хислати сифатида талқин қилинаётган мустақил фикрлаш жараёни ўсмир ва ўспириннинг ақлий фаолиятидаги ундовчи ва бажарувчи функциялари орасидаги муносабатнинг ўзгариши, ушбу

функцияларнинг ҳар бириси сифат жихатидан қайта ўзгариши, ундовчи функциясида эса ўзгаларнинг иштироки бу ҳолатнинг ижобий таъсири - фасилитация ролининг ортиши ва ақлий фаолиятни бошқаришда уларнинг ижро функциясида иштирокчининг ўзига нисбатан ишонч ва ўз фикридан ички руҳий қониқишининг мавжудлиги билан тавсифланади. Бундай бошқаришнинг юқори даражалари ақлий ташаббускорликда намоён бўлади.

таъминловчи шундай психологик омилдирки, бу самара уларнинг онгига мафкуравий бўшлиқнинг олдини олиб, турли диний экстремистик оқимларга кўр-кўrona қўшилиб кетишдан ўсмир ва ўспиринларни сақлайди.

Ҳимояга тавсия этиладиган асосий ҳолатлар.

1. Ҳозирги даврда мактабларда асосий эътибор замонавий билимларни эгаллашга қаратилгандир. Худди нгу боис ҳар бир синф, академик групнинг ўқувчилари, талабалари жуда оз мустақил фикрлайдилар ҳатто, ўз фикрларини бемалол айта оладилар. («Мен мустақил фикрлашни қандай тушунаман?» иншосининг натижалари бўйича).

2. Мустақил фикрлаш шахснинг хислати ҳисобланиб, у шахс томонидан билимларни ўзлаштиришда вужудга келадиган ҳукмларни шахсий фикрлашига ва эътиқодига фикран узатиш қобилиятидир. Тафаккур мустақиллиги феноменининг тузилишига кўра, унинг таркибий бирликлари ҳукмлар, фикрлар ва эътиқодлардан иборатdir.

Шахс хислати сифатида талқин қилинаётган мустақил фикрлаш жараёни ўсмир ва ўспириннинг ақлий фаолиятидаги ундовчи ва бажарувчи функциялари орасидаги муносабатнинг ўзгариши, ушбу функцияларнинг ҳар бириси сифат жихатидан қайта ўзгариши, ундовчи функциясида эса ўзгаларнинг иштироки бу ҳолатнинг ижобий таъсири - фасилитация ролининг ортиши ва ақлий фаолиятни бошқаришда

уларнинг ижро функциясида иштирокчининг ўзига нисбатан ишонч ва ўз фикридан ички руҳий қониқишининг мавжудлиги билан тавсифланади. Бундай

бошқаришнинг юқори даражалари ақлий ташаббускорликда намоён бўлади.

3. Шахснинг мустақил фикрлаши ўз фикрларининг тўғрилигини муҳолифга исбот қилишда, қарама-қаршиликларни ҳал қилиш усулларини излаб топишда, билиш муаммоларини ечишнинг янги усулларини излаб топишда намоён бўлади. Шахснинг ўз хоҳишига кўра фикрларини баён этиши - ақлий фаоллик ҳамда мустақил фикрлашнинг кучли омили бўлиб ҳисобланади.

4. Ақлий ташаббускорликда ва эркин фикрловчи шахснинг ақлий фаолиятини ташкил этишда ўқув фаолиятининг индивидуал ва жамоавий усулларининг бирлапгуви рўй беради, бунда мазкур фаолиятнинг мотивацион, когнитив, концептуал ва фикр алмашинув жиҳатларининг бирлиги таъминланди.

А) Фаолиятнинг мотивацион жиҳати билишга эҳтиёж, шахснинг ўқув фаолиятидаги фаол вазияти, гурӯҳда ўз мавқеини аниқлаб олишга интилиш, билишга барқарор, турғун қизиқиши ўз ичига олади.

Б) Мустақил фикрлашнинг билиш (когнитив) жиҳати - шахсни билимларни ўзлапггиришда фойдаланадиган ақлий фаолиятнинг оқилона усуллари, самарали йўллари ва операцияларидан иборатdir.

В) Мустақил фикрлашнинг концептуал жиҳати - шахсни ўзлаштирадиган билимларга нисбатан пгундай муносабат билан тавсифланадики, бунда билимлар шахс томонидан тўғри деб қабул қилинмасдан, балки олинаётган маълумот таркибидаги қарама-қаршиликлар фикрга айланади, мазкур фикрлар эса исботнинг маълум тизими орқали тасдиқланади.

Г) Мустақил фикр юритишнинг фикр алмашинув жиҳати эса

шахслараро таъсирнинг шакллари ҳисобланмиш ўзаро назорат қилиш, ўзаро ёрдам, ўзаро бир-бираига ўргатиш, баҳс сифатида намоён бўлиши кузатилади.

5. Гурухий муҳитда тан олинган аъзоларининг ижодий фикри ундан ажралиб қолган аъзолариникидан юқори бўлиб, уларнинг бу ижтимоий мақоми ўзини баҳолашнинг ҳам ноадекватлиги, ўзига (шахс сифатида) ва ўз фикрига (фикр эгаси сифатида) ишонч даражаси ҳам (социометрия методи натижалари бўйича) юқоридир.

6. Мусатқил фикрлаши ривожланган шахсларга (Кэттелл методикаси натижалари бўйича) қуйидаги хислатлар хосдир: мулоҳазалик, эҳтиёткорлик, соддалик, ақллилик, камгаплик, мулоқотмандлик, шубҳаланувчанлик, дангаллик, табиийлик, тиришқоқлик, жавобгарлик, ўзини-ўзи назорат қилишнинг юқори даражасига эгалик, ижтимоий талабларни аниқ бажаришда ғайратлилик, фрустацияга берилувчанлик ва ҳ.

7. Мустақил ижодий фикрлаш даражаси юқори шахслар ўзларини ноадекват баҳолайдилар. Гурух муҳитида тан олинган аъзолари ўзларига гурухий баҳолашга нисбатан қуи баҳо берадилар, лекин уларда мустақил, ижодий фикр юқори кўрсаткичга эга. Гуруҳдан ажралиб қолган аъзолар эса гурухий баҳолашга нисбатан ўзларини ўзлари юқори баҳолайдилар, бироқ уларда мустақил, ижодий фикр кўрсаткичи қуи ривожлангандир (Узини-ўзи баҳолаш, Айзенк ва Векслер тестлари натижалари бўйича).

Диссертация тузилиши

Диссертация кириш, 2 боб, хулоса, тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ ШАХС ХИСЛАТИ СИФАТИДА

1.1. Мустақил фикрлаш давлат сиёсати сифатида

Мустақил фикрлашнинг ижтимоий психологик муаммога айланган эканлигини юксак ҳис қила билган давлатимиз раҳбари Биринчи президент И.А.Каримов Олий мажлиснинг IX сессиясида ўқиган «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» номли тарихий маъruzасида ўқитувчиларнинг асосий вазифаси ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўниқмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини, таълим самарали бўлиши учун сабоқ олувчилар мустақил фикрлашни эгаллаши зарур эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Президентимиз ёш авлодда мустақил фикрлашни шакллантириш зарурлиги устида мулоҳаза юритиб шундай дейдилар: «Биз ёшларимизни мустақил фикрлашга керакли даражада ўргата олмадик. Мактабни битириб чиқсан айрим ёшларнинг мустақил фикри йўқ. Мустақил фикрга эга бўлмаган одам эса ҳар қандай оломонга эргашиб кетаверади. Масаланинг энг муҳим жиҳати айнан мана шундадир. Болалар қайси синфдан бошлаб мустақил фикр юрита бошлайди, умуман, мактабларда болалар мустақил фикр юритишга ўргатиладими, аминманки ўргатилмайди» [3]. «Агар болалар эркин фикрлашга ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойлиқдир»⁵. Бу фикрлар психологик қонуниятларга асосланган бўлиб, айнан таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ҳамкорлик фаолиятида уларнинг фикр юритиши, нутқи, дунёқараши ўсиши, нгу маънода, уларда тафаккурни ривожлантириш кезида муаллимнинг юксак масъулиятини ҳис этишни таъкидлашнинг ўзида

⁵ Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Шарқ. 1997. 9 бет.

мужассамлашгандир.

Худди шу боис, ўқитувчининг бош вазифасидан бири - бу ўқувчиларда, талабаларда мустақил фикр юритиш қўнималарини ҳосил қилиш ва уларни билиш фаолиятида ривожлантиришдан иборат бўлиб, уни бу когнитив жараён ўз вужудга келиш (гностик) юзасидан психологик омиллар тизимидан, кенг ижтимоий психологик шахслараро муносабатлар натижасининг маҳсули саналмиш ўқитувчи билан ўқувчиларнинг шахсият фазилатларидан, бир-бирларига ахборот тарзда мужассамлашган психологик таъсирлар, таассуротлар, ижтимоий установкалар замирида рўёбга чиқиб келишини англаатади.

Президентимиз И. Каримов ўзининг «Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли фундаментал асарида юртимизда эркин, демократик фуқаролик жамияти қуриш шарт-шароитлари ва унинг кафолатлари сифатида ҳам ўсмир ва ўспириналарни фикрлаш жараёнини мазмун ва шакл жихатдан ўзгартиришнинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган. Бу шахслараро субъект- субъект муносабати жараённинг самараси нафақат яратиладиган янги авлод дастурлари, дарслик, ўкув қўлланмаларга, балки билимни узатувчи, маълумотлар эгаси бўлган ўқитувчи шахсига ва иккинчи томондан, уни ўзлаштирувчи бола шахсининг эркинлиги ва тафаккур тарзига боғлиқ [6].

Биринчи президент И.А.Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош мухаррири саволларига берган жавоблари асосида баён этилган «Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин» номли интервьюсида ҳам агарда якка шахс мустақил фикрга, ижодий фикрлашга эга бўлмаса у албатта ҳар хил мафкуралар тайзиқига берилиши мумкинлиги алоҳида ишончли контекстда таъкидлаб ўтилади: «...ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши қутб барҳам топган бўлсада, турли хил мақсад манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ. Очик айтиш керакки, бу

тортишувлардан кўзланган асосий мақсад - инсон, авваламбор, ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамлиқдан ҳам даҳшатлидир»⁶⁷.

«Мана шундай бир вазиятда одам ўз мустақил фикрига, сабит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий - миллий қадриятларига, шаклланган дунёқарааш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкуралар босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишидаги тазиикларига бардош бериши амри маҳол»⁸. Агарда юқоридаги фикрларни психологик нуқтаи-назардан таҳлил этадиган бўлсак, у ҳолда, юртбошимиз турли ижтимоий гуруҳлар таъсирига тортилган турли ёшдаги шахсларнинг ижтимоий хулқига конформ таъсирнинг ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатга олиб келиши мумкинлиги, мустақил фикрлаш қобилиятининг эса ундаги онгли нонконформизм ижтимоий воқеликка яқинлигини таъкидлайдилар.

Шу билан бирга юртбошимиз ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги даврида ғояни маъмурий чора-тадбирлар билан енгиб бўлмаслигини уқтирадилар: «Демак, бугунги кунда ғояни, фикрни таъқиқ билан енгиб бўлмайди. Ғояга қарши фақат - ғоя, фикрга

⁶ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. -Т.: Узбекистон миллий энциклопедияси. 2000. 32 б.

⁷ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. ~Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2000. 33 б

қарши - фикр, жаҳолатга қарши - маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин»⁸. Демак, ўқитувчилар жамоалари ўсмир ва ўспириналар тафаккурини ривожлантиришда, энг аввало ҳар бир ғоянинг фикр ривожи таъсирига, унинг маърифатлилик мезонига алоҳида эътибор қаратиш ижтимоий заруратдир. Бу воқелик ўз навбатида таълим ва тарбия жараёнининг туб моҳиятини ўзгартиришни, педагогик муомаланинг энг самарали ҳамда таъсирchan усусларини излаб топишни, шунингдек, амалиётга уларни жорий этишни талаб қиласди.

Биринчи президент И.А.Каримов баркамол шахсни шакллантирувчи таълим- тарбия тизимини ижтимоий тараққиёт тақозо этувчи тизимга асосланган ҳолда ўзгартириш ҳақида мулоҳаза юритиб қуидагиларни билдирадилар: «...таълим-тарбия онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг маҳсулини белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб, биз кўзлаган олий мақсад - озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди»⁹. Ушбу мақсадлар амалга ошишининг маҳсули саналмиш ўқувчилар ва талабаларни янгича фикрловчи субъектлар, ўз «Мен»лиги нуқтаи назаридан шахслараро муомалани тўғри ташкил қилиш имкониятига эга сабит инсонлар деб баҳолаш мумкин.

Юртбошимиз И. А. Каримов янгича фикрловчи ўқувчи ва талабаларни шакллантирувчи таълимни амалга ошириш лозимлиги юзасидан мулоҳаза юритар эканлар: «...таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган

⁸ Каримов И.А. Баркамол авлод орзузи. ~Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2000. 35 б

⁹ Каримов И.А. Баркамол авлод орзузи. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2000. 40 б

инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча - ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз маъсулияти билан, онгли тарзда, озода ва хур фикрли инсон бўлиб яшайди»¹⁰.

Уларнинг юқоридаги фикр ва мулоҳазаларида ўқитувчилар олдига баркамол шахс камолати айнан қандай шахсий мезонлар ёрдами билан амалга оширилиши кераклиги тушунтириб берилади. Мазкур ғоялардан келиб чиқсан ҳолда, И.А. Каримов мустақил фикрловчи баркамол инсонни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратадилар: «Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда, биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз»¹¹. Билимли, маърифатли шахсда эса унинг «Мен»лигини мужассамлаштирувчи, ундаги ғояларнинг ижтимоий манфаатларга уйғунлигини таъминловчи Эркин ва мустақил фикрлаш бўлмоғи лозим.

Худди шу боис ҳам бу масалага умумдавлат манфаатига алоқадор муаммо сифатида қаралганлиги туфайли, қабул қилинган қатор қарорлар, қонунлар ҳамда юртбошимизнинг фармойишлари ҳам бунга ёрқин далолатdir. Хусусан, Ўзбекистонда «Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури»да шахснинг эркинлигига, унда мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришга бирламчи даражали масала сифатида эътибор берилган. Эркинлик ижтимоий воқелик тариқасида таъминланган жамиятда фикрлаш, ғоявийлик ривожланади, бунинг натижасида эса жамият кучли бўлиши кафолатланади. Эркинлик бир қатор имкониятлардан энг зарурини танлаб олишни тақозо этади.

¹⁰ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. ~Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2000. 42 б

¹¹ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. ~Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2000. 81 б

Таълимнинг янги тизимида ўсмир ва ўспириң ўқувчи ҳамда талабаларга худди шундай имкониятлар яратилган, уларнинг эркинлиги хуқуқий ҳамда ижтимоий жиҳатдан таъминланган.

Шундай қилиб, юртимиз ва халқимиз томонидан қўлга киритилган давлат мустақиллиги фуқароларимизга янгича яшашни, янгича фикрлашни, ижтимоий ҳаётда жамиятнинг ҳар бир аъзосидан ўзига муносиб ўрин эгаллашни, янги мафкура асосида янгича маънавиятни талаб қиласи, чунки буни истиқлол мафкураси тақозо этади.

Худди шу муносабат нуқтаи назаридан юртбошимиз ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш муаммосига ҳам тўхталиб ўтадилар:

«Жорий этилаётган тизимда мустақил фикрлаш қобилиятини тарбиялашда ўқитувчи билан ўқувчи муносабатини тубдан ўзгартириш, яъни ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш масаласи ўта муҳимдир. Бу масала қандай ҳал этилади? Кўтарилигдан масаланинг нозик жиҳатлари кўп. Чунки, бу бевосита ёшларимизнинг тафаккурига, онгига, руҳиятига таъсир этиш билан амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида янги педагогик технологияларни жорий этишни талаб этади. Масалан, ўқувчи қайси ўқув фанини ёқтириши, яхши мукаммал ўзлаштириши ва шу асосда мустақил фикрлаш қобилиятига эришиш мумкин? Бу ижодий муҳит барпо этилганда, ўқитувчи билан ўқувчи орасида ўзаро бирбирига ҳурмат, ишонч ва ўзаро шахс сифатида тан олиш ҳисси пайдо бўлғандагина намоён бўлади. Бу дарс ўтиш жараёнида мунозара, баҳс, мулоқотлар каби усуллардан фойдаланиш орқали амалга оширилади»¹⁰. Келтирилигдан парчадан кўриниб турибдики, юртбошимиз педагоглар ва психологлар олдига янгича шакл ва

мазмундаги мустақил фикрлашнинг комплекс омилларини, шу жумладан, бу психологик воқеликнинг феноменологиясини яратишни, илмий тадқиқ этишни, имкониятларни таҳлил қилишни, амалий тавсиялар ишлаб чиқишини долзарб вазифа сифатида қўймоқдалар. Янгича, ижодий ва эркин фикрлашда шахсда шаклланган

индивидуал ва ижтимоий установкалари ҳамда тасаввурлари субъект учун бирламчи бўлгани туфайли биз ўз тадқиқотимизда психологик омилларнинг аҳамиятини алоҳида тадқиқ этишимиз, бунда давлатимиз раҳбарининг дастурий фикр- мулоҳазалари, ғоялари методологик асос вазифасини бажаради.

Ўзбекистон халқи ўз олдига ҳуқуқий демократик жамият қуриш мақсадини қўйган экан, бу йўлда дастлабки, лекин жуда муҳим базис, субстакция яратишга киришилди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ҳаётга татбиқ этилиши халқаро ҳамжамиятда ўз мавқеи ва статусини мустаҳкамлашга имкон вужудга келтиради. Чунки дунёning глобал ва регионал жиҳатдан ривожининг ҳал қилувчи омили ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-заковат, илғор технологиялар мажмуасидир.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ўсмир ва ўспириналарда мустақил фикрлашни шакллантиришнинг омиллари ва шарт - шароитлари ҳакида ўзларининг сермазмун фикрларини билдирганларки, уларнинг илгари сурган ғояларини биз тадқиқотимизда методологик асос сифатида фойдаландик ва бу борада муайян хulosалар чиқардик: Жамият равнақи учун мустақил фикрловчи, илмий дунёқарашга эга ўсмир ва ўспириналар камол топиши зарур, чунки «Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури» ва «Таълим тўтрасида»ги қонунини таълим тизимида амалга оширишнинг меъёрий ҳужжатлари буни тақозо этади.

1.2. Шарқ мутафаккирларининг мустақил фикрлашга етакловчи ижтимоий омиллар ва шарт-шароитлар ҳақидаги ўгитлари

Шарқ алломаларининг бой маънавий меросида оила ва жамиятда ёшларни мустақил фикрлашга ўргатиш, уларда фикрлаш ва дунёқарашни шакллантирувчи омиллар тўғрисидаги талқинларини кўплаб илмий адабиётларни назарий жиҳатдан таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, халқни фикрлаш тарзидаги мустақиллик элементлари асрий анъаналарга эга экан. Масалан, эрамиздан аввал аждодларимиз томонидан яратилган «Авесто»да ҳам шундай ғоялар мавжудки, биз уларнинг аксарияти бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган эканлигини қайд этишимиз, айни муддаодир.

Маълумки, «Авесто» зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, унинг ilk саҳифалари Зардушт томонидан эрамиздан аввалги 548-529 йиллар оралиғида Амударё соҳилида яратилган. Қадимий аждодларимиз яратган «Авесто» асари дунёдаги энг қадимий, ноёб билимларнинг хазинасидир. Унда оламдаги барча диний, дунёвий, табиий фанлар бўйича теран фикрлар мужассамлашган. Жумладан, «Авесто»да яхши фикр тарбияси ҳақида қўйидаги мулоҳазалар учрайди: «Тарбия ҳаётнинг энг муҳим тиргаги (таянчи) бўлиб ҳисобланиши лозим. Ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш зарурки, у аввал яхши ўқиши, сўнgra ёзиши ўрганиши билан энг юксак поғонага қўтарилисин». «Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон - шавкат бахш этаман»¹¹.

Инсонийлик, ақл ва иймон муаммолари ўтмиттдаги авлод-аждодларимизнинг назаридан четда қолмаганлигини шу қадимий асар ҳам яққол кўрсатиб турибди. Қуйидаги парчада ақл ва фикрлашнинг шахсдаги олий фазилатлар билан, яъни иймон- эътиқодлар билан узвий боғлиқлиги аниқ кўрсатиб ўтилган:

Виждонли ва иймонли кимсаларга

Багишлайман шодлик, бардам руҳ...

*Эътиқодман, Митраман,
Мудом сабоқ бермоқчиман,
Иймон билан фикр айласи
Иймон билан сўз сўзласин,
Ва иймонга амал қилсин¹².*

Шундай қилиб, муқаддас китоб «Авесто»да инсонларнинг яхши фикрли бўлиши, улар ўзаро бир-бири билан меҳрибон ва аҳил-тотув тарзда яшashi ҳақида мулоҳазалар баён этилган.

Шарқнинг буюк мутафаккирлари ва фикр соҳиблари ҳисобланмиш Мотуридий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Умар Ҳайём, Фитрат, Авлоний ва бошқалар ўзларининг энг нодир асарларида ақл, тафаккур ҳақида фикрлар билдирганлар.

Абу Мансур Мұхаммад ибн Мұхаммад ал-Ханафий ал- Мотуридий (870-944) калом илмининг асосчиларидан бири, мусулмон оламидаги энг йирик суннийлик калом мактаби - мотуридийликнинг асосчисидир. Алломанинг асосий тадқиқоти бўлган «Китоб ат-тавҳид» («Яккахудолик ҳақидаги китоб»)нинг калом илми таърифи берилган муқаддимасида билимда уч манба: ҳиссий қабул қилиш, ахлоқий тафаккур ва инсоннинг ишончли манбалардан олиши мумкин бўлган анъанавий ахборотлар мавжудлиги ҳақида мулоҳаза билдирилади. Ал-Мотуридий концепциясининг аҳамияти шундаки, у соғ диний тавсифлар доирасидан ташқари чиқиб, ақл-идрокни улуглайди ва мантиқан асосланган билимнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Ал- Мотуридийнинг ғоялари туфайли калом илми анъанавий исломий мафкура даражасидан диннинг асосий қоидаларини ақл-идрок асосида талқин қилишгача бўлган катта илмий йўлни босиб ўтади. Унинг асарларида талқин этилган меъёрийлик назарияси ёки ғояси тафаккурга ҳам тааллуқли бўлиб, у диннинг асосий қоидаларини талқин этганда, энг аввало,

ақлнинг теран, мустақил бўлиши лозимлиги, шундай ақлгина, ичсонга Оллоҳни, дунёни, нарса ва ҳодисалар моҳиятини тўғри англашга ўргатишини алоҳида таъкидлаган.

Буюк олим Абу Наср Форобий (873-950) ақл ва тафаккур ёрдами билан билим олишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилган. Унинг асарларида тафаккур мавҳумликка, умумийликка, бавоситаликка, яъни сезги аъзолари орқали билиш хусусиятига эга, деб тушунтирилади. Форобий таълимотига кўра, тафаккур (ақл) орқали инсон материянинг сезгиларга номаълум бўлган томонларини, умумий қонуниятларини, моҳиятини билади, санъат, фан тизимидағи билимларни эгаллашга муваффақ бўлади.

Форобий [239], [242] ақлни инсонгагина хос бўлган қувват тарзида(«қуввати нотифа»), у шахсдаги барча қувватлар устидан раҳбар сифатида уларни бошқарувчи қувват деб тушунади.

Унинг фикрича, ақл қуввати (қуввати нотифа)нинг энг муҳим вазифаларидан бири - мантиқий операцияларни бажаришдир. Бу вазифа ақл қувватига киравчи мустақил «қувваи фикрия» инсон мантиқий фикрлаш жараёни томонидан амалга оширилади, яъни агарда қувваи нотифа билан англашадиган нарсани билиб олиш зарурити туғилса, «қувваи фикрия» ишга киришади. Бу фаолият фикр юритиш, тушунча ва хукмлар ёрдами билан амалга оширилиб, кейинчалик хулосалар чиқариш билан якунланади. Унинг тафаккурга умумлаштириш ва мавҳумлаштириш, анализ ва синтез қилиш каби хусусиятлари хослиги ҳақидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга. Аллома таълимотида тафаккурни конкретликдан мавҳумликгача фикрий йўналиши ва мавҳумликдан конкретлик сари қайтиш эҳтимоли ҳақида муайян фаразий хусусиятли фикрлар ҳам учрайди. Форобий «Ақл тўғрисида»ги рисоласида ўзида 12 хислатни бирлаштирган кишигина ахлоқий одам бўлади, дейди. «Улардан бешинчиси - сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва

айтмоқчи бўлган муроҳазаларини равон баён эта олсин»- каби хислатдир. Айнан шу фикрлар орқали буюк аждодимиз шахснинг мустақил фикрлаши - бу унинг муҳим фазилати эканлигини қатъий таъкидлаб кўрсатган.

Шундай қилиб, Форобийнинг фикр юритиш ва тафаккурнинг хусусиятлари ҳақидаги фикрлари то ҳозирги давргача ўз аҳамиятини сақлаганлиги туфайли ўз тадқиқотимизда уларнинг ушбу ғояларини методологик-назарий асос сифатида қабул қилишга қарор қилдик.

Абу Райхон ибн Аҳмад Беруний (973-1048) ҳам таълим-тарбия масалаларига чуқур қизиққан алломалардан биридир [25]. У билимларни танлашнинг воситалари ва усуллари ҳақида, ҳақиқатга эришиш, фанларни ўрганиш, ҳаёт билан чамчарчас боғлиқлик юзасидан, фанлараро алоқалар бўйича, эстетика ва этика, таълим- тарбия услуби тўғрисида илғор ғояларни илгари сурган.

Берунийнинг фикрича, инсон билиш, тушуниш, фикрлаш, муҳокама қилиш, ўйлаб топиш сингари истеъдодга эгадир. Инсон тафаккурининг қудрати шундаки, у унинг ёрдамида воқеа ва ҳодисаларни бир-бирига солиштириш, таҳлил қилиш орқали ростни ёлғондан, адолатни адолатсизликдан, яхшиликни ёмондан, ҳақиқатни эса ноҳақликдан ажратиш мумкинлиги ҳақидаги фикр юритиш операциялари юзасидан таълим беради. Беруний бу фикр юритиш операциялари ҳар қандай фаннинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишини исботлайди. У билиш лозим бўлган ҳодиса ва воқеани майдалаб бўлиб-бўлиб ўрганиш учун тафаккурни таҳлил қилиш операциясидан фойдаланиш ғоясини илгари суради.

Рұхият, онг ва тафаккур категориялари атроф-муҳитдаги барча ҳодисаларнинг таъсирига боғлиқ бўлиб, акс эттириш кўлами, сифати худди шу мезонлар билан ўлчанади. Чунки инсоннинг тафаккури доимо воқеликни билишга, мураккаб ички алоқаларни тушунтиришга унинг моҳияти, келиб чиқиши, боғлиқлиги сингариларга қаратилгандир. «Аммо инсон, - дейди Беруний, - нарса ва ҳодисаларни фаолиятнинг сифат ва хусусиятлари ҳақида билим берувчи ҳиссий билиш даражасида тўхтаб қолмайди, балки нарсаларни чуқур ва атрофлича билиш, игу нарсалар ҳақида фикр юритишини талаб қиласди»²². Тафаккур ва ақл туфайли инсон нарса ва ҳодисаларни бир-бири билан солиштириб, қиёслаб қўради, ўз билимларининг чин эканлигини аниқлайди, яъни билимларни объектив воқеликка нисбатан мослигини солиштиради. Берунийнинг таъкидлашича, билим ва таълимда таққослаш методи борлиқнинг у ёки бу ҳодисасини тушунтириш учун инсон билимларининг амалий фойдалилиги ва ишончлилигини излашдан иборатдир. Бунда таққосланадиган жисмлар орасида ўхшашлик мавжуд бўлиши, агар улар ўртасида маълум мувофиқлик топилмаса, у ҳолда таққосланувчи объектларнинг ҳар бир қаршилиги ўзининг табиий хусусиятини йўқотади.

Шундай қилиб, буюк аллома ақлий фаолиятнинг анализ, таққослаш каби усулларини илгари сурганида уларнинг ёрдамида инсон ўз билимларининг воқеликка мослигини аниқлайди, бунинг эвазига у ўзида таҳлил қилиш ва мушоҳада юритищдан иборат ақлий хислатларини ривожлантиради.

Абу Али ибн Сино (980-1037) ўзининг психологик қарашларини «Тайр» (қуш), «Ҳайй ибн Яқзон» (Уйғоқ ўгли Тирик) каби қиссаларида

²² Тлашев Х.Х. Обобщение педагогические и дидактические идеи ученых энциклопедистов Ближнего и Среднего Востока эпохи средневековья. -Т.: Фан. 1989. С. 11.

баён этади. У «Ҳайй ибн Яқзон» қиссасида инсон феъл-атворининг табиатини, унинг моҳиятини чуқурроқ тушуниш учун илмий мантиқни билишга даъват этади. Чунки бу илм шахс дидини муайян даражада устиради, фикр доирасини эса сезиларли кўламда кенгайтиради. Ибн Сино бу ҳақда нгундай мулоҳаза юритади: «Фаросат илми фойдаси нақд илмлардандир. Бу илмни билиб олсанг, у сенга кишиларнинг пинҳоний феъл-атворини билдиради. Фаросат илмидан баҳраманд бўлсанг, жуда ўткир бўлиб кетасан».

Ақл - илмнинг макони, муқаддас жой, бунинг маъноси ҳақиқий фан, яъни ақлда ёлғончилик, тубанлик, ёмонлик кабилар бўлмаслиги керак. Қиссадаги оқиб турган чашма - мантиқ илми, унда чўмилиш эса мантиқни эгаллашдир. Мантиқ илмини эгалласа, киши Баҳри муҳитда чўкмайди. Ибн Синонинг таълимий ва тарбиявий қарашлари юксак инсонийлик тамоилларига, улут инсонпарварлик ғояларига таянган бўлиб, худди шу боис муаллифнинг асарларида инсон образи марказий ўрин эгаллайди. Ибн Синонинг педагогик асарларида илм, фан, хунар, таълим, таҳсил ҳақида фикр юритар экан, инсон ҳаётининг яхшиланишига, унинг турмуши сермањно, серзавқ, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан сермазмун бўлишини кўзда тутади. Демак, у ёки бу шахснинг мукаммал фикрлаши ва унга боғлиқ ижобий фазилатлари нафақат унинг ўзига, балки уни ўраб турган ўзга одамларга ҳам боғлиқдир. Фақат ана шундагина унинг инсоний камолоти таъминланади, бундай фикрлар бизлар учун ҳам ибрат ва илмий хулоса манбаи бўлиб ҳисобланади.

Умар Хайём асарларида (1048-1123) ўқувчиларнинг билимларни тўла, чукур ва онгли равища ўзлаштириш ақлий кўникма ва малакаларни эгаллаш ҳамда уларни мустақил билимни эгаллашга тайёрлаш йўллари тўтрисида илмий-амалий фикрлар берган [231]. Умар Хайёмнинг таъкидлашича, ўқувчилар билимларни фақат ўқитувчини узатган ахборотлари ва китобни ўқиш билан кифояланиб қолмасдан, балки ҳаётий ҳодисаларни бевосита ўрганиш, улар тўтрисида мушоҳада

юритиш жараёнида, кўникма ва малакаларни эса амалиётда, айнан бир ҳаракатни ёки бир неча амалларни узлуксиз равишда такрорлаш, турли хусусиятли операциялар ёрдами билан ҳам эгаллаб оладилар. Хулоса қилиб айтганда, аллома таълимда хилма-хил методларни қўллашни тавсия этиб, фаолликни оширишга имкон тугдирали, бу орқали сабоқ оловчилар билимларни мустақил ўзлаштириши жоиз эканлиги айтилади. Умар Хайём билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга худди нгундай ёндашишни ҳамма вақт эслатиб, ўқувчиларни фикр юритишга рағбатлантирар эди. Шунинг учун ҳам у «Сен осонгина ўйляяпсан», «Кўп ўйлаб мақсадга эришиш мумкин», «Бир оз ўйлагандан кейин сен тупгуниб оласан», деб таъкидлаш билан ўқувчилар рухиятига таъсир қилиб, уларни мустақил фикр, мулоҳаза юритишга ундар эди. Демак, мустақил ва эркин фикрлашнинг манбаси ҳамда омили сифатида Умар Хайём такрорлашни, ўз илмини эса аввал иродаси ёрдамида мустаҳкамлашни, сўнгра фикрловчига ёрдам берадиган шахснинг рағбат - кўмагини таъкидлайди.

Амир Темур (1336-1405) Туркистон заминини ҳунармандчилик, илм-фан ва маданияти ривожланган мамлакатга айлантиришда улкан ҳисса қўшган буток давлат арбобидир. Амир Темур одоб-ахлоқ, иймон-эътиқод ва ақл-заковатда ўзи ҳам юксакликка, мукаммалликка эришган комил сиймолардан биридир. У: «Ҳар кимдан кенгаш олдим. Ҳар кимдан фикр ўргандим, қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгул хазинасида сақлаб, ишлата билдим», - деб ёзади²³. Бу билан Соҳибқирон барча жамият аъзолари шахслараро мулоқотни амалга оширишни мазкур жараёнда эса улар бир-бири билан ўзаро фикр алмашинувини, қимматли фикрни зарурат туғилганда мақсадга мувофиқ татбиқ этишни таъкидлайди. Буюк саркарданинг ўгит сифатида бизга қолдирган мероси - кенгashiш, музокара қилиш, мулоҳаза юритиш, фикр алмашиниш

²³ Узбек педагогикаси антологияси. -Т.: Ўқитувчи. 1995. I жилд. 238 б.

машқлари фикрлашни такомиллаштиришнинг асоси бўлиб хисобланиб, бизнингча, мустақил фикрлаш ва мантиқан оқилона, одилона, омилкорлик билан қарорлар чиқаришнинг механизмидир.

Алишер Навоий (1441-1501) туркий халқларнинг маънавий оламини бойитишда, умумбашарий маданиятни юксалтиришда буюк хизмат кўрсатган мутафаккирдир. А.Навоий ижоди фалсафий-бадиий мажмуа хазинасининг айнан ўзгинасиdir, бу ижодиёт халқ ижтимоий ҳаётининг турли жабхаларидан умумлашган бўлиб, у умумийдан хусусийга ва хусусийдан умумийга айланиб туради. Халқнинг ижтимоий ҳаёти ва якка шахснинг бирор хусусияти йўқки, у буток аллома диққатини ўзига тортмаган бўлсин, жумладан, инсон тафаккури ҳақида ҳам «Фарҳод ва Ширин» достонида у шундай ёзади:

«Ҳар ишқи қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод»²⁴.

Шундай қилиб, А.Навоий инсон тафаккурининг буюк қудратга эга эканлигини таъкидлашдан ташқари унинг «ақлли» ва «ақлсиз» одамлар таснифига берган эксперт баҳоси алоҳида эътиборга молик. Алишер Навоий асарларида бу тушунча 27 ўринда ишлатилган бўлиб, унинг 27 даражаси ва 27 сифати ҳақида фикр юритган.

Хусусан, ақлнинг турли сифатлари қуйидагича тавсифланган: ақл аҳли-хушёр онг эгалари; ақл восвоси- ақл васвасаси, мафтунлик, ақл тўлқини; ақл дехқони-онгли тушунча, мулоҳаза, тажрибали, онгли киши; ақл куий- ақл-идрок йўли; ақл мезони- онг, ақл ўлчови, тарозуси; ақл муҳандислари- донишманлар, олимлар, билимдонлар; ақл оллида-онгли тушуниш бўйича, ақлан; ақл пири-тафаккур устози-фаросатли кишилар; ақл саррофи-ақл заргари, ақл баҳоловчиси; ақл уйи-мия, фикру-хаёл; ақл

²⁴ Навоий А.Фарҳод ва Ширин достони. -Т.: Ўзбекистон компартияси МК нашриёти.1990.

хирмони - ақл мужассамлиги; ақл чири- ақл кучи, ақл қуввати; ақл эшиги - ақл йўли, онгли йўл; ақл ўти- зехн ўткирлиги, ҳушёрлик; ақл қуши - бунга изоҳ ҳожат эмас; ақл ҳисоби - онг доираси, чегараси; ақлдин бегона - телба; ақли жавоҳиршунос - етук, комил ва сўзнинг яширин сирларини яхши тушунувчи нозик таъб кишиларнинг идроклиси; ақли зойил - ақли кетган киши; ақли зулмоний - хира ақл, ўтмас зехн; ақли кул - энг етук ақл; ақли маслаҳатбин - маслаҳат кўрсатувчи, тўтри йўл ва тўғри фикрга йўлловчи ақл; ақли мушарраф - соф, шарафли ақл; ақли мустақим - иккиланмайдиган, тўғри ақл эгаси, қатъий фикрли одам; ақли мусоҳиб - фахм-фаросатли киши; ақли оз - ақлидан адашмоқ; ақли салоҳ - тўғри соғлом фикр; ақли саркаш - итоатсиз, ўжар, қайсар, бўйин товловчи ақл; ақли ситамкора - жабр-зулм қилувчи, жафо етказувчи; ақлу фаҳми хурдадон - нозик ақл-фаҳм; ақлу худбин - фақат ўзини ўйловчи шахс; ақли худабин - ўткир, сезгир, нозик ақл ва ҳоказолар.

Шундай қилиб, мутафаккир ақлни ранг-баранг жиҳатларга ажратиб, уларга асосланган ҳолда икки тоифали ақл соҳибалари бўлиши мумкинлиги ҳақида хulosса чиқаришга қарор қиласди: некбин ақл эгалари ва худбин ақл эгалари. Биринчиларидағи ақл инсониятга эзгулик келтириб. ўз соҳибини ҳам баҳтли қилса, иккинчилари - аксинча, ўз манфаати йўлидагина ақл ишлатиб, ўзгаларга зиён етказадилар, холос.

Демак, буюк мутафаккир нуқтаи назарича, ҳақиқий ақл соҳиблари - улар ўзларининг фикр-ўйлари билан бировларга зиён-заҳмат етказмайдилар, балки улар ҳам ўзларига, ҳам ўзгаларга манфаат келтирадирлар. Шахсиятпараст тафаккурли некбин ақл эгаларида эса фикрлашнинг торлиги туфайли улар ўзгаларнинг фикрига тобе, бемақсад ва bemaslaқ, ғоясиз инсонларга айланиб қолдилар.

Абдулла Авлоний (1878-1934) ўзбек ҳалқининг адабиёти ва санъатини юксалтиришда, миллий маданиятни тарақкий оттириттда, маънавий ишларни амалга оширишда муҳим хизмат кўрсатган адаб,

жамоат арбоби ва истеъодли педагогдир. «Фикр тарбияси, - деб ёзади Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида, - энг кераклиси, кўп замонлардан бери тақдир қилиниб келган, муаллимларнинг диққатларига суюнган, виждонларига юкланган вазифадир. Фикр инсонни шарофатли, гайратли бўлишга сабаб бўлади²⁵. Негаки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Табиийки, бола фикрлашининг қудрати - тарбиячининг ўзини фикрлаш ва интилиш доирасига, савиясига бевосита боғлиқдир. Авлоний бола фикрини ўстириш муаммосига алоҳида эътибор билан қарайди, ушбу масалага алоҳида боб ажратиб, қуидагиларни таъкидлаб кўрсатади:

«Фикр агар яхши тарбият топса,
Ханжар олмосдан бўлур ўткур.
Фикрнинг ойинаси олурса занг
Рухи равshan, замир бўлур бенур».

Фикрлаш иқтидорини эгаллаш, олижаноб ғоялар томон интилиш демакдир. Шундай экан, ақлли одамнинг ахлоқсиз бўлиттти қийин. Авлоний бу яқин тушунчаларни қарийб бирликда олиб қарайди. Абдулла Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ, илм-маърифатга эга бўлиш учун инсон бадани тарбия қилиш зарур: «Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордир. Жисм ила рух иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидур»²⁶.

²⁵ Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. -Т.: Уқитувчи. 1992. 15 б.

²⁶ Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. ~Т.: Ўқитувчи. 1992. 15 б.

Авлоний идрок ва зако(заковат)га мана бундай таъриф беради: «Идрок ва зако деб, очуқ фикрли, хуштабиат, зийрак бўлмоқни айтилур». Шу билан бирга муаллиф идрок билан закони «маърифатпарварлик» тушунчалари билан боғлайди: «Ёшлиқдан бошлаб, зеҳн ва идрокимизни қувватлантирумак учун азиз умримизни ўйин-кулги, сафсата, молоъянли каби бехуда сўзлар ила ўткармай, ҳар хил китоб, газета ва журналларни ўқуб, фикримизни очмоқ, зеҳнимизни қувватлантирумок лозимдир». Бундай психологик қараш Авлонийнинг халқни маърифатга ташвиқ қилганидан далолат беради.

Авлонийнинг илмий-ижодий фаолияти, унинг фикр ривожи ҳақидаги ўгитлари педагогик психология учун ғоят қимматлидир.

Абдурауф Фитрат (1886-1938) Ватан мустақиллиги ва миллат фаровоилиги учун курашган жадидчилик ҳаракатининг фаол намояндаларидан бири, йирик давлат арбоби, етук олим, моҳир педагог ва буюк маърифатпарвар сиймодир.

Унинг фикрича, фикр билан ақл инсонни камолотга етказади ва ўқиш, ўрганиш қобилияти уни саодатманд қиласди. Инсоннинг комил ақли яхшилик муҳокамасидир. «Муҳокама нима? Муҳокама уч қисмдан ташкил топиб, аввалги ҳукм номаълум бўлиб, қолган икки ҳукм аввалгисини тўлдиради ва кази(й)яти маълум деб аталади. Демак, инсон муҳокама орқали камолотга етади. Муҳокама аниқ ва равshan бўлиши учун уч нарса зарур бўлиб ҳисобланади: 1. Исобат, 2. Истиқомат, 3. Суръат. Исобат - маълум казият ҳукмининг тўтрилиги, бехатолигидир. Истиқомат маълум воқеа тартиб ҳодисалар ҳукмининг барқарорлигига, суръат тўхтовсиз, тезлик билан тартиб берилишига айтилади»⁴⁵.

Шундай қилиб, Фитратнинг фикр ривожи ҳақидаги мулоҳазалари мантиқ фанидаги ҳукмлардан хulosса чиқаришга ўхшаб кетиши билан

⁴⁵ Узбек педагогикаси антологияси. -Т.: Ўқитувчи. 1995. I жилд. 54 б.

тавсифланади.

Рахимжон Усмонов (1914-1992) миллий педагогика фанига муайян ҳисса қўшган олимдир. У ўзининг «Саодатнома» асарида ўқитувчиларга хос хислатларни моҳирона кўрсатиб беради. «Ёш авлодда мустақиллик ва ташаббускорлик етишмас экан, бу бизни тарбиячилик маҳоратимиз бўшлигидан нишона»⁴⁶. «Ҳақиқий тарбиячи маъруза жараёнида талабаларини ўзи билан бирга фикрлашга чорлайди, маҳоратсиз тарбиячининг маърузасида эса тингловчининг сурати ўтиради-ю, хаёли оламни кезади»⁴⁷.

Р.Усмонов ўз асарларида ўқувчилар ва талабаларда мустақил фикрлашни шакллантиришда ўқитувчининг роли беқиёс эканлигини таъкидлаганки, бу омил шахсларо муносабатларнинг самарадорлигини тақозо этади, муаллим шахсининг бола шахсиятига, игунингдек, унинг фикр юритиш хусусияти ва шаклига кўрсатадиган ижтимоий таъсирини назарда тутади.

Шундай қилиб, Шарқнинг буюк мутафаккирлари тафаккур, фикрлаш ҳақида ўзларининг илмий-назарий мулоҳазаларини билдирганларки, уларнинг қийматли маънавий мероси ўз даврида ҳам илм-фаннинг равнақи учун муҳим ҳисса бўлиб қўшилганлиги туфайли то ҳозирги давргача ўзининг ноёб аҳамиятини йўқотган эмас. Уларнинг юқорида қисқача, йиғиқ тарзда келтириб ўтилган ибратли фикрлари тадқиқотимизда методологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолиятлари, уларнинг илмий асарлари орқали мустақил, эркин фикрлашнинг нақадар самарадорлиги ва ижтимоий моҳиятини исботлашга эришганлар. Уларнинг таҳлилларидан биз учун назарий манфаат шундан иборатки, тафаккур, ақл, фикр юритиш жараёнлари якка шахснинг психологик фаолиятининг ҳосиласи

⁴⁶Ўзбек педагогикаси антологияси. —Т.: Ўқитувчи. 1995. I жилд. 101 б.

⁴⁷Ўзбек педагогикаси антологияси. -Т.: Уқит/вчи. 1995. I жилд. 105 б.

бўлиб қолмай, балки мулоқотга киришадиган психологик мухитнинг, фикр юритишга ўргатувчи, шахсий сифатларни шакллантирувчи шахсларо муносабатнинг натижасидир.

1.3. Шахснинг фикрлаш хусусияти, фикрлаш эркинлиги муаммосининг фалсафа ва педагогика фанларида ўрганилиши

Тафаккур мустақиллиги муаммоси нафақат психологиянинг, балки «шахс ва жамият» тизими муаммоларига алоқадор бошқа ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳам тадқиқот предмети бўлиб ҳисобланади, худди шу боис бу фанларда умумлаштирилган мухим хулосалар ва назарий асослар бизни қизиқтираётган мавзу учун методологик таянч ролини ўйнаши мумкин.

Қадимдаёқ, яъни эрамиздан аввалги 384-322 йилларда йирик файласуф Аристотель диалектик тафаккурнинг мухим шаклларини ўрганган. Ўзининг машҳур «Метафизика» асарини «Барча инсонлар табиатан билимга интиладилар» ибораси билан бошлишида ҳам рамзий маъно бўлиб, у шахснинг мухим табиий қобилияtlаридан бири - айнан фикрлаш, илмга интилиш ва ниманидир ўз ақлий қуввати билан топиш эканлигини уқтирган эди. Яхлит тарзда бу асар - билим, илм, унга эришиш йуллари, тарақкий этишдаги қийинчиликлар ва инсон фикрлай олишининг воситалари ҳақидадир. Билимнинг бевосита шахсга алоқадорлиги хусусида унинг фикри шундан иборатки, одам ниманидир билгиси келса, биринчи ҳис қиласидиган жиҳати - бу унинг ҳайратланишидир. Демак, ниманидир куриш у тўтида мушоҳада юритиш, ҳайратланиш - бу мустақил фикрлашнинг бошланғич нуқтасидир. Аристотель буюк мутафаккир ва ижодий фикрловчи инсон сифатида нарсалар ва уларга алоқадор билимларнинг вужудга келиши йулларини қидирди. Унинг ўзи эса шахс сифатида мустақил ва ижодий фикрлашнинг намунаси ҳисобланган. Унинг машҳур «Платон менинг дўстим, лекин ҳақиқат мен учун қадрлироқ» деган иборасида ҳам ҳар

кимнинг ўз қарашлари ва ҳақиқатни очишнинг воситалари бўлиши шарт эканлигини уқтиради. Бу фикрларни у йузининг «Органон» асарида янада такомиллаштиришга ҳаракат қилган. Мазкур асарда фикрлаш диалектикаси ва апорийлар, шунингдек, мантиқда қийинчиликлар пайдо бўлиши жараёнидаги фикр юритиш операциялари хусусида мулоҳаза билдирилади. Мустақил фикрлашга оид Аристотелнинг хизмати шундаки, у инсонлар олдига муайян муаммолар қўйиш орқали уларни фикрлашга, ечимнинг фақат ягона бўлиши мумкин эмаслиги, фикрлаш эркинлиги мавжуд бўлишилиги туфайли оламнинг янгидан-янги кирраларини топишга ўргатди. Аристотель «Метафизика» сининг буюк аҳамияти ҳам игундан иборатки, у бирор масалани ечишда унинг кўплаб воситалари, инвариантлари мавжуд бўлиши мумкинлиги (дивергент ва креатив тафаккур) ва ҳақиқатни топиш - ижодий жараён эканлигини исботлашга муваффақ бўлади [17]. Унинг издошлари ҳисобланмиш бошқа файласуфлар ҳам тафаккурга таалуқли ана нгу қоидани англаған ҳолда, унга амал қилиб, ижтимоий фанлар соҳасида ўз мулоҳазаларини билдира олганлар.

Ҳозирги даврда фалсафа, социология фанларида шахс ва унинг эркинлиги муаммосини ўрганаётган олимлар дикқат эътиборларини фикрлаш тарзига қаратсаётганлиги маълум маънода аҳамият касб этади. «Инсон фалсафа»сининг ҳозирги даврдаги субъектив антропологик йўналиш вакиллари ва айниқса, экзистенциалистлар шахс муаммосини, унинг эркинлиги ва мустақиллигини бош масала, деб ҳисобловчи янги «гуманистлар» (инсонпарварларлар) ролида чиқмоқдалар.

Экзистенциализмнинг асосчиси бўлмиш немис файласуфи Мартин Хайдегер (1889-1976) «ўз дикқатимизни тушуниш учун уни объектга қарата олсакгина, биз фикрлашга ўрганамиз» - деб ёзади⁴⁸. Унинг

⁴⁸ Хайдегер М. Что значит мыслить. -В сб.: Разговоры на проселочной дороге. -М.: Внешняя школа. 1991. С. 135.

фикрича, нарса ва воқеаларнинг моҳиятини тушуниш, англаб етиш инсонни фикрлаш жараёнида мухим ўрин эгаллайди. Тушунишни талаб қиласиган нарса, ҳодиса инсонни фикрлашга ундейди. Тушунишни талаб қиласиган нарса ҳеч қачон биз томонимиздан яратилмайди.

Хайдегернинг фикрича, тафаккур мавжудлигининг асосий кўрсаткичи, негизи - бу тасаввурдир. Тафаккур таълимотларига асосан тасаввур фикрда, ифодада мужассамлашади. Шунинг учун ҳам фалсафий талқинга кўра тафаккур ҳақидаги таълимот логика (мантиқ) деб аталади.

Шундай қилиб, Хайдегер инсонни фикрлаш жараёнида нарса ва ҳодисалар моҳияти ҳамда мазмунини англаш, уни тушуниб етиш мухимлигини таъкидлайди, тафаккур ҳақидаги таълимотни логика (мантиқ) деб номлайди, лекин мазкур номланиш олдинги даврларда ҳам мавжуд эди.

Бизнинг тадқиқотимизда тафаккурнинг мантиқий шакллари тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш мустақил фикрлашнинг психологик феноменлари сифатида қаралгани учун ҳам М. Хайдегернинг ишлари биз учун алоҳида аҳамият касб этади.

Швейцар ёзувчisi И.Лафатер ҳам уз даврида ёшларнинг ақлий тарбияси хусусида шундай деб ёзган эди: «Ақлли, доно бўлишни хоҳлайсанми? Оқилона сўраш, диққат билан тинглаш, баъманилик билан жавоб бериш, гапиришга сўзинг қолмаганда, ўз вақтида тўхташга ўрган». Бу сўзларнинг мазмuni ва моҳиятида жуда катта маъно ва турмуш фалсафаси ётади. Зоро, адаб истак- хоҳишлиримизнинг рӯёбга чиқиши бизнинг ақл-идрок орқали мулоҳаза юритишимизга боғлиқ эканлигини таъкидлаб, фикрлаш тарзининг бевосита ижтимоий мухитга ва инсоннинг муомала алоқадорлигини уқтиради.

К.Р.Мегрелидзенинг [131] таъкидлашича, инсоннинг у ёки бу руҳий ҳодисасини ижтимоий омилни ҳисобга олмасдан туриб тўғри тушунтирилиши мумкин эмас. Бу нарса биринчи навбатда тафаккурга

тааллуқли бўлиб, уни ижтимоий ҳаётнинг бошқа кўринишларисиз ўрганиш имконияти йўқ.

Инсон тафаккурининг усуллари нерв системасида ҳам, бош мияда ҳам эмас, балки муайян даврда худди шундай идрок этишга одатланишга, фаолият кўрсатишга, бошқа бир даврда эса нерв фаолиятини ўзгача ишлашга йўналтирадиган ижтимоий шароитда мужассамлашгандир.

Инсонларнинг мулоҳазалари, қарашлари индивидуал тартибда эмас, балки ижтимоий муносабатлар натижасида содир бўлади. Бу ҳақда К.Р.Мегрелидзе шундай ёзади: «Инсон тафаккури табиий ва биологик қонунлар бўйича эмас, балки ижтимоий- тарихий қонуниятлар йўлида ҳаракатланади. Инсоннинг фикрлаш усули аввало ижтимоий ҳодисадир»⁴⁹. Фикр ҳеч қачон ўзидан-ўзи пайдо бўлмайди, балки у бирор нарса ҳақида, бирор жисм бўйича бўлиши мумкин, чунки усиз мулоҳаза вужудга келиши мумкин эмас.

Тафаккурнинг функцияси мия фаолиятида кечадиган субъек- тив психологик жараёнлар билангина чегараланмайди, балки у:

Биринчидан, тафаккур онгнинг субъектив ҳолатинигина акс эттирибгина қолмасдан, балки съектга ҳам тегишли бўлиб, балки у нарсалар муносабатини ҳам ифодалайди.

Иккинчидан, янги фикрнинг вужудга келиши билангина билиш жараёни тугамайди, балки унинг бошланишини англатади, холос. Бу ҳолат билишнинг бошланғич босқичи бўлиб, ғоянинг субъектив ҳолатидан иборатдир, чунки бунда фикрни амалга оширишнинг босқичи бошланади.

Учинчидан, алоҳида индивиднинг фикри ижтимоий мукаммал фикрларнинг хусусий кўринишидир. Ҳар бир якка шахс ижтимоий

⁴⁹Мегрелидзе К.Р. Основные проблемы социологии мышления. Тбилиси.: Изд-во Мецниера. 1973. С. 27.

тушунчалар ва тасаввурлар ёрдамида фикрлайди. К.Р.Мегрелидзе инсон фикрининг ижтимоийлиги ҳақидаги қарашини қайта-қайта таъкидлайди: «Фикрлар ва ғоялар эркин индивидуал ижоднинг маҳсули эмас, балки индивиднинг ўзи каби жамият ва ижтимоий муносабатлар маҳсулидир. Шунинг учун инсон тафаккури, унинг босқичлари, шахс фикр юритишининг шакллари ва усуллари ҳақидаги жумбоқнинг ечимини мантиқий изланишлардан, анъанавий психологиядан эмас, балки аввало бу ғояларнинг ижтимоий келиб чиқишидан излаш керак. У ёки бу индивид жамиятда яратилган ижтимоий ғояларнинг «тасодифий» ифодаловчиси бўлиб қолади»⁵⁰.

Демак, Мегрелидзенинг фикрича, янги ғояларнинг вужудга келиши учун янгича ижтимоий муносабатлар, унинг янги обьектлари ёки эскича муносабатларни янгича тушуниш зарур.

Шундай қилиб, умуман ижтимоий фанларда, жумладан фалсафада инсон фикрининг ижтимоийлиги муаммоси инсон тафаккурининг манбай саналмиш, атроф-муҳитга боғлиқлиги асосий ғоя ҳисобланади.

Ўқувчининг фаол фикрловчи шахс бўлиши зарурати педагогика фанида аллақачонлар таъкидданган ва бу муаммо қизиқиб ўрганилган. Машҳур Рим педагоги Марк Фабий Квинтилиан (эрамизнинг 42-118 йиллари) тўғри ва кетма-кет фикрни тарбиялаш учун назарий қўлланмалар, тақлид ва машқларга таяниб, математикани ўрганиш зарур деб ҳисоблаган, яъни мияни машқ қилдириш соғлом ва ижобий фикрнинг муҳим шартидир.

Машҳур славян педагоги Я.А.Коменский (1592-1670) мустақиллик муаммосини тадқиқ этганда игуни таъкидлайдики, ақл билан тўғри тушунилган нарсанигина ёддаш мумкин. Худди шу боис у ўз ўқувчиларида ҳар доим кузатув жараёнида ва нутқ фаолиятида

⁵⁰Мегрелидзе К.Р. Основнне проблемн социологии мънплении. Тбилиси.: Изд-во Меңниера. 1973. С. 325.

мустақилликни ривожлантирган.

Шунга ўхшаш Ж.Ж.Руссо (1712-1778), немис педагоги А.Дистерверг (1790-1866)лар ҳам ўзларининг дидактик таълимотларида болада мустақил фикрлашни ривожлантириш зарурлиги ғоясини илгари сурган. Улар мустақилликни тарбиянинг асосий тамойили деб хисоблаганлар. Зеро, Дистервергнинг фикрича, мустақил эгалланган билимлар ва кўникмалар катта аҳамиятга эга. «Ақлни ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Уларни инсон ўзи мустақил ўрганиши, ўзлаштириши ва қайта ишлиши зарур...»⁵¹. «Ёмон ўқитувчи тайёр ҳақиқатни беради, яхши ўқитувчи эса уни топиш йўлини ўргатади»⁵². Дистервергнинг ушбу фикрларини ҳозирги замон ўқитувчиларининг барчаси ёдда тутмоқлари зарур.

Педагоглар Ф.Б.Горелик, Н. Дайри [70], И.Я.Лернер тарих дарсларида ўқувчиларга ижтимоий ҳодисаларни мустақил таҳлил қилиш малакаларини ўргатганлар. Уларнинг фикрича, ўқувчиларга радио, телевидение ва газета саҳифаларидағи айrim маълумотларни мустақил таҳлил қилиши орқали табиат, жамият қонуниятларини англашга ўрганишлари мумкин. Радио ва телевидение маълумотларини механик равиттада ёд олган ўқувчилар тарихий воқеаларни таҳлил қилиш вазифасини уddyлай олмайдилар. Газета маълумотларини таҳлил қилиш ўқувчиларни шуниси билан ўзига тортадики, ҳозирги замон воқеаларини чуқурроқ англаш, олинган билимларни амалда қўллаш имконини яратади.

Э.Ильенков ўқувчиларни фикрлашга ўргатишни саволларни тўғри қўя олиш қобилиятини ривожлантиришдан бошлаш зарур, деб хисоблайди. Унинг фикрича, ақлни игундай тарбиялаш керакки, бунинг оқибатида қарама-қаршилик асабийлашиш учун сабаб бўлмасдан, балки

⁵¹ Дистерверг А. Избранные педагогические сочинения. —М.: Учпедгиз. 1956. С. 79.

⁵² Дистерверг А. Избранные педагогические сочинения. ~М.: Учпедгиз. 1956. С.158.

мустақил фаолият учун, нарсаларни мустақил равишда қараб чиқиш учун турткі функциясини ўтасин. Агар ўқувчи бир қатор уринишлар ва хатолардан сўнг, ўқитувчининг айтиб беришини кутмасдан, муаммоли вазиятдан чиқишининг йўлини топса, у ҳолда ақлий тараққиётда муайян даражада олға силжиган бўлар эди. Бундай ижодий сакраш кўплаб тайёр билимларни «ўзлаштиришдан» қимматлироқ аҳамиятга эга.

Э.Ильенковнинг таъкидлашича, фикрлашни ўргатувчи ҳар бир инсон ўзи мустақил фикрлай олиши зарур. Бу омил игуни англатадики, ўқитувчи ўз педагогик фаолиятида умумий назарий, умумий фалсафий тамойилларни қўллай билиши лозим. Бошқаларни ўзи билмайдиган нарса ва ҳодисаларга ўргатиш мумкин эмас, чунки бу эса, энг аввало, ўқитувчининг ўзи фикрлашга ўрганиши зарурлигини англатади, у замон тақозо этувчи даражада фикрлаши зарур.

Ильенковнинг бу фикрларини тасдиқлаш мақсадида тадқиқотимизда мактаб ўқитувчиларининг мустақил, ижодий мулоҳазасини ҳам текширдик.

И.Ф.Харламовнинг таъкидлашича «ўқувчилар тафаккури улар мустақил ишининг натижаси бўлганда ўзлаштирилаётган ғоялар уларнинг онгидаги чуқур ва ҳар томонлама қайта ишланиб, шахсий қарашларга ва индивидуал фикрга айлангандагина, билимлар уларнинг хулқ-атвори ва дунёқарашини белгилайди»⁵³. Ҳозирги даврда мактабларда ҳал қилинаётган муаммолар моҳияти ҳам ана шундан иборатдир.

Н.В.Кухарев ўқувчилар кўргазмали қурол ясаш, уларни асослаш, дарсда жавоб берадиган чоғда улардан фойдаланиш - билиш фаоллигининг омилларидан бири эканлигини исботлайди. Муаллиф ақлий мустақилликни ўқувчининг борлиқни билиш учун зарур умумий малака ва кўникмаларни яхши эгаллаганлиги, билимларни эгаллаш, янги

⁵³ Харламов И.В. Основные вопросы организации воспитательной работы в школе. Минск. 1967. С.90.

вазиятларда уларни ижодий қўллаш қобилияти, деб таърифлайди. Ақлий мустақиллик иккига - ўқувчига ва ўқитувчига қаратилганлиги билан ўзига хос тавсифга эга. Ижодий қобилиятларга эга бўлмаган, фаол фикрловчи шахсни шакллантира олмайдиган, бунинг учун зарур таъсир воситаларини танлай билмайдиган уқитувчи ўқувчиларида зарур хислатларни тарбиялай олмайди. Н.В.Кухаревнинг фикрича, ўқувчиларда ақлий мустақиллик даражасини қуидаги белгиларга қараб ажратиш мумкин: ўрганилаётган мавзуни таҳлил қила олиш; ҳодиса ва жараёнлардаги муҳим белгиларни топиш, таққослаш, умумлаштириш, сабаб-оқибат боғланишларини асослаш; ўрганилган мавзуни амалда қўллаш; ўз ишларини ўқитувчининг топшириғи билан ва мустақил режалаштириш. Ўқувчилар ақлий мустақиллиги- нинг асосий белгилари уларнинг муаммони англаш даражасига, фаразни илгари суриш ва ифодалаш кўникмасига; излаш режасини мустақил ишлаб чиқиш; тадқиқот натижалари ва ўрганилаётган ҳодисалар орасидаги боғланишни аниқлаш кўникмасига, уларнинг ишончлилигини текшириш жараёнига алоқадордир.

Билиш, ақлий ва ижодий фаоллик - билиш ва ақлий мустақилликнинг муҳим таркибий қисмларидир. Худди шу боис ўқувчиларнинг мустақил ишини уларнинг мустақил фикри билан, ички ва ташқи белгиларни ҳисобга олиш билан хаспўшлаш мумкин.

Н.В.Кухарев ўқувчиларда мустақилликни шахс хислати сифатида шакллантиришда ўқитувчининг ролини уларда ижодий ақлий, мустақилликни ривожлантиришни фаол, мақсадга йўналтирилган кетма-кетликлар сифатида тушунади.

Ўқитувчи мақсадни ифодалайди: иш жараёнини ва мақсадга эришиш йўлининг воситаларини ўйлаб қўяди; ёш хусусиятларини ва индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, иш муваффақиятини таъминлайдиган усуллар ва методларни аниқлайди. Мустақиллик

ўкувчининг шахс хислатига айланиши жоиз, ижодий фаолият мустақил ишларнинг олий шакли ҳисобланади. Шундай қилиб, Н.В. Кухеревнинг ўкувчиларда мустақил фикрлашни шакллантиришда ўқитувчининг ролини таъкидлаши тадқиқотчида қизиқиш уйғотади.

П.И.Пидкастийнинг таъкидлашича, ўкувчиларда билимларни ўзлаштириш қобилияти муаммоли топшириқлар ечимини мустақил излашда уларни мустақил бажаришда шаклланади. Бунда ўқитувчилар ўкувчиларнинг билиш фаолиятига алоҳида эътибор беришлари даркор. Болаларнинг тақдири уларга боғлиқ бўлиб, келажакда уларни ёки синчков, ўйловчи, ижодий изланувчи шахс ёки ўзгаларнинг фикри ва иродасининг оддий бажарувчиси қилиб тарбиялаши мумкин. Мустақил иш - бу ўкув машғулотларини ташкил этиш шакли ҳам эмас, таълим методи ҳам эмас. Мустақил иш - ўкувчиларни мустақил билиш фаолиятига жалб этиш мотиви, уни мантикий ва психолого-тик ташкил этиш воситасидир. П.И.Пидкастийнинг муаммоли вазифаларни мустақил ҳал қилиш орқали ўкувчиларда мустақил тафаккур ривожи ҳақидаги фикрлари ўз вақтида илиқ қабул қилинади ва бошқа олимларнинг ишларида янада ривожлантирилади.

Жумладан, М.И.Махмутов ўкувчиларнинг ўкув фаолиятида мустақилликни шакллантиришни муаммоли таълим билан боғлаган. Муаллиф мустақил билишни уларга мустақил ўқишига имкон берадиган малака ва унинг интеллектуал қобилияти сифатида таърифлайди. Муаллифнинг фикрига кўра, мустақил билишнинг мавжудлиги кўрсаткичлари қўйидагилардан иборатdir:

- а) ўкувчининг ҳар хил манбалардан янги билимларни мустақил ўзлаштириш кўникмаси ва янги малака ва кўникмаларга эга бўлиши;
- б) ўзлаштирилган билим ва малакаларни кейинги мустақил таълим олиш учун қўллаш малакаси;
- в) ҳар қандай ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш учун уларни амалий

фаолиятда қўллаш имконияти. Уқувчининг бу хислатлари билиш эҳтиёжи ва билимга қизиқиш, ўқишига ижобий мотивлар мавжудлиги билан юзага келди.

М.И. Махмутовнинг муоммали таълим орқали мустақил фикрини ривожлантириш ҳақидаги ғояларини қўллаб-қувватлаган ҳолда биз ўз тадқиқотимизнинг шакллантирувчи тажрибаларида асосан муаммоли вазиятларни ҳал қилиш туфайли дивергент тафаккур тури синалувчиларда шакллантирилди.

Дидакт В.Ф.Шаталов ўз ўқувчиларида анъанавий мактабга қараганда З баравар кўпроқ масалалар ечимини топиш эвазига ижодийликни ривожлантирган. У ҳар бир дарсда 1-2 дақиқа вақт талаб этадиган дидактик ўйинлар ўтказган, унингча, ўйинсиз ақлий тараққиётнинг бўлиши мумкин эмас.

Шундай қилиб, биз юқорида педагогика фани намояндадарни таълимотларига асосланиб ўқитишида ўқувчиларда мустақил фаолиятини ривожлантириш муаммосига оид илгари сурилган ғоялар билан қисман танишиб чиқдик. Мустақил фаолият моҳиятини тушунишда улардан ягона нуқтаи назар йўқлиги кўриниб туриди. Айрим муаллифлар мустақил ишлашни таълим методдарига киритадилар (А.Г.Ковалев, И.В.Кузмина, П.Герасимова, В.А.Коринская), бошқа тадқиқотчилар эса ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш шаклидир, деб ҳисобладилар. (Б.П.Есипов, В.А.Шенев).

Н.Махмудов «Узимиз ва сўзимиз» номли китобида шундай деб ёзган эди: «Миллий тафаккур бўлмаса, миллий ўзликни англаш, маънавий камолотга эришиш, демакки, эл эркини сарбаланд тутиш, Ватан озодлигини қўзнинг қорачигидай эъзоз этиш, юрт равнақи йўлида ҳар қандай мушкулотларни сабот ва матонат билан енга олишга ҳозир бўлиш қийин. Ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий тафаккур тарзи мавжуд»²⁸.

Замонавий педагог олимларимиз илмий-ижодиётининг янги

қирраларини очишга муваффақият бўлдилар. Жумладан, Сафо Очилнинг «Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари», «Инсон зийнати одобдир» китоблари маъно кўлами жиҳатидан сабиқ иттифоқ тузуми даврида қалам тебратган аксарият педагог олимлар асарларидан кескин фарқ қиласди. У истиқлол илдизлари ўтмиш қадриятларидан озик олганлигини тарихий далиллар асосида исботлайди.

М.Иномованинг «Оилада болаларни маънавий- ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлар» монографияси, «Болаларни ахлоқий тарбиялашда ота-оналарнинг роли» услубий рисоласи илмий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди ва холисона баҳоланди.

Уларда ҳам биз ўрганаётган муҳим муаммонинг айrim педагогик ечимлари ўз аксини топган.

Шундай қилиб, юқоридаги педагогларнинг илмий ишлари «Таълим тўғрисида» қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш, ўқувчиларни маънавий, ахлоқий жиҳатдан камол топтириш, шакллантириш муаммоларига бағишлиланган. Лекин уларнинг изланишларида мустақил фикрловчи баркамол инсонни таркиб топтириш муаммоси, ёшларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг умумпсихологик, ижтимоий психологик омиллари, механизмлари, моддий негизлари қарийб ўрганилмаган.

1.4. Мустақил фикрлашнинг психологик феноменологияси ва ижодий тафаккур муаммосининг психологияда ўрганилиши

Шахснинг мустақил фикрлаш жараёнини ҳам назарий, ҳам эмпирик жиҳатдан ижтимоий психологик ҳодиса деб қараш учун асос бўлувчи манбалар мавжудки, у бунда инсоннинг ушбу қобилияти унинг муайян кичик гуруҳлар муҳитида эгаллаган ижтимоий мавқеи ва ундаги феноменлар нуқтаи назаридан қараш мақсадга мувофиқ. Масалага бундай ёндалгув, энг аввало, АҚШ психология илмий мактабининг маълум анъаналарга алоқадор бўлиб, бу ғояларнинг йирик намояндалари

қаторига Д. Дьюи, Г.Оллпорт, В.Квинн, Д.Аш, Д.Майерс пгунингдек, швецар мактабининг буюк вакили Ж.Пиаже ва бошқаларни киритиш мумкин.

Биз назарий таҳлил қилиш мобайнида инсонни фикрлаш жараёнига ижтимоий психологик омиллар, ижтимоий психологик тасавурлар, ижтимоий установкалар таъсири борлигини аниқлаш туфайли бу нарсанинг энг аввало кичик гурухларнинг *фасилитация* (Г. Оллпорт), *ингибиция, конформизм* (Д. Аш, М. Шериф), *нонконформизм* (Майерс), *ижтимоий фикрлаши* (Д. Дьюи), *фикрининг гуруҳийлашуви ва мулоҳазалар лидери* Д. Майерс, В.Квинн) сингари ижтимоий психологик воқелик ҳамда ҳодисаларига бевосита алоқадор эканлигини ўрнатдик.

АҚШ психологик адабиётларида, хусусан, Дэвид Майерснинг «Ижтимоий психология» [2000] китобида ижтимоий фасилитация (*Social /acIIaHon*) -инсоннинг оддий ёки унга яхши таниш бўлган вазифаларни ўзга инсонлар билан ҳамкорликда дурустроқ бажаришга интилишидир, деб таъриф берилади [130]. Бу феномен тадқиқотимизнинг асосий феноменларидан бири бўлганлиги сабабли ижтимоий тренинг шароитида ўзгаларни иштирок этганлиги учун ўқувчининг ўз фикрларини шу даврада баён этиши, уларнинг тўғрилигига бошқаларни ишонтириш имконияти намоён бўлишини тушунириш мақсадида ушбу феноменга мурожаат қилдик.

Ижтимоий психологик тадқиқотларда, энциклопедия ва лугатларда ижтимоий фасилитация ҳодисаси доирасида бир шахс учун бошқаларнинг мавжудлиги омили унинг фаолияти суръатига *ижсобий таъсир* кўрсатувчи воқелик деб эътироф этилса, ингибиция тушунчаси орқали ижтимоий хулқقا, бинобарин, фикрлашни *тормозловчи таъсир сифатида* тушунирилади. Масалан, синф муҳитида ўқувчининг нутқ малакаси тезроқ шаклланади, осонроқ математик амалларни ечишга ўрганади, ахлоқий сифатлари эса у ёки бу томонга ўзгариш имкониятига

эга бўлади, эркин фикрлаши ортади (ушбу ходиса ижтимоий фасилитацияни англатади). Агарда қўйилган вазифа содда бўлиб, механик ечимларни талаб қиласа, бу ингибиция воқелиги билан изоҳланади. Демак, ингибиция - юқорида айтилгандай, аълочи ўқувчининг имконияти ва истеъдодини эътироф этиши, ўзлаштирмовчи шахснинг умуман ақлий сифатларини тормозлаши мумкин, яъни мураккаб муаммоларни ҳал қилиш жараёнида гуруҳ аъзоларини иштирок этиши тормозловчи таъсирни юзага келтиради.

Катта гурухлар, жумладан оломон мисолида ҳам шуни айтиш мумкинки, оломон гурухий хатти-ҳаракатида одамларнинг бақириқ-чақириқлари авж олиши туфайли ҳиссиётлари жунбушга келиши эҳтимол, лекин уларда яна конструктив хулосаларга келиш, шахс сифатида ўзининг ижобий хислатларини кўрсата олмаслик, ҳатто гапириш лаёқатини йўқотиш ҳолатлари учрайди. Нима учун шундай воқелик содир бўлади? Ижтимоий психологлар буни қуйидагича изоҳлайдилар:

- биз ўзгаларнинг баҳосига тобемиз, одамлар биз тўғримизда нима деб ўйлайди, деб қайғурамиз, шунинг учун онгсизлик тарзда улар қаторига қўшиламиз, оқибатда ўзлигимизни йўқотамиз;
- кўпчилик даврасида бутун диққат-эътиборимиз масала ёки муаммонинг моҳиятига эмас, балки одамларнинг хулқ-авторига тақлидий равишда қаратилиб қолади. Худди нгу боис, айрим пайтларда воиз айнан муомалт бошида ўзи мўлжаллаган гапларни эмас, балки аудитория кайфиятига мос гапларни айтиб, аслида аниқ, маъноли маълумот бермай кетиб қолади.

Синф муҳитидаги фикрлаш жараёнига таъсир кўрсатувчи гурухий ҳамкорлик тўғрисида гап кетганда, яна шу нарсани айтиш лозимки, ўзгалар олдидаги масъулият бирор шахсга аниқ топширилса, унинг самарадорлиги, ҳаммани бирдан ягона вазифага бирлаштириб,

масъулият шахслараро тенг бўлинган шароитдагидан юқорироқ самара беради. Муайян адабиётларда, бу воқелик баъзан «ижтимоий дангасалик» феномени деб ҳам юритилади (В.Квинн, 2000). Юқорида таъкидланган ижтимоий омил ҳамма бир хил фикр юритган даврда ҳеч бир қатнашчи ўйламайдиган бўлиб қолиш муайян тамойилга ўхшаб кетади . Шунинг учун маҳоратли раҳбар, ҳар бир ходимнинг индивидуал қобилиятини ўрганиш туфайли, ҳар бирига алоҳида вазифа беради, бажарилишини эса аниқ вақтларда талаб қиласи ва уни назорат қила олади.

Лекин кейинги даврларда синф гуруҳларида дарсни ташкил этишда «диалогик ўқитиши», «интерактив ўқитиши ёки таълим», «брейнсторминг», «ақлни зўр бериб ишлатиши» каби иборалар ишлатила бошланди ва буларнинг барчасида эътибор гуруҳнинг умумий бирор масалани ёки муаммони ҳал қилишдаги умумий интилишлари, ҳамкорлиги назарда тутилади. Фавқулодда табиий савол тугилади, гуруҳий фаолиятнинг тафаккур учун қандай аҳамияти бор? Утказилтан куплаб тадқиқотларнинг курсатишича, бундай шароитларда, вазиятларда фикр юритишида «тафаккурнинг гуруҳийлангуви» юзага келади, натижада эркин фикрлаш жараёни кутилмаган, ностандарт йўл, услугуб орқали ажойиб натижаларни бериши мумкин. Шу ўринда АҚШ илмий психологик адабиётида учраб турадиган яна битта феноменга диққатни қаратамиз.

Социометрик мақомига кўра, улар гурухдан ажралиб чиқсан интеллектуал лидерларнинг бир кўриниши бўлиб, гуруҳ аъзолари уларнинг фикрларини тан олиб боради, вақт ўтиши билан референтометрик мақом бўйича бошқалардан устун бўлиб борадилар.

Демак, фикрлаш маҳсулдорлиги лидерларининг орасидаги интеллектуал лидер гурӯҳ аъзоларига ўз фикри, ғоялари, принциплари, қадриятлари билан кескин ажралиб турадиган шахстга айлана боради, айнан шундай шахслар бизнинг тадқиқотимиз предметига биноан, ўzlари мустақил фикрловчи ва ўзгаларни ҳам мустақил, эркин фикрлашга ундовчи мотиваторлардир, деб баҳоланадилар. Демак, тафаккурнинг гурӯхийлапгувида, гурӯхий тафаккур шаклланишида ана шундай фикрлаш лидери ёки интеллектуал лидернинг ўрни ва аҳамияти ўта муҳимдир.

Лекин гурӯхий шароитда фикрлар лидерини ажралиб чиқишининг ижтимоий шартларидан бири игуки, ушбу гурӯхдаги бошловчи-педагог ёки мураббий, ёхуд гурӯхнинг лидери томонидан муаммо, янги фикр билдириш шартини тўтри қўйилиши, гурӯҳ аъзолари буни англаб етиши айнан иштирокчilar эркин фикрлаш учун уларга шароит бор эканлигини билишлари лозим, яъни улар томонидан айтилган ҳар қандай фикр таъкидланмаслиги керак. Турфа фикрлар айтилиши мумкин, лекин уларнинг ичидан энг маънолиси ва манмундори танлаб олинади ва умумлаштирилади. Бу бир томондан, ўсмир ва ўспириналарни мустақил фикрлашга ўргатса, иккинчи томондан, гурӯхий муҳитда ишлашга, ҳамкорлик фаолиятини, коммуникатив қобилияtlарини ўстиришга ёрдам беради. Маълумотларнинг шахслараро муносабатга таъсирида конформизм рўй беради.

Конформизм - гурӯхнинг ҳақиқий ёки ижтимоий тасаввур қилинган таъсири натижасида эътиқод ва хулқ-атворнинг ўзгаришидир. Ушбу феномен ижтимоий тренингларда, қолаверса ҳар бир иштирокчи ўз фикрини баён қилиш яқунида умумий холосага келишда намоён бўлди.

Конформизм - бу реал ёки ижтимоий тасаввурлардаги гурӯхнинг индивидуал шахс эътиқоди ва хулқ-атворига таъсирини тупгунтирувчи

психологик ҳодисадир. Ушбу ижтимоий воқелик икки хил кўринишида намоён бўлиши кузатилади:

- ён берии - ички туйғулари билан бевосита қўшилмаса-да, лекин ташқи хатти-ҳаракати билан кўпчилик фикрини қўллаб қувватлаши;
- маъқуллаш - шахс эътиқоди ва қарашларининг ижтимоий тайзиққа, гурухий қарорга тўла мос келиши.

Конформизмнинг ижтимоий психологик табиатини тушунтирувчи экспериментлар (масалан, Музафер Шериф, Соломон Аш, Милграм ва б.к.) маълум маънода бизга ҳаётда ёқмайдиган нарсаларнинг келиб чиқишини, масалан, жоҳилликнинг, ўғрилик ёки бошқа иллатларнинг моҳиятини тушунишга имкон беради, яъни, жоуг/ллл ёки ёмонлик, албатта салбий хулқ-авторли одамларнинг борлиги учун келиб чиқмайди, балки уларнинг турли вазиятларга ноҳақликларга кўнишилари ёки худбинлик билан ёвузликка тоқат қилиш, уларга нисбатан *исён намойиш қилмасликнинг* оқибатидир.

Конформизм ҳодисасини экспериментал йўл билан ўрганган тадқиқотчиларнинг фикрича, бу - маълум шарт-шароитларнинг оқибатидир. Масалан, конформизм гурухнинг катта ёки кичиклигига, унинг ҳажмига боғлиқ. Одамлар ўzlари учун бироз бўлса-да, обрўли ёки ёқимтой хислатли одамларнинг сони уч ёки ундан ортиқ марта бўлганида, уларнинг фикр ва мулоҳазаларига жуда тез ишонадилар ҳамда уларга қўшилиб кетаверадилар. Бундан ташқари, конформизм ҳолатининг юқори даражаси бирор масала юзасидан жавоблар кўпчилик даврасида берилганида, ёки бирор жавобга олдиндан шаъма қилинмаган вазиятда тез содир бўлади.

«Нима учун одамлар конформизм ҳодисасини намоён этадилар, бу аслида инсон характерига зид эмасми?» - деган савол туғилиши табиийдир. Ёки бўлмаса, қўпчиликнинг таъсирига танқидий муносабатда бўлмаслик ўринлими? Бу шахснинг ўзлигига, унинг мустақиллигига

путур етказмайдими, деган савол ўринлидир, чунки унинг жавобини икки манбадан - жамиятнинг инсонлар учун ишлаб қўйган меъёрий хужжатлари тизимидан, шунга мос тарзда одамнинг ўзгалар томонидан тан олинишига интилишидан ҳамда уларнинг ўзаро коммуникатив маълумотлар алмашинишлари жараёнида сўзлар ва иборалар орқали бир-бирларига таъсир ўtkазишлари орқали тушунтиришга ҳаракат қилади.

Конформизм

*Норматив
таъсир*

Инсонни одамларга ёқишига, уларнинг кутилмаларига мутаносиб ҳаракат қилишига, шу орқали обрў-эътибор қозонишига нисбатан интилишига асосланган конформизм

*Информацион
Таъсир*

Борлик тўғрисида ўзгалар берган маълумотларни эътироф этишига асосланган конформизм

Тажриба жараёнида ким кўпроқ конформли, деган саволга кўпчилик муаллифлар аёлларнинг эркакларга, ёшларнинг катталарга нисбатан анча ишонувчан ва таъсирларга берилувчан эканликларини эътироф этадилар. Бундан ташқари, олимлар бу ҳодисанинг миллий-худудий ўзига хосликларини ва бу каби хулқ- автор айрим танг, суст вазиятларда одам иродасининг кучсизлашуви сифатида намоён бўлишини таъкидлаб ўтишган. Бизнингча, шахснинг ташқи тазиқларга берилиши, танқидийлик- сиз у ёки бу ҳаракат типларига қўшилиб кетавериши индивидуал хусусиятларга эга бўлиб, у одамнинг дунёқарашига, менталитетига ва ўқимишлилик даражасига боғлиқдир.

Нонконформизмн-чи? Кимлар ўзгалар фикрига эргашмайди? Шундай инсонлар тоифаси борки, улар кўпчиликка, қолаверса, иккиланувчиларга қўшилиб кетавермайдилар. Улар ҳақида баъзан лидер термини, баъзида эса «қўшилмаслар» ибораси ишлатилади. Бу ўринда ўзбекларда «Подадан ажраганни бўри ейди» деган мақол бўлишига қарамай, айнан ана нгундай субъектлар, жамиятда камчиликни ташкил этувчи «қўшилмаслар» тарихий шахслар ёки туб ислоҳотларни бошловчилар бўлиб вояга етадилар. Агар бундай лаёқат тугма - харизматик хусусиятга эга бўлса, буни одамлар ичдан ҳис қилсалар, улар норасмий лидерларга айланадилар, агарда бундай интилиш муайян мақсад кўзлаб, бошқаларга тантанавор намойиш этилса, улар расмий лидерларга - раҳбарларга айланиб қоладилар. Мулоҳазалардан кўриниб турибдики, норасмий лидерлик ва раҳбарлик муаммолари ижтимоий психологиянинг устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади.

Мустақил фикрлашга сабаб бўлувчи ва уни тушунтирувчи феноменлардан яна бири ижтимоий қиёслаш (Social Comparison) тан олинган бўлиб, бу - ўзини ўзгалар билан қиёслаш орқали ўз фикрлари ва қобилияtlарини баҳолашдир. Бу феномен ҳам кўпроқ гурухда рўй берадиган мунозаралар ва тренингларда вужудга келади. Шахс ўз фикрларини ўзганинг фикри билан қиёслаш орқали маълум бир холосага келади. Инсонда бундай сифатнинг мавжудлиги бизнинг тадқиқотимизда мустақил фикр ривожланганлиги мезонларидан бири тариқасида қўллашга имкон беради.

Фактларга аксил тафаккур (Counterfactual thinking) - ижтимоий-психологик феноменлардан бири бўлиб, бу гурухий фикр алмашинувлари давомида фикрлар тўқнашувиининг ҳосиласи ўлароқ, пайдо бўлиши кутилма даражасидаги, лекин рўёбга чиқмаган, шахснинг ижтимоий тасаввурлари доирасида қолиб кетган муқобил сценарий ва натижаларга сабаб бўлувчи ҳодиса. Бу феномен ҳам тренинглардаги

“муқобиллар, имкониятлар, танлов” машғулотида муаммони ҳал қилиш учун муқобил вариантларни баён этишда вужудга келади.

Шундай қилиб, мустақил фикрлаш шахснинг хислати сифатида гурухдаги унинг ўрни ва мавқеига боғлиқ, шунингдек, ҳар қандай фаолиятда индивидуал ёки жамоавий ютуқларга эриттиттла юқори даражани таъминлашга хизмат қиласидиган муҳим омил ҳисобланади.

Шахснинг мустақил фикрлаши ва ўз нуқтаи назарини фақат ўзининг ҳисечинмаларигагина таяниб намоён этишга зид бўлган ҳодиса - бу ижтимоий репрезентациядир. Унинг аҳамияти, моҳияти шундан иборатки, инсон ўша мустақил фикр юритиши учун, у энг аввало ижтимоий, умумэътироф этилган қадриятлардан, ҳалқ ва элат ижтимоийтарихий хотирасини ташкил этувчи ақидалардан фойдаланади. Ҳозирги даврда ижтимоий психология жамиятга миллий ва умуминсоний қадриятлар тизимидағи глобал масалаларни ижобий ҳал этигцида ижтимоий репрезентация жараёни ёрдам беради. Бу - умум эътироф этилган ақидалар ва эътиқодларга қўшилиш, уларни тан олиш, яъни ядро хавфсизлиги, диний бағрикенглик, миллатлараро тутувлик кабилардир. Мамлакатимизнинг миллий истиқлол ғоясига зид келмайдиган, аксинча, уларнинг ҳақлиги, ҳаққонийлиги ва ҳаётийлигини таъминловчи тушунчалар мажмуи инсоний ҳамфирлилик ва осойишталиктининг гаровидир. Лекин бу воқелик инсоннинг ўзлигини англашни, ўзини ҳурмат қилишини инкор этмайди, аксинча, у ўз руҳий оламини, ўзлигини тушунишни муайян даражада осонлаштиради.

Аслида одам онгода акс этувчи ҳодиса интуитив тарзда ҳис қилинади ва бу воқелик социологик тадқиқотларда ўрганилади. Масалан, сайловларда у ёки бу даъвогарнинг ғолиб чиқишини билиш мумкинми ёки амалга оширилган у ёки бу тадбир эртага қандай оқибатни келтириб чиқаришини-чи? Чунки воқеа содир бўлгач, гўёки, шундай бўлишини билардим, дегандай фикр туғилади. Масалан, америкалик Марк Лири

(Магк Ҷеагу, 1982) 1980 йилларда бўлиб ўтган Президентлик сайловларига бир кун қолганда, одамларнинг ҳар бир номзод ҳақидаги фикрларини ўрганиб, Рейган ютишини айтган. Сайловнинг эртаси куни яна бошқалардан сўраб, ким ютишини башорат қилишларини сўраганда, унда ҳам Рейганга қўпроқ овоз берилган ва аслида ҳам шундай бўлиб чиқкан. Энг қизиғи шундаки, кўплаб одамлар айнан шундай бўлиши керак эди-да, деган қабилда ҳамфикрлилик билдирганлар. Лекин аслида, бу - айнан ўша ижтимоий ҳодисани одам хис қилиши билан тушунирилади, бошқача сўз билан айтганда «ҳаёт илдамроқ кетади, уни англаш эса сал кечроқ рўй беради».

Демак, олимлар ижтимоий ҳодисаларнинг оқибатларини айнан одамларнинг фикрига таяниб, ўрганиб уларнинг истиқболини белгилашлари мумкин. Шундай ижтимоий тасаввур хукм сурадики, одамларга ҳар қандай воқеанинг натижаси, оқибати олдиндан танишдай туюлаверади, бу ижтимоий кутилманинг механизмидир.

Ҳар бир инсонда ўзи тутрисидаги тасаввурлар тизими мавжуд. Бу тизим аслпни олиб қаралса, ўзгалар тўғрисидаги тасаввурлардан йироқ эмас, балки уларнинг негизида шаклланади. «Мен»ликни англаш инсонга ўз фикри ва муносабатларини тартибга солиш ва уларни ташкил этишга кўмаклашади. Узимиз тўғримиздаги, биз ҳақимиздаги бошқаларнинг фикрларини мукаммал эслаб қоламиш ва бу ҳодиса бизнинг «ўзимизни-ўзимиз хурмат қилишимизга асос бўлади». Бизнинг менталитетимизда ўз шахсига нисбатан муносабатда ўзгалар фикрига таяниш кучли бўлганлиги туфайли ўзини хурмат қилиш ҳам бу нарсага боғлиқдир. Биз, ҳаттоқи, бизга ким ва қачон, қай тарзда таъсир қўрсатаётганлигини ҳам сезмай қолган ҳолда, ўзгалар таъсирига тушиб қоламиш. Ўзимизни англашимиз, ўзгаларни билишимиздан анча кучсиз ифодаланади. Бу бизнинг Шарқ маънавиятимиз ва муомала маданиятимизга бевосита боғлиқдир.

Бундан ташқари, одамнинг ижтимоий тасаввурлари ва ўйлари унинг чидамлилиги, иродаси ва меҳнатсеварлиги хислатларига боғлик эканлиги экспериментлар билан исботланган, нгунинг учун ўз меҳнатидан самара кута оладиган ва буни ўзи ўз иродаси билан назорат қила биладиган инсонлар ҳаётий мураккабликлардан осонроқ ўтадилар. Ўзининг у ёки бу масалаларда билимдонлигига ва шахсий ҳаракати самара беришига ишонган субъектлар қийинчиликларни муваффақиятли енгадилар, ҳаётга пессимистик муносабатда бўлганлар эса қўпинча аксинча, мағлуб учрайдилар.

Бу ўринда ўзини ўзи баҳолаши ҳам муайян аҳамиятга эга, чунки агар инсоннинг ўзига берган баҳоси орттирма бўлса ҳам, ёки ўта пастайтма қўрсаткич ҳам салбий ҳисобланади. Яна бир ижтимоий ҳолат борки, биз ўзимизни ижобий сифат тариқасида идрок қилишга мойил бўлишдан ташқари, яна ўзгаларга янада яхшироқ кўринишда қўрсатгимиз келади, лекин кимдир бизни мақтанчоқликда айбласа, унча хафа бўлмаймиз. Биз узлуксиз равишда ўзимизни атроф муҳитга мутаносиб қилиб қўрсатишига уринамиз. Кўпинча биз ўзбеклар ўта камтарлиқдан азият чекамиз ҳам, чунки ўзимиз тўғримизда илиқ таассурот қолдиришга мойилдирмиз. Бошқаларни мақтаётган вақтимизда аслида ўзимизни мақтаётганимизни, бу билан бирга ўзгаларга ёқишиштиёқи мавжуд эканлигини англамаймиз, чунки бундай ҳолатга кўнишиб кетганмиз. Худди шу боис, ўзимизга қийинчиликлар туғдирган тақдирда эса ўзимизни омадсиз деб баҳолашга тайёр турамиз. Айни шу, яъни одамнинг ўзгалар таъсирида бўлишлиги ёки бўлмаслигини тушунтирувчи англатиб келувчи ижтимоий ҳодиса, юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий психологияда конформизм деб аталади.

Фикрнинг мантиқсизлиги ва изчил эмаслигини хис қилган тингловчида ҳам ана шундай тескари ҳимоя рефлекси шаклланади. Ижтимоий психология фани эътиқоднинг шахсларда шакланганлигини турли йўллар билан текшириш имкониятига эга. Масалан, ҳозирги замонда бевосита таъсирланишнинг визуал аниқлаш воситалари ҳам борки, уларни кўз билан фазовий жойлашувида илғаб оласиз: ижобий, маъкул фикрларга одам беихтиёр бошини вертикал ҳолатда, мос келмайдиганини эса горизонтал тарзда ҳаракатлантиради.

АҚШ психологи Д. Дюи фикрлашнинг ижтимоий психологик моҳиятини фикрни шаклланиш муаммосига боғлаб ўрганган олим ҳисобланади. Унинг таъкидлашича, тажриба билан билимлар фикрнинг манбани ташкил қиласиди. Агар шахс муаммо билан қисман таниш бўлсада, у муаммони ҳал қилиш учун фикр юритиши мумкин. Агар шахс олдида муаммо турса-ю, лекин бундай шароитни ўз ичига олган тажриба бўлмаса, бу тақдирда шахс фикрлай олмайди. Муаллифнинг таъкидлашича, ҳайратланиш ҳар қандай фаннинг онасидир. Қизиқувчанлик ўзининг дастлабки кўринишида ҳаётийликнинг мўлкўллигини, табиий қувватнинг кўплигини ифодалайди. «Қизиқувчанликнинг юқори босқичи билишга интилишнинг ижтимоий қўзгатувчилари таъсири остида ривожланади. «Бу нима?», «Нимага?» каби сўроқлар шахс мавжудлигининг асосий белгилари сифатида гавдаланади. Инсоннинг «Нимага?» сўроғи илмий тушунтиришни талаб этмайди: уни ҳаракатга келтирувчи мотив - бу одамнинг сирли олам билан кенгроқ танишиш иштиёқидир. Ўқитувчининг вазифаси - муқаддас ҳайратланиш учқунини сўндиրмаслик, қизиқувчанлик алансасини авж олдиришдан иборатдир»³⁰. Бунда ўқитувчи ўқувчиларга осонлиги ёки қийинлиги билан бир-бирига пропорционал топшириқларни бериши мақсадга мувофиқ. Агар топшириқ жуда осон бўлса ҳам тадқиқот учун илмий маҳсулла яратилмайди, жуда мураккаб

вазифа ҳам муаммонинг ечимини топишга ишончсизлик туйғусини уйғотади. Ўзгалар муҳитида мuloҳаза билдириш шахсда ишонч ҳиссини такомиллаштиради, у ўз навбатида мустақил фикрлашни шакллантиради.

Жон Дьюи мустақил фикрлашни инсон тараққиётининг генезиси билан боғлаганлиги туфайли, барча омиллар орасида шахснинг ташқи ижтимоий муҳитга интилиш одатини муҳим эканлигини таъкидлайди. Бола табиатан ўзи атрофдагилар билан узлуксиз муносабатлар ўрнатишга мойил эканлигини намоён этади. У ўзининг «Биз қандай ўйлаймиз?» (1910), «Логика» (1938), «Таълим тамойиллари ва амалиётига кириш»(1889), «Жамият ва унинг муаммолари» (1894) каби қатор асарларида психология ҳар бир масалада жамиятнинг ижтимоий омиллар таъсирида ривожланиши қонуниятларини ёритишга ёрдам беришини исботлашга мувофиқ бўлган.

Хусусан, муаллифнинг тафаккур ва фикрлашга оид фикрлари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, «тафаккур» категориясидан кўра, «фикрлаш», «мулоҳаза юритиш» деган атамаларни ишлатишни афзал кўради. У бу билан «мавжуд тажрибани англаш ва янги қарорлар, фикрларнинг мужассамлашуви» жарёнини тушунади. Фикрловчи онгнинг ишлаши учун, унинг фикрича, уни доимо машқ қилдириш, янги одатлар билан бойитиб бориши керак [175]. Демак, бу бизнинг тадқиқотимиз мантиғига биноан, ўша самарали мuloқот муҳитини яратиш ва тренинглар ўтказиш аҳамиятини қатъий равишда таъкиддайди. Дьюи назариясидаги яна бир муҳим жиҳат, фикрлашни ижтимоий перцепция - перцепция майдони билан боғлай олганлигидир. У ҳам гештальт психология вакиллари фикрларини янада ривожлантириб, фикрлаш учун муаммоли вазиятларни ўз ичига олган, ижтимоий муносабатлар (социум) майдонидаги перцепция муҳим роль ўйнашини, бу нарса инсоннинг мавқеини белгилашини таъкидлайди. Фақат охирги муаммолар маданиятпгунослик ва ижтимоий фанларнинг предмети эканлигини

уқтиради. Бу фикрлар маълум маънода ижтимоий тасаввурлар концепцияси вакиллари учун методологик туртки ролини ўйнади (Э. Дьюркгейм, С.Московиси ва б.к.) Тўғри, у умрининг охирига келиб, ушбу муаммони сиёсатшунослик билан, жамиятда демократиянинг барқарорлашуви билан уйғунлаштириш орқали инсон фикрлаш тарзининг ижтимоий моҳиятини исбот қила олган, айнан таълим самарадорлигини пгу муаммонинг ечими билан боғлашни уddaлаган олимдир. Худди пгу боис, биз ўз тадқиқотимиз доирасида унинг ана шу ижтимоий омил тўғрисидаги фикрларига таянамиз.

Швейцариялик психолог А.Н.Перре - Клермоннинг таъкидлашича, бола тафаккурининг ривожланиши унинг бошқа тенгқурлари билан ўзаро таъсир ўтказишига боғлиқ. Ўқитувчи томонидан бундай ўзаро таъсир ўтказишни ташкил этилиш ва бошқарилиш ўқувчиларнинг билиш фаолияти маҳсулдорлигига, уларда ўқув мотивациясининг вужудга келишига таъсир этади. Муаллифнинг фикрича, ҳамкорлик фаолиятини тўғри ташкил этишнинг шакллари, турли ижтимоий қатламларга мансуб болаларнинг тараққиёт даражасига боғлиқ, шунинг учун қийинчиликларни енгишда маҳсулдор усул қўлланиши жоиз.

Мустақил фикрлашнинг юқори шакли бўлмиш ижодийлик муаммоси чет эл психологиясида жуда чуқур ўрганилган, бу асосан тафаккурнинг креативлиги тарзида талқин қилинган. Биз бу таърифдан «ижодий» деб фойдаланмаслигимизга сабаб (*«create»* - инглизча «ижод қилиш» демакдир), ижодийлик - бу интеллектуал фаолликнинг юксак босқичи, деган тасаввур пайдо бўлмаслиги учун «креативлик» атамасидан фойдаландик. Психологияда креативлик муаммоси 1950-йиллардан бошлаб изчил равишда ўрганилмоқда. Лекин биз ўз тадқиқотимизда «креативлик» атамасини ўзбек тилида шартли равишда «ақлий ижодийлик» деб атадик ва уни мустақил фикрлашнинг психологик асоси сифатида ўрганишни лозим топдик. Шундай қилиб,

бундан буён ақлий ижодийлик ҳақида мулоҳаза юритилганда фикрлашнинг ностандартлиги, унинг мустақиллиги ва «креативлиги» назарда тутилади.

Креативликнинг ажратилишига ақлнинг анъанавий тестлари ва муаммони ечишнинг муввафақияти ўртасида боғланиш йўқлиги ҳақидаги маълумот туртки бўлган. Бу сифат моҳиятан ақл орқали берилган маълумотларни, қўйилган вазифаларни ҳал қилишда тезкор усул ва ҳар хил йўсиндан фойдаланиш қобилиятига боғлиқлигини ифодалайди.

1962 йилда J.W.Getzels ва P.W.Jackson ақлий ижодий- ликнинг кўрсаткичлари орасида боғлиқлик йўқ, деган маълумотни матбуотда эълон қилишган. Улар ижодийликни ўлчаш учун ўзларининг (*Cr*) коэффицентини киритишган, холос. Ақлий истеъдод эса боланинг гувоҳномасидаги ёшига нисбати қўлга киритган муваффакиятларининг миқдори билан ўлчаниб, *IQ* коэффиценти билан белгиланади. *IQ* ва *Cr* коэффицентларини ажратиш тафаккур билан мантиқни ақлий ижодийликка қарама- қарши қўйишга омил бўлган. Худди шу боис ҳам XX асрнинг 60- йилларига келиб, ижодийликнинг 60 дан ортиқ таърифи ишлаб чиқилди. Ижодийлик таърифларини таҳлил қилиш орқали уларни 6 турга ажратиш мумкин: *гештальтик* таъриф (ижодий жараённи мавжуд гештальтларни бузиб, яхшироғини тузиш сифатида таърифланади), *инновацион (янги)* таъриф (сўнгги натижанинг янгилиги бўйича ижодийликни баҳолашга йўналтирилган), *эстетик ёки экспрессив* (ижод қилувчининг ўзини-ўзи ифодалашга аҳамият берувчи), *психоаналитик* (ижодийликни «У», «Мен» ва «Идеал - Мен» ўртасидаги ўзаро муносабат деб таърифловчи); *муаммоли* (ижодийликни масалалар ечиш жараёни деб аниқлайдиган. Бунга J.P.Gilfordning «Ижодийлик - дивергент тафаккур жараёнидир», деган таърифини ҳам мужассамлаштириш мумкин), олтинчи типга юқорида таърифланган

типларнинг бирортасига ҳам кирмайдиган ҳар хил таърифларни киритиш мумкин (масалан, «умуминсоний» билимлар захирасини тўлдириш).

Ҳозирги даврда тўпланган ижодийлик атамасига тааллуқли таърифлар мазмуни, моҳияти ва тузилмасини баҳолаш қийин. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, «ижодийликнинг нималигини тушунишнинг ўзи ижодий ҳаракатни талаб қиласи. Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар муаллифларидан бири ижодийликни қандайdir аҳамиятли ва янги нарсага эришиш деб, яъни «бошқача айтганда, бу инсонларнинг дунёни ўзгартириш учун қилган ҳаракатлари» сифатида таърифлайдилар.

Ижодийликнинг 4 асосий томонига асосланиб ўрганилади: ижодий маҳсулот, ижодий шахс ва ижодий мухит, ижодий жараён.

F.Barron, D.Harrington 1970-йиллардаги ижодийлик соҳасидаги тадқиқотларни умумлаштириб, ижодийлик ҳақида қуидагича хulosаларга келадилар:

1. Ижодийлик - янгича қараш ва янги маҳсулотлар зарурлигига мослашиш қобилиятидир. Бу қобилият ҳаётдаги янгиликни англаш имконини беради, жараённинг ўзи эса англанган ёки англанмаган бўлиши мумкин.

2. Янги ижодий маҳсулотни яратиш ижод қилувчининг шахсиятига ва унинг ички мотивациясининг қучига боғлиқ.

3. Ижодий жараён, маҳсулот ва шахснинг хусусиятлари, уларнинг оригиналлигига (ўзига хослигига), асосланганлигига, вазифага мослигига, фойдалилигига боғлиқдир.

4. Ижодий маҳсулотлар моҳияти ва тузилишига кўра, ҳар хил бўлиши мумкин: математик муаммони янгича ҳал қилиш, кимёвий жараённи кашф қилиш, мусиқа, расм ёки поэманинг янги фалсафий ёки диний тизимини яратиш, хуқуқшуносликнинг янгиликлари, ижодий муаммоларини янгича ҳал қилиш ва бошқалар.

T.Tardif ва *R.Stenberg* барча фикрларни таҳлил қилганда, ижодийлик жараёнига нисбатан иккита умумий қараш мавжуд эканлигини ажратиб кўрсатдилар. Булар: 1) ҳар бир алоҳида шахсни турли даврларда, вазиятларда кечадиган жараён сифатида қараш; 2) ижтимоий алоқалар тизимиға, муаммоли соҳаларга, ижодий маҳсулотни баҳолаш мезонига боғлиқ жараён сифатида талқин қилиш.

Ижодий тафаккурни эса «қийинчиликларни, муаммоларни, маълумотдаги етишмовчиликни, етишмайдиган элементни, қандайdir камчиликни ҳис қилиш жараёни сифатида, бу етишмовчиликларга тааллуқли таҳлил ва фаразни ифодалаш, мазкур тахмин ва фаразларни синаш ва баҳолаш, уларни қайта куриб чиқиш ва имкониятларни текшириш ва ниҳоят, натижаларни умумлаштириш тариқасида таърифлайди».

F.Barron хаёл ва символлар билан ифодалашни марказий жараён деб ҳисоблайди ва улар ижодийликнинг мезонлари булиб хизмат қиласи, ижодийликни «ўзидан-ўзи ҳаракатда давом этадиган ички жараён» сифатида таърифлайди, маҳсулотнинг йўқлиги эса ижодийликнинг мавжуд эмаслигидан далолат беради, деб таъкидлайди.

1. мавжуд ички ғайратни талаб қиласи: ижодий жараённинг ҳар бир босқичида анъанавий ва янги нарсалар ўртасидаги низони, фикрни, турли усул ёрдами билан ҳал қилиш ёки таклиф этилган маҳсулотда улардан фойдаланиш; у ноаниқлик билан индивидуаллик ёки жамият ичидаги маҳсулдорликка ва ташкил этишнинг юқорироқ даражасига интилиш ўртасида яратилиши мумкин. Уч хил хусусиятли ижодий ғайратнинг барчаси ижодий жараённинг турли босқичларида вужудга келиши мумкин.

H.Gardner етти хил ўзаро боғлиқ бўлмаган интеллектуал соҳаларни ажратиб кўрсатади:

1. Маҳсулдор оғзаки хотирага ва сўзларнинг маъносини тушунишга асосланган тилшуносликка тааллуқли интеллект.

2. Тушунчалар, белгилар ва объектларни нозик ҳаракатлар воситаси билан тузилиши, уларнинг ўзаро муносабатини, тоифасини тадқиқ қилиш қобилияти — мантиқий - математик интеллект.

3. Фазовий интеллект - объектларни ақлий фаолиятда нозик ҳаракатлар билан ўрнини алмаштиришдан иборат кўрув - фазовий композицияларни яратиш ва идрок қилиш қобилияти.

4. Тери-туюш интеллекти - ҳаракат малакаларидан спортда, санъатда, қўл меҳнатида фойдаланиш лаёқати.

5. Мусиқий интеллект - мусиқани идрок этиш, яратиш, ижро этиш укувчанлиги.

6. Шахснинг ички интеллекти - шахсий ҳисларини англаш ва тушуниш имконияти.

7. Шахслараро интеллект - бошқа одамларнинг темпераментини, мотивациясини, мақсадларини фарқлаш ва англаш истеъдоди.

Кўпинча юқоридаги типология таркиблари биргаликда намоён бўлади, масалан, тери-туюш ва фазовий тасаввур, мўлжал ола билиш интеллекти механика соҳасидаги билимдонликда кўринади. Фақат бир соҳадаги, яъни тилшуносликдаги ёки шахслараро муносабатдаги билимдонлик қатор касбларда юксак муваффақиятларга эришишга имкон бериши мумкин.

Ижодий жараённинг кенгайишида қандай нарса мотив бўлиб хизмат қилиши ҳақидаги муаммо ҳам тадқиқотчиларни қизиқтириб келади. Кўпчилик тадқиқотчилар, ижодий жараён - бу муаммони излашда фаоллик шакли, билимларнинг мавжуд чегарасини онгли ва мақсадга йўналтириб кенгайтиришга уриниш, мавжуд чекланиш- ларнинг бузилишидир, деб ҳисоблайдилар. Бошқа бир йўналишдаги нуқтаи назар

тарафдорларининг фикрига кўра, ижодий маҳсулотлар ижодий жараёнда сараланиш ва вужудга келиш босқичларининг тасодифий ўзгаришининг натижасидир. Ҳар иккала нуқтаи назарга ҳам тегишли бўлмаган фикрмуроҳазалар шундан иборатки, ижодий жараённи тушунтиришдаги муваффақиятсиз уриниш ёки тасдиқланмаган фараз, мавжуд билимларга янги ғояларни киритишга уриниш, мавжуд бўшлиқقا ўзини-ўзи ташкил этиш орқали киришга уриниш сифатида қаралади.

Шундай қилиб, ижодий жараён турли соҳаларда пайдо бўлиши мумкин, лекин ўзининг умумий хусусиятларига ҳам эга. Ушбу жараён маълум даврда ва аниқ босқичда юзага келади. Унинг муҳим ташкил қилувчиси «инсайт» ҳисобланади. Ижодийлик барча инсонларга хос жараён, лекин унинг вужудга келиш босқичлари шахснинг хислатларига ва руҳий муҳитга боғлиқлиги туфайли, бу жараёнда онгизликнинг роли муҳимдир.

Ижодийликнинг бошқа билиш жараёнлари билан боғлиқлиги муаммосини ҳал қилишда, баъзи муаллифлар билиш жараёнларини ижодий жараён моделининг таркибий қисмига киритадилар. Бу борада биринчи ўринда ижодийлик ва интеллектнинг ҳар хил турлари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларда акс этувчи муаммо туради.

J.P.Gilfordнинг интеллект моделида ижодийлик дивергент тафаккур маҳсулдорлиги билан боғланади. Бу қобилият

-фикр тезлиги, эгилувчанлиги ва оригиналлиги фаолият самарасини ўз ичига қамраб олади.

Дивергент тафаккур ижодий жараённинг барча хусусиятларини акс эттириш имкониятига эга эмас, чунки унда чекланганлик мавжуд. Ижодийликнинг XX аср 60-йиллардаги кўзга кўринган тадқиқотчиларидан бири M.Wallachнинг таъкидлашича, интеллектуал тестлар ижодий ютуқлар билан юқори кўрсаткичларда ўзаро боғланмаган. У 11-12 ёшли ўқувчилар ўртасидаги интеллект ва ижодийлик турлича ривожланганлиги сабабли уларни 4 хил гурухга

ажратиб кўрсатади:

1) интеллект ва ижодийликнинг юқори даражасига эришган ўқувчилар ўзларини тўғри баҳолайдилар, уларда ўзини-ўзи назорат қилиш юқори, улар барча янги нарсаларга қизиқишиди ва баҳолашда мустақилликка эгадирлар;

2) интеллектуал даражаси юқори ва ижодийлик даражаси паст ўқувчилар мактабда муваффақиятга интиладилар, лекин бирордан ўз сирларини яширадилар, ўзларини пасайтириб баҳолайдилар;

3) интеллектуал даражаси паст ва ижодийлик қўрсаткичи юқори ўқувчилар хавотирли, эътиборсиз, қуи ижтимоий мослашув билан бошқалардан ажралиб турадилар;

4) интеллектуал даражаси ва ижодийлик қўрсаткичи қуи ўқувчилар вазиятга осон мослашадилар, ижтимоий интеллектуал даражаси юқори, лекин суст субъектлар ўзларини тўғри баҳолайдилар.

Шундай қилиб, ижодийлик жараёни билан интеллект даражаси ўртасидаги муносабат ўқувчиларнинг шахсий хислатларига ва уларнинг мослапгув усусларига таъсир қиласи.

E.P.Torrance «интеллектуал чегара» назариясини илгари суради: агарда JQ 115-120дан паст бўлса, интеллект ва ижодийлик ягона омилни ташкил этади, яъни улар ўзаро боғлиқ, агар JQ 120дан юқори бўлса, унда ижодийликка боғлиқ эмас миқдорга айланиб қолади, яъни интеллекти паст, аммо ижодийликка эга шахслар йўқ, лекин интеллектнинг юқори даражаси эса юқори ижодийлик билан боғлиқ эмас.

Баъзи муаллифлар ижодий жараёнда конвергент тафаккурнинг ролини алоҳида таъкиддайдилар. Жумладан G.Monetaning тасдиқлашича, илмий ижодийлик моделида чуқур билимга эгалик ва конвергент тафаккур муҳим роль ўйнайди.

Ижодийликда чуқур билимга эгаликнинг ўрни ҳақидаги қарашнинг моҳияти шундан иборатки, бунда муаммони жуда чуқур билиш ундан жуда кам, хабардорлик эса ижодий жараёнга ҳалақит беради. Юқори

билимдонлик кўрсаткичи мавжуд қолиплардан ташқарига чиқиб кетишга имкон бермайди, шунинг учун ижодийликнинг билимга боғлиқлигини ишаклидаги қийшиқ чизик орқали тасвиrlаш мумкин.

Тафаккурнинг баъзи турлари ижодий фикрлашнинг равшанлашишида ривожланишида муҳим аҳамият касб ўинашини таъкидлайдилар. этади. Мураккаб муаммоларни ҳал ғаройиб қилишда ғайриоддий қобилиятга эга бўлган кишиларни баҳолаш учун бу соҳада иккита механизмни кўрсатиб ўтиш мумкин. Биринчisi - янусиан тафаккур жараёнлари, иккинчisi эса мураккаб сабаб-оқибат муаммоларини ҳал қилиш учун зарур «бир вақтнинг ўзида кўра олиш» қобилиятидир. Янусиан тафаккур икки қарама-қарши нарсаларни бир вақтнинг ўзида фаол ўйлаш қобилиятини ўз ичига олади ва нгу йўл билан жисм ҳақида икки кескин фарқланувчи қарашни ишлаб чиқиш имконини беради. Тафаккурнинг бу тури «Эйнгейн, Дарвин, Уотсон, Пастер ва Ферми каби инсонларнинг илмий назариялари ва кашфиётларини яратиш жараёнида асосий қадам» ҳисобланган ва адабий танқидчилар, шоирлар, файласуфлар ижодий тафаккур жараёнининг моҳиятини ташкил қилган» Иккинчи психометрик нуқтаи назарда муаммони ҳал қилишнинг ўта замонавий малакалари билан қуролланган инсонларда фикрнинг бирданига равшанлашиш уқувчанлигини баҳолайди. Р.Langly ва R.Jonhslar эса ижодий фикрнинг хотиранинг муҳим роль Маълумотларнинг етарлилиги ассоциациялар боғлиқлигини яратишга ва муаммони оригинал (ўзига хос) ҳал қилишга имкон беради.

Ижодийлик билан диққатнинг бузилиши ўртасидаги боғлиқлик хукм суриши ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. С.Guorgetown диққати бузилган ва интеллект кўрсаткич 115 дан паст бўлган 87 та нафар 7-синф ўқувчиларини текшириб,

Е.P.Torrance тестининг фигурали шакли бўйича уларнинг интеллектлари бир хил, лекин диққати нормал шахсларга қараганда эса юқори

ижодийлик мавжуд эканлигини аниқлаган.

Шундай қилиб, олинган маълумотларнинг кўрсатишича, ижодийлик бошқа билиш жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ривожланишидаги индивидуал хусусиятлар даражаси ва ижодий фаоллик соҳаси билан уйғунликка ҳам эгадир.

Ижодиёт маҳсулотларини жуда кенг маънода тушуниш мумкин, жумладан, техника янгиликлари, янги ғоялар, санъатнинг янги услублари, фан соҳасидаги кашфиётлар ва бошқалар. Ижодий жараён билан ижодиёт маҳсулини ўзаро бир-биридан ажратган ҳолда алоҳида ўрганиш мумкинми? - деган савол тутилади. Кўпчилик муаллифлар ижод маҳсули вужудга келгандагина, ижодий жараён ҳақида фикр юритиш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Лекин бу соҳада ижодийлик мезонлари ҳақида муаммони тадқиқ этиш кўндаланг вазифа бўлиб турибди.

Ижодийлик мезонларидан бири - бу ностандартликдир. Е.Р.Тоггансе таъкидлаганидек, ноёб ва оригинал жавоблар моҳиятан ҳар доим ҳам мос тушавермайди. Кўпинча тушунчаларнинг мазмунини асосланмаган равишда аралаштириш ҳолати рўй беради: ижодий қобилият эса ностандартлик билан бир хил деб қаралади, ностандартлик оригиналлик билан, оригиналлик эса синалувчилар гуруҳидаги ноёб жавоблар билан айний деб талқин этилади. Ностандартлик оригиналлик (ўзига хосликка нисбатан кенгроқ тушунчадир.

Иккинчи мезон - англанганликдир. Бу аснода сўз борганда синалувчи томонидан муаммо ечимишининг англанганлиги назарда тутилади.

5. А.Mednickнинг таъкиддашича, ижодий натижа берадиган тафаккур негизини тасодифий сўз ўйини ёки шеърият таттқид этади, шунинг учун ушбу ҳосила қанчалик талабга тўлиқ жавоб берса, нгунчалик ижодий бўлади, деб ҳисоблашни таклиф қилинади [275]. Бу мезон ижодийликнинг унумдор (самарадор) ва унумсиз (самарасиз) шаклларга

ажратишга имкон беради. «Ижодий жараён давомида «ишилайдиган» асосий операция - бу таққослаш операцияси ҳисобланади. Маънавий алоқалар ўрнатмасдан туриб, тасодифий бирлашиш ёки маънавий синтез ёки репродукция негизида унсурлар ўртасида мазмунли алоқалар урнатилади» .

Шундай қилиб, маҳсулотларни (ғояларни, фаразларни, хулқ - автор актларини) бир қолиплик (стереотип), ижодий ва дивергент турларга ажратиш, туркумлаш мумкин.

Жаҳон психологияси фанида баъзида яна қуйидаги мезонлар киритилади: *ижодий маҳсулот кучли таассурот қолдирити* лозим *тежсалган бўлиши*, инсоният *тажрибасида тақорорланмайдиган ўзгаришларни ифодалаши гайриоддий* сенсор образларни ёки бир ҳолдан бошқасига ўтишни ўз ичига олиши қайси соҳа учун яратилган бўлса, ўша соҳа намояндалари ёки фойдаланадиган жамият аъзолари томонидан юксак баҳоланиши лозим.

Илмий билимлар ёки муаммони ижодий ҳал қилиш соҳасида ижодий маҳсулотлардан фойдаланиш учун бошқача мезонлар ишлаб чиқилган: билим унсурлари орасидаги узилишларни тўлдириш лозим, улар фанлараро чегарадан чиқиб кетиши, кутилмаган ёки қўйилган вазифага мос келиши лозим. Ўз мулоҳазаларини исботлаш учун E.P. Torrance қуйидаги мезонларни таклиф килади: ҳазил, хаёл, ранг, ҳаракат, адабий ва мажозий ҳислар илмий ижодийликни аниқ таърифлашга имкон беради.

Хорижда ижодий шахсларни ўрганишда шартли равишда 4 соҳани ажратиб кўрсатиш одатий ҳодисага айланган. Биринчи соҳани ижодий шахсларнинг хислатлари ва мотивлари ташкил этса, унинг иккинчисида «Мен»нинг ижодийлик билан боғлиқлигини ўрганади. Учинчи соҳада ижодийлик узини намоён қилиш сифатида талқин қилинади. Тўртинчи соҳада шахснинг ижодийлиги билан психопатология ўртасидаги боғлиқлик ўрганилади.

Ижодий шахсларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда бир қатор қарашлар мавжудлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. С.Martindalening таъкидлашича, ижодийлик шахснинг билиш малакасига қараганда, муҳимроқ шахс хислати ҳисобланади. Бошқа томондан, ижодийлик шахснинг ўзаро боғлиқ бўлган хислатларининг тўплами эмас, балки унинг умумий хислатидир.

M.Csikcentmihaly ижодий шахслар бир-бирини инкор этувчи қуидаги хислатларга эга эканлигини таъкидлайди:

1. Ижодий шахслар улкан жисмоний кучга эга бўлиш билан бирга, улар кўпинча хотиржам ва дам олиш ҳолатига мойилдирлар.
2. Улар содда ва қаттиқ қўлдирлар.
3. Уларнинг шахсида ўйинқароқлик ва тартиблилик, жавобгарликни ҳис қилиш ва бепарволик сингари хислатлар уйғунлашган.
4. Ижодий шахсларда тасаввур билан хаёл воқеликни ҳис қилишда ўзаро ўрин алмаштириб туради.
5. Ижодкор шахсларда ҳам экстроверт, ҳам интровертлик хислатлари мавжуддир.
6. Ижодкор шахслар бир вақтнинг ўзида ҳам камтар, ҳам мақтанчоқдирлар.
7. Жинсий роллар соҳасида улар бир қолипликдан қочадилар.
8. Улар бир вақтнинг ўзида исёнкорлик руқини ва эскилил сарқитини намоён қиласидилар.
9. Кўпчилик ижодкор шахслар ўз фаолиятларини ўта севадилар, ўз маҳсулларини тўғри баҳолайдилар.
- 10.Ижодкор шахсларнинг очиқлиги, сезгирилиги хислатлари руҳий кечинмаларни ва оғриқни ҳис қилиш имконини беради.

Кўпчилик тадқиқотлардан олинган маълумотларга қараганда, ижодкор шахсларнинг «Мен»лиги кучлироқ ифодаланади. R.B.Cattelning таъкидлашича, фан ва санъатда ижодкор шахслар «Мен»ининг кучи

муайян даражада юқоридир. F.Barron ижодкор ёзувчилар ва архитекторларнинг «Мен»лиги кучининг юқори эканлигини аниқлаган. Илмий психологик манбаларда ижодийликнинг ўзига тўқислик билан ўзига ишониш боғлиқлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Гарб мамлакатлари адабиётларида ижодийлик муаммоси катта ижодийлик ва кичик ижодийлик деб икки типга ажратилади. М.Вобеп эса ушбу атамалардаги фарқни «тарихий» ва «шахсий» ижодийлик деб аташни таклиф қиласди. Кичик ёки шахсий ижодийлик кундалик ҳаётга тааллуқли бўлиб, жумладан, пичоқ бўлмагандан тангадан пишлоқ кесиш учун фойдаланишни мисол қилиб келтириш мумкин. Катта ёки тарихий ижодийлик тўғрисида мулоҳаза юритилганда маданият ва жамиятга муҳим таъсир кўрсатадиган ютуқлар қаторига, масалан, Моцарт ва Эйнпггейн сингари даҳоларнинг ижодий ютуқларини киритиш мумкин.

Ижодийлик ўзини-ўзи намоён қилиш сифатида талқин қилинганда, кичик ёки шахсий ижодийлик гавдаланишини тушуниш мумкин.

Ж.Стилл, К.Мередис, Ч.Темпл каби олимлар танқидий фикрлашни ривожлантиришни амалга ошириш учун ўқиш ва ёзиш лойиҳасини ишлаб чиқдилар.

Мавжуд маълумотларнинг таҳлилича, танқидий фикрлаш - бу ахборотларни ўзлаштиришдан бошланадиган ва хулоса чиқариш билан тугалланадиган мураккаб ўйлаш жараёнидир. Муаллифлар- нинг фикрича, танқидий фикрлаш ҳар қандай ёш даврида намоён бўлиши мумкин. Уларнинг лойиҳасига кўра, ўқувчилар янги матнни ўқиётганларида ҳар бир хат бошига 4 хил белгилар қўйиб чиқадилар, сўнгра улар билганлари ёки билмаганлари ҳақида бир - бирига сўзлаб, ақлий хужумни рўёбга чиқарадилар.

Д. Крету, Х. Ацковская, С. Миовска сингари олимларнинг мақолаларида ўзларининг ижодий фаолиятларида ўқувчилар ва талабаларда танқидий фикрлашни ривожлантириш учун ўқиш ва ёзиш усулидан фойдаланаётганлари ҳамда улар қандай ижобий натижалар

бергани ҳақида батафсил тўхталиб ўғганлар.

Юқорида келтирилган хорижий муаллифлар изланишларининг таҳлили шуни кўрсатадики, креативлик муаммоси психологияда жуда мураккаб муаммолардан бири сифатида тан олинган бўлиб, ҳозирги даврда истиқболли тадқиқотлар ўтказиш учун кенг услубий ва назарий асослар ишлаб чиқилган. Креативлик соҳаси бўйича изланишлар тадқиқотчиларга ижодийликда шахсий қобилиятларини рўёбга чиқариш учун пухта имконият яратади.

Юқорида таъкиддаб ўтганимиздек, ўз тадқиқотимизда биз ҳам мустақил ижодий фикрлаш билан интеллектуал тестлар орасидаги боғлиқликни ўргандик.

Тафаккурнинг мустақиллиги ва ижодийлиги муаммоси бир қатор рус психологларининг ҳам тадқиқот предмети сифатида хизмат қилган. Уларнинг таърифлашича:

- мустақиллик - тафаккур жараёни маҳсулдорлигининг шарти, ақлнинг хислатидир (П.П.Блонский, А.А.Смирнов, Н.А.Менчинская, М.П.Шардаков, А.М.Матюшкин ва бошқалар).
- мустақиллик - бу шахс хислати бўлиб, масала ечимининг аниқ усулини танлаш ва ечимини таъминлашдир. (А.Н.Леонтьев, А. Я.Пономарев, А.А.Люблинская ва бошқалар).
- мустақиллик - бу ақлий фаолият усулларини эгаллаш натижаси ва шартидир (Д.Н. Богоявленский, Е.Н.Кабанова-Меллер, В. И.Решетников ва бошқалар).
- мустақиллик - шахс ижодий фаолияти шартидир (М.Г.Ярошевский, А.Я.Пономарев, О.К.Тихомиров ва бошқалар).
- мустақиллик - ирода ва характер хислатидир (В.Е.Сиркина, В.И.Селиванов, Н.Д.Левитов, А.М. Пименова ва бошқалар).
- мустақиллик - ақл танқидийлигининг кўрсаткичидир (А.С.Байрамов, А.Н. Липкина, Л.А.Рибак, В.М.Синельников ва

бошқалар).

- мустақиллик - шахс фаоллиги ва синчковлигининг, билишга интилиш қобилиятиининг кўрсаткичидир (Р.Р. Лемберг, Р.И.Шукина ва бошқалар).

- мустақиллик - ҳаракатларнинг онгли сабаблари кўрсатилиши (мотивлаштирилиши), уларнинг асосланганлиги, бошқаларнинг таъсирига ва ишонтиришларига берилмаслик, инсоннинг бошқача эмас, худди шундай ҳаракат қилиш учун объектив асосни кўриб чиқиш қобилиядир (С.Л.Рубинштейн ва бошқалар).

- мустақиллик - янги муаммони, янги масалани кўра олиш ва уни ўз кучи билан ечиш қўнимасидир (В.В.Давидов, М.А.Данилов, А.М.Матюшкин, А.В.Брушлинский, Д.Б.Богоявленская ва бошқалар).

- мустақиллик - билиш топшириқларини ҳал қилиш ва индивидуал топшириқни бажариш усулидир (Б.Л. Есипов, И.Я.Лернер, В.П.Стрезикозин, П.И.Пидкастий, Н.А.Половникова ва бошқалар).

Муаммо юзасидан ҳар хил қарашларнинг мавжудлиги мустақиллик тушунчасининг қўп қирралилигидан далолат берали. Мустақиллик тушунчаси юзасидан юқорида қайд этилган таърифларни таҳлил қилиш, бу хислат интеллект, қобилият, ирода ва характерни ўзига хос бир бутун қилиб бирлаштирувчиси (интегратори) фаразини тасдиқлади.

Бизнинг фикримизча, М.Г.Ярошевский, А.Я.Пономарев, О.К.Тихомировларнинг мустақиллик ижодий фаолиятнинг шартидир, деган таърифи мустақиллик тушунчасининг моҳиятини тўғрироқ акс эттиради. Ушбу таърифни биз асос сифатида қабул қиласиз ва тафаккур мустақиллигининг моҳиятини очишда унга бевосита таянамиз.

Ўқувчиларда мустақил тафаккурни ривожлантиришга П.П.Блонский катта аҳамият берган: «ўқувчиларни инсоният эришган натижалари билангина танипгериб қолмай, ўтилган йўл билан, балки уларга бу йўлни қисқартирилган ҳолда, уларни қайтатдан бошдан

кечирган тарзда такрорлаш имконини бериш зарур. Акс ҳолда, бола ўқитувчи ўргатмоқчи бўлган билимларни тушунмайди. Генетик метод эса ўқувчига тайёр билимларни бермасликни талаб қиласди, ... унга фикримиз билан яратилган бизнинг дунёмизни мажбуран қабул қилдирмасдан, балки ўз фикри билан дунёни бевосита яққол хиссий жиҳатдан ишлаб чиқишига ёрдамлашишни тақозо этади» П.П.Блонский бу маънода ўқувчиларда танқидий тафаккур орқали барча нарсаларни шубҳа остига олиш кўникмасини шакллантириш муҳимлигини таъкидлаган [29].

Л.С.Виготский ўқувчиларнинг мустақил фикрлашига алоҳида эътибор берган, таълим билан тараққиёт ўртасида мураккаб ўзаро муносабат мавжудлигини таъкидлаган олимдир [56]. «Биз бола тараққиётида икки босқични аниқлашимиз зарур, бу босқичларни билмасдан бола тараққиётининг бориши ва унга таълим бериш имкониятлари ўртасидаги ҳар бир ҳолатда аниқ ечимни топа олмаймиз. Биз бу ерда бола психик функциялари тараққиётининг - эришилган даражасини назарда тутяпмиз». Бу аснода, контекстда бола тараққиётининг актуал зонаси назарда тутилмоқда. Л.С.Виготский - тараққиётининг яқин зонаси тупгунчасини ҳам киритади ва уни қуидаги таърифлайди: «ўзи мустақил еча олмайдиган масалаларни катталар ёрдамида, раҳбарлигида бажариш - бола тараққиётининг яқин зонасини ташкил қиласди. Бола бугун катталар ёрдамида бажарган ишини, эртага ўзи мустақил бажаради. Шундай қилиб, у таълимнинг муҳим хусусияти - бу атрофдагилар билан ўзаро муносабат, ҳамкорлик», деб ҳисоблаган.

С.Л.Рубинштейн ва А.В.Брушлинскийлар Виготскийни муайян даражада танқид қилдилар. Уларнинг таъкидлашича, Л.С.Виготский назариясида, тараққиётининг «актуал» даражаси ва «тараққиётининг яқин зонаси», яъни боланинг ниманидир мустақил бажариш кўникмаси ва унинг «ҳамкорликда бажариш» малакаси бир-бирига қарама-қаршидир. Демак, биринчи ҳолда иккинчиси умуман инкор этилади. Тафаккурнинг

ички қонуниятларини тушуниш учун бир-бирига зид бўлган икки йўл етарли эмас.

С.Л.Рубинштейннинг, назариясига кўра умумлаштириш ва ақлий ҳаракатларнинг кўчиш холати ўқувчиларнинг ақлий тараққиётини белгиловчи мезон сифатида ишлатилишини назарда тутади. У таълимда тафаккурнинг мантиқий шакллари (тушунча, ҳукмлар ва холосалар чиқаригфнинг таркиб топиши ва ривожланиши тўғрисида ҳам назарий, ҳам амалий хусусиятга эга бўлган фикрларни билдиради. Таълимда тафаккур операцияларининг аҳамияти муаммосининг ёритилиши муҳим аҳамият касб этади. Муаллиф таълимда умумлаштиришнинг уч хил тури мавжудлигини таъкидлайди: эмпирик, назарий ва дедуктив умумлаштиришлардир. С.Л. Рубинпггейн мулоҳазасига кўра, ушбу умумлаштиришлар ёрдамида иш тутилса, топшириқ ё аста-секин (эмпирик) ёки «бирданига» (назарий) ҳал қилиниши мумкин.

Рус психологлари илмий тадқиқотларини тўрт йўналишга ажратиш мумкин, чунки уларнинг ҳар бирида таълим ва тафаккур табиити муаллифларнинг дастлабки назарий ёндашувларига боғлиқлиги туфайли тафаккур мустақиллигига турлича аҳамият берилган.

Биринчи йўналишни Н.А.Менчинская раҳбарлигига амалга оширилган тадқиқотлар ташкил қиласи. Улар тафаккур фаолиятини уч томондан ўрганадилар: биринчидан, тафаккур фаолиятининг маҳсулотлари, яъни ўқувчилар эгаллайдиган билимлар, тушунчалар тадқиқ қилинади. Иккинчидан, ўқувчининг тафаккур жараёнлари, учинчидан, ўқувчида шаклланган ва билимларни эгаллаш жараёнига таъсир қиласидиган тафаккур фаолиятининг хусусиятлари кабилар. Ушбу муаммони ишлаб чиқишида ўқувчи шахсий фикрлаш жараёнларини бошқарувчи ва тартибга соловчи таълимнинг объектигина эмас, балки субъекти бўлиб ҳам кўзга ташланади. Муаллифлар воқелик билан боғлик ҳолда ўқувчиларда тафаккур фаолиятининг маҳсулдор усуллари ёки йўлларини шакллантириш муаммосига алоҳида эътибор бердилар.

Муаллифлар тафаккур билан амалий харакатларнинг ўзаро муносабатлари турли шаклларга эга эканлигига аҳамият қаратадилар: Н.А.Менчинскаяяning таъкидлашича, ижодий ва оқилона фикр юритиш малакасини шакллантиришнинг маҳсулдор усулини ўрганиш учун кенг йўл очилди. Маълумки, бу муаммони Д.Н.Богоявленский, Е.Н.Кабанова – Меллер, С.Ф.Жуйков ва бошқа муаллифлар тадқиқ этганлар.

Иккинчи йўналиш П.Я.Гальперин ва унинг шогирдларининг ақлий харакатларни босқичма-босқич шакллантириш назариясида ифодаланган. Бу гурух олимларининг фикрича, алоҳида олинган фикр психик ҳодиса сифатида «...ички ақлий режага ўтказилган, кейинчалик ички нутқقا айланган предметли ҳаракатдир»

П.Я. Гальпериннинг таъкидлашича, ҳаракатни дастлабки бажариш тафаккурнинг алоҳида актини ташкил қиласиди. Муаллиф ориентирлашнинг 3 хил асосга ажратади. I тип ориентировка ҳаракати ориентирлаш асосининг тўлиқ эмаслиги билан тавсифланади. II тип ориентировкада тўлиқ ориентирлаш асосида ҳаракатнинг тузилиши юзага келади. III тип - материалнинг асосий бирликлари ва уларнинг бирикв қонунларига ориентирлаш, асосан аниқ обьектлар учун ҳаракатнинг ориентирлаш асосини мустақил тузиш методлари аниқланади. Шундай қилиб, бу назарияга кўра, тафаккурнинг ҳақиқий мустақиллиги ориентирлаш асосининг ҳар 3 типида намоён бўлиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, ички режага ўтказилган ақлий ҳаракат тафаккур фаолиятининг сўнгти босқичи эмас, балки фикрни бошқаларга узатиш ва уни яна «ёйиш» учун зарур (акс ҳолда фикрни бошқалар тушунмайди). Фикрни ташки нутқقا айлантириш, уни обьективлаштириш - бу янги психологик муаммодир.

Л.А.Ростовецкаяяning, экспериментал тадқиқотларидан маълум бўлишича, «ўзи» учун фикр ва бошқалар учун фикр» бир-биридан тубдан фарқ қиласиди. Фикрни обьективлаштириш - уни субъективлаштиришга нисбатан муҳим ва мураккаб босқичдир.

Учинчи йўналиш Д.Б.Эльконин ва В.В.Давидовларнинг тадқиқотларида кузатилади. В.В. Давидов ўқув дастурларини тузишнинг анъанавий усулларини танқид қилиб, уларга киритилган таълим мазмуни ва методлари оқилона билимнинг маҳсулдор шаклларини эмас, эмпирик тафаккур асослари ва қоидаларини ўқувчиларига сингдириш мужассамланганлигини таъкиддайди. Буларга қарама-карши ғоя сифатида муаллиф «умумий мазмундан фикран хусусийликка» тамойили бўйича ўқувчиларда тафаккурнинг замонавий илмий-техникавий типини, яъни уларда назарий тафаккурни шакллантирувчи дастурларни тузишни зарур деб ҳисоблади.

Муаллифнинг мактаб таълимида назарий тафаккурнинг ролини оширишга интилиши юқори баҳога лойик.

Тўртинчи йўналиш - психологияда кенг тарқалган таълимот бўлиб, ижодиёт муаммоларини таҳлил қилишга қаратилгандир.

Хозирги даврда ижодий жараённинг психологик табиати ва қонуниятлари юзасидан жуда кўп баҳслар олиб борилмоқда.

Психология фанида бу муаммонинг ягона ечими топилганича йўқ, лекин изланишлар ишонч ҳиссини уйғотмоқда. Ижодиёт инсонлар учун муайян маҳсулот олишга, жамият тараққиёти учун фойдали моддий ва маънавий қадриятлар яратишга олиб келадиган фаолият сифатида талқин қилиш ғояси кенг тарқалган. Лекин психолог учун бундай таъриф етарли эмас, чунки бу аснода жараён эмас, балки фаолиятнинг натижаси - яратилган маҳсулотнинг янгилиги ва ўзига хослиги биринчи ўринда туради. Фаолият жараёнини психологик таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, натижалар янги бўлмаганда ҳам, ўзига хос бўлмаганда ҳам ижод унсурлари иштирок этади. Агарда ўқувчи унинг учун янги бўлган топшириқни мустақил ҳал қиласа, мавжуд билимларини қайта курса, ўзгартиrsa, дарсликлар ёки бошқа билиш манбаларини ўрганишда, обьект билан ўзаро таъсир ўтказишда янги билимларни мустақил равишда ўзлаштиrsa, бундай билиш фаолиятини ижодий деб аташ

мумкин. Жаҳон фанининг гносологик таълимотига кўра, ижод 2 хил бўлиши мумкин: а) ижод «бошқалар учун кашфиёт» сифатида, б) ижод «ўзи учун янгилик» сифатида. Биринчи ҳолатда натижа ижтимоий аҳамият касб этса, иккинчи ҳолатда эса - натижа бундай хусусиятга эга эмас.

Ижодий жараён - мураккаб психологик табиатга эга эканлиги туфайли, дастлаб ижод психологиясида санъат ва адабиёт соҳасида ишлайдиган кишиларнинг фаолияти ўрганилган (бадиий ижод), холос. Хозирги даврда тадқиқотчилар томонидан янги ғояларни ишлаб чиқилиши маҳсуласи йўсинда таърифланадиган илмий ижодиёт жараёнининг қонуниятлари, мезанизмлари, феноменологияси муваффақиятли ўрганилмоқда.

Я.А. Пономаревнинг тадқиқотлари интуиция (ички ҳис, ичдан ҳис қилиш) моҳиятини ёритишга имкон берувчи субъектив шароитларни аниқлашга ёрдам беради. Муаллиф субъектив шароитлар қаторига муаммонинг мавжудлигини, вазифани ҳал қилишга мос бўлмаган усусларни тугатиш, муаммога қизиқиши сақлаган ҳолда ечим учун мавжуд усуслар яроқсизлигига ишониш, ижоднинг биринчи босқичларида муаммонинг қисқартирилиши ва схемалаштирилиши кабиларни киритади.

Шундай қилиб, Я.А. Пономарев тадқиқотларининг аҳамияти шундан иборатки, у ичдан ҳис қилиш (интуиция) механизмини экспериментал ўрганиш зарурлигини ва мумкинлигини кўрсатди. Интуиция қонуниятларини билишга асосланган ҳолда, ўқитувчи таълим жараёнида фараз вужудга келтириши, илҳомланиши, ижодий вазиятлар ва психологик ҳолатлар яратиши мумкин.

А.Н. Лукнинг таъкидлашича, «ижодий қобилиятга эга бўлиш» ва ижодий фикрлаш бир хил нарса эмас, чунки унда ўз қобилиятларидан фойдаланиш, уларни амалга ошириш истаги ҳам мавжуд бўлиши зарур. Ижодий имкониятлар жамоада ижодга «муҳит мавжудлигига, янги ғоялар

қанчалик юқори баҳоланишига, анъанавий ва урф бўлган тасавурлар чегарасидан четга чиқа олишга боғлиқдир. Мактабда ижодий муҳит фақатгина қизиқувчанликни шакллантириш, янгича фикрлаш, бир хил бўлмаган ечимларни топиш билангина яратилмайди. Янги ва ўзига хос нарсани идрок қилишга тайёргарликни, бошқа одамларнинг ижодий ютуқларидан фойдаланишини, амалиётга татбиқ этишга интилишни тақозо этади.

Турли ёшдаги ўқувчиларда мустақил ижодий тафаккурни шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг асосий воситаларидан бири - бу муаммоли вазиятларни яратиш жараёнидир. Фанда муаммоли таълимнинг назарияси ва амалиёти яратилган, Жумладан, В. Оконь, А.М. Матюшкин, И.Я. Лернер, М.И.Махмутов ва бошқаларнинг муҳим татдқиқотлари муаммоли таълимга бағишлилангандир.

А.М.Матюшкин муаммоли деганда, нгундай вазиятни назарда тутадики, бунда субъектда янгиликни очиш объектнинг номаълум хусусиятларини, қонуниятларини кашф этиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Субъект билан объект психологик ўзаро таъсир ўтказиш типини акс эттиради. Муаммоли вазиятда номаълум ҳолат иккита кўрсаткичи билан тавсифлайди: 1) нисбий янгилик даражаси; 2) умумлаштиришнинг нисбий кўрсаткичи.

Муаммоли вазиятни инсон субъектив равища «қийинчилик», «тўсиқ» воқелик сифатида ўз бошидан кечиради.

А.М. Матюшкин муаммоли вазиятни 4 хил моделга ажратади:

1. Хулқ-атвор модели-субъект билан унинг кўзланган мақсади ўртасидаги тўсиқ мавжудлиги туфайли у ўз олдига қўйган мақсадига бевосита эриша олмаган шароитда вужудга келадиган тафаккурдан иборатдир. Буларга мос тарзда муаммони ҳал қилиш тўсиқни енгиш ёки кўзланган мақсадга эришишда айланма йўлни топишда мужассамлашади. Бу хилдаги муаммоли вазиятларда тўсиқни енгишга имкон берадиган ақлий ҳаракат усуллари топилиши мақсадга мувофиқдир.

2. «Тушунишни талаб қиласынан вазиятлар»да инсон зарур түзилмани аниқлашга ёрдам берадиган баъзи муносабатларни топиши лозим. Бундай вазиятларда инсон шахсий ҳаракат тамойилини мужассамлаштирувчи қонунни, муносабатни, хусусиятни топиши жоиз. Ҳаракатнинг янги тамойилини топиш эса фикрлаш предмети «тузилишини» ташкил қиласы.

3. Муаммоли вазиятнинг эҳтимолли модели - қўйилган топширикни ҳал қилиш учун қулай ҳаракатни танлашни амалга оширувчи тафаккурни эҳтимолий жараён сифатида тушунишдан иборатdir. Муаммоли вазиятларнинг таҳлил қилинаётган типи «ҳа - йўқ» тамойилига асосланиб қарор қабул қилишнинг барча вазиятларида муайян аҳамият касб этади. Тафаккур жараёнининг зарурлигини белгилайдиган тўсиқ сифатида ақлий ҳаракатларнинг мавжудлигини ифодаловчи бир-бирига қарама-қарши усуллар намоён бўлади.

4. Муаммоли вазиятларнинг информацион моделида эса тафаккурнинг асосий акти - инсон томонидан янги маълумотларни, билимларни ва ҳаракатларни эгаллаш ҳамда уларни қайта ўзгартириш жараёнлари гавдаланади. Бу моделдан фойдаланиш натижасида В.А.Крутецкий [110] маълумотлари етишмайдиган ёки маълумотлари ортиқча масахаларни муаммоли топшириқлар сифатида ажратади.

В.П.Паламарчукнинг таъкидлашича, муаммоли таълимни амалиётга татбиқ қилишдан олдин ўқитувчи ўқувчига тўғри фикрлашни, яъни мустақил фикрлаш мазмуни ва шаклини тушунтириши зарур. Муаллифнинг фикрича, таълим жараёнида ўқувчиларни фикрлашга ўргатиш - бу уларнинг табиий хусусиятларини ҳисобга олиш, улар тараққиётининг методологик ва психологик асосларига таяниш, ўқишининг операционал ва мотивацион жиҳатларини бир даврда ҳисобга олган ҳолда ўқув фанлари мазмунини ўзлаштириши таъминлашдан иборатdir. В.П.Паламарчук ўқувчиларда умумилмий фикрлаш кўникмалари ва малакаларини ривожлантиришнинг дастурини ишлаб

чиқади. Дастур қуидаги асосий күникмалар ва малакаларни секин-аста мақсадга йўналтирган ҳолда ривожлантиришни ўз ичига олади:

1. Таҳлил қилиш (анализ) ва муҳим белгисини ажратиш.
2. Таққослаш.
3. Умумлаштириш ва системалаштириш.
4. Тушунчаларга таъриф бериш ва тушунтириш.
5. Конкретлаштириш.
6. Исботлаш ва инкор этиш.
7. Муаммоли таълимда зарурый күникмалар.

А.И.Липкина ва Л.А.Рибак ақлнинг танқидийлигини фақатгина ақлий фаолият доирасида эмас, балки шахс хислати сифатида ҳам ўрганадилар. Улар ақлнинг бу хислатини ўқувчиларнинг установкалари ва эътиқодлари билан боғлайдилар ва уни шахснинг ўзини-ўзи англаши доирасида таҳлил қиласидилар. «Субъектнинг ўзига йўналтирилган танқидийлигини одатда у ёки бу шаклда ўзини-ўзи баҳолашни ўз ичига оладиган ўзини-ўзи танқид қилиш сифатида тавсифлаш мумкин».

Таълим жараёнида кичик мактаб ўқувчиларида ақлнинг танқидийлигини шакллантириш муаммосини ўрганишга Н.А.Менчинская раҳбарлигида бажарилган В.М.Синельниковнинг тадқиқоти бағишлиланган. Тадқиқотнинг асосий мақсади - ўзгаларнинг фикри орқали ўзини-ўзи танқид қилишни ривожлантиришдан иборатdir. Ўзини-ўзи танқид қилиш шахснинг барқарор хислати сифатида ўқувчининг олдинги тажрибасида юзага келган психологик хусусиятлари билан кўп жиҳатдан боғлиқdir.

Юқорида таҳлил этилган тадқиқотларнинг муаллифлари кичик мактаб ўқувчиларида танқидийликнинг ривожланиш хусусиятларини ўрганганлар. Шундай қилиб, ўқувчилар фикрлаш фаолиятининг турли томонларини ўрганишга бағишлиланган тадқиқотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, Россия психологияси фанида мустақил фикрлаш усулларини ривожлантириш йўллари, ўқувчиларни фаоллаштириш ва муаммоли

вазиятларни яратиш ҳақида қўплаб қимматли материаллар тўпланган.

Уқувчиларни ўқитиш ва ақлий тараққиёти муаммосига турлича ёндашганларига қарамай, барча психологлар тафаккур мустақиллиги ва фаоллиги субъект билан обьектнинг мураккаб ўзаро таъсири жараёнида шаклланади, мустақил, ижодий тафаккурнинг ривожланиши субъект томонидан янги, илгари унга номаълум бўлган ҳаракат усули тамойили, муносабати, қонунияти ва бошқаларни кашф қилиш жараёнида рўй беради, деб ҳисоблайдилар. Психологларнинг тадқиқотларида ижодий масалаларни ҳал қилиш жараёнида янги психик тузилмаларнинг мураккаб механизмларини аниқлаш йўллари белгилаб берилди ҳамда бу мураккаб жараёнда ижобий мотивларнинг аҳамияти кўрсатиб ўтилди.

Психологларнинг кейинги йиллардаги тадқиқотларида инсон ва унинг ҳар бир психик жараёнларининг ижтимоийлигига эътибор берилди. Жумладан, А.А.Реан, Я.Л.Коломинскийнинг таъкидлашича: «Ҳар бир инсоннинг, индивиднинг психикасини ўрганадиган психология ҳам ижтимоий фандир, чунки ҳар бир инсон ўз тарихий келиб чиқишига кўра ижтимоийдир. У тутилиши биланоқ ижтимоий муҳитга тушади: яқинлари, кўпроқ онасининг ғамхўрликларига кўра, у ўз ҳаётини сақлаб қолади ва тараққиёт учун имконият туғилади» «Ижтимоий ёш психология педагогик ҳаракатлар таъсиридаги асосий ижтимоий-психологик ҳодисаларнинг ривожланиши ва ўзгаришини ўрганадиган педагогик-психология билан чамбарчас боғлих. Бу ҳаракатларнинг ўзи педагогик мулоқотнинг маҳсус мақсадга йўналтирилган тури сифатида қаралади. Ижтимоий, ёш ва педагогик психологиянинг бирлиги шу билан таъминланадики, ижтимоий психологик ҳодисалар маълум педагогик ҳаракатлар таъсирида шаклланади ва ривожланади» .

А.В.Петровский, М.Г.Ярошевский тафаккур мустақиллигига куйидагича таъриф берадилар: «Тафаккур мустақиллиги янги саволни, янги муаммони кўра ва қўя билишда, кейинчалик уларни ўз кучи билан еча билишда намоён бўлади. Тафаккурнинг ижодий хусусияти худди

пгундай мустақиллик тарзда ифодаланади».

М.И.Харшиладзе шахсларо муносабатнинг ҳамкорликдаги ақлий фаолият маҳсулдорлигига таъсирини ўрганган. Унинг тадқиқотларининг кўрсатишича, бир-бирига қарама-қарши шахслардан тузилган салбий гурухда, дўстона ва нейтрал гурух аъзоларига нисбатан маҳсулдорлик юқори бўлган. Бундай хусусиятли салбий гуруҳлардаги ижтимоий установка гурух аъзоларини бошқалар томонидан айтилган фикрга танқидий муносабатда бўлишга чорлайди. Унчалик қийин бўлмаган топшириқни бажаришда гуруҳ аъзоларининг ижобий ижтимоий установкаси уни гурухий бажариш сифатини пасайтиради. Буни муаллиф пгу билан тушунтирадики, ижобий ижтимоий установка билан боғлиқ ижобий шахсларо муносабатда гурухда дўстона муносабатларни кўллаб қувватлаш эҳтиёжи устунлиги туфайли гуруҳ аъзолари томонидан таклиф этилган вариантларга эътиroz билдирилмайди.

Ўзбекистонда ўтказилган қатор изланишларда ҳам мустақил тафаккур муаммосига асосан педагогик психология нуқтаи назаридан ёндашув мавжуд.

М.Г.Давлетшин ўқувчиларда мустақил тафаккур ривожланишига катта эътибор беради. Унинг ёзишича, «Ҳозирги мактабнинг асосий вазифаси таълим методларини, ўқувчиларнинг фикрлашини тараққий эттириш методларини такомиллаштириш- дир. Мактабнинг вазифалари хақида гап борганда кишининг ҳозирги фанни, ҳозирги ижтимоий-сиёсий муносабатларни тушуниб олишга анча мос тушадиган тафаккур савиялари хақида тўхталиб ўтиш мумкин. Бу талабларга тафаккурнинг илмий- назарий (диалектик) савияси жавоб беради».

К.Турғунов Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лутатида (1975) тафаккур мустақиллигини назарий ва амалий масалаларни ўзгаларининг ёрдамисиз ҳал қилиттдан иборат ақл сифати деб таърифлайди. Худди нгу фикрларга кейинроқ Э.Гозиев ҳам

кўшилади.

Э.Ғ.Ғозиев Ўзбекистонда тафаккур психология- сини кенг ёритган олимлардан биридир. Муаллифнинг фикрига кўра, инсон тафаккури ўзининг мустақиллиги жиҳатидан мустақил ва номустақил тафаккурга ажратилиди. «Тафаккурниң мустақиллиги деганда, кишининг шахсий ташаббуси билан ўз олдига конкрет мақсад, янги вазифалар қўя билиши, улар юзасидан амалий ва илмий характердаги фараз қилиши, натижани кўз олдига келтира олиши, қўйилган вазифани ҳеч кимниңг кўмагисиз, қўрсатмасисиз ўзининг ақлий изланиши туфайли турли йўл, усул ва воситалар топиб, мустақил равишда ҳал қилишдан иборат ақлий қобилиятни тушуниш керак».

Тафаккурниң мустақиллиги ақлнинг серташаббуслиги, пишиқлиги ва танқидийлигига намоён бўлади. Ақлнинг серташаббуслиги деганда инсоннинг ўз олдига янги муаммо, аниқ мақсад ва конкрет вазифалар қўйишини, ана пгуларнинг барчасини амалга оширишда, ниҳоясига етказишида, ечимини қидиришида усул ва воситаларни шахсан ўзи излаши, ақлий зўр бериб интилиши, уларга тааллуқли қўшимча белги ва алломатларни киритишидан иборат босқичларнинг намоён бўлишини назарда тутамиз. Ақлнинг пишиқлиги вазифаларни тез ечишда, ечиш пайтида янги усул ва воситаларни тез излаб топишида, уларни саралашда, ана пгу усуллар ва воситаларни ўз ўрнида аниқ кўллашда трафаретга айланган усул, эски йўл ва усуллардан фориғ бўлишида ва бошқа жараёнларда ифодаланади.

Ўзининг ва ўзгаларнинг мулоҳазаларини чин ёки чин эмаслигини текшира билишида ва намоён бўлган мулоҳазаларга, муҳокамаларга, муаммоли вазиятга баҳо бера билишида ақлнинг танқидийлиги объектив ва субъектив равишида ифодаланиши мумкин. Мазкур сифат - инсонни баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолаш каби тафаккурниң индивидуал хусусияти билан боғлиқ равишида намоён бўлади. Агар танқидийлик оқилона муҳим

белгиларга, муаммо моҳиятини тўғри очилишига асосланиб амалга ошса, бундай танқидийлик объектив танқидийлик деб аталади. Мабодо тафаккурнинг танқидийлиги субъектив хатоларга, умуман субъективизмга оғиб кетса, бундай ҳолда субъектив танқидийлик дейилади. Субъектив танқидийлик салбий оқибатларга олиб келади, шунингдек, инсонлар ўртасида «англашилмовчилик ғови»ни вужудга келтиради, икки шахс ўртасида кутилмаганда зиддиятлар пайдо бўлади.

Мақсад, муаммо ва вазифалар ўзга шахс томонидан қўйилиб, тайёр усул ва воситаларга таянган ҳолда ўзга кишиларнинг бевосита ёрдами билан амалга оширилиши жараёнида бир оз иштирок этган тафаккур номустақил тафаккур деб аталади. Номустақил тафаккурли кишилар тайёр маҳсулотлар қулига айланадилар.

В.М.Каримова, Р.И.Суннатова, Р.Н.Тожибоевалар [93] биз кўтарган муаммони фикрни тарбиялаш, мантикийлик, ижодий тафаккур ва мустақил фикрни ифодалаш муаммоларини уйғунлаштирган ҳолда ёритиб бердилар. Бирор нарса ёки рўй берган, бераётган воқеа ёки ҳодиса хусусида миямизда пайдо бўлаётган туйғуларимиз - фикрдир. Фикрларни тартибга солиш, уларни ўз ўрнида ишлатиш ва бошқариб туришга жавобгар бўлган жараённи психологлар фикрлаш ёки тафаккур деб атайдилар. Инсон ҳаётини фикрсиз, фикрлашсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Муаллифлар фикрнинг ижтимоий моҳиятини очиб берадилар: «фикрлашни жамиятга боғлиқ ҳодисадир, дейиш мумкин». Тасаввур қилинг: Сизда бирор муаммо ёки масала юзасидан фикр мавжуд, яъни мустақил фикрингиз бор. Бу фикр сизга жуда маъқул ва уни сиз мантиқан асосланган, деб ҳисоблайсиз. Агар шундай ишонч, хаттоки, эътиқод бўлса, сиз албатта, кимлар биландир уни ўртоқлашиш эҳтиёжини сезаётганлигинизни англайсиз. Агар унинг «пишиб етилганига» бироз бўлса ҳам иккилансангиз, бу фикрни бирорга айтмай қўя қолиш ёки жуда яқин кишингиз билан ўртоқлашишга интиласиз. Демак, пайдо бўлган

янги фикр одамни бошқалар билан мулоқотда бўлишга, улар билан ўртоқлашишга ундейди. Айни шу жиҳати фикрлашнинг ижтимоийлигидан дарак беради. Муаллифлар ёшларга мустақил фикрлашни ўргатиш бўйича турли машқлар тўпламини ишлаб чиқсанлар. Бундан ташқари, улар мустақил фикрлаш сифатларини ҳам ажратиб кўрсатдилар:

1. Элементар тафаккур жараёнларининг шаклланганлиги - яъни таҳлил қилиш, синтез, таққослаш, муҳим жиҳатини ажратиш;
2. Тафаккурнинг фаоллиги, унинг эркинлиги, яъни ностандарт ғояларнинг тутилиши жараёнидаги эркинлик ва бир ғоядан иккинчисига ўтишдаги эгилувчанлик;
3. Тафаккурнинг ташкилланганлиги ва мақсадга йўналганлиги, бошқача қилиб айтганда, ҳар бир инсон томонидан ўзини тафаккур қилиш ёки фикрлаш жараёнларига хослигини англаш ва уни назорат қилиш.

В. Каримова ўзининг қатор мақола ва рисолаларида шахснинг жамиятдаги мавқеи ва ундаги юксак инсоний фазилатларининг фикрлаш жараёнидаги мустақил мавқеига боғлиқлиги муаммосига жамоатчилик дикқат-эътиборини қаратиб, «Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури» талабларини бажариш жараёнидаги таълим ислоҳотларида, энг аввало, ўқувчилар ва талабаларнинг мустақил фикрлашлари учун шартшароитлар яратиш ва бунда энг аввало, ўқув фаолияти кечадиган ижтимоий психологик муҳитнинг етакчи ролини таъкидлайди. Бошқа томондан, «ўзини англаган, билган, ҳаётда ўз ўрнини топа олган одамнингина миясига фикр келади, тафаккур қиласи ва қолаверса, у бу фикрларини ўзгаларга изҳор қилиб, етказиши ҳам мумкин бўлади» (ўша манба). «Қандай фикрлаш» муаммосига дикқатни қаратган муаллиф, аслида фикрлашни илк ёшлиқдан шакллантириш лозимлигини таъкидлайди ва унинг мезонларига эътибор беради. «Агар болада

ёшлиқданоқ, ҳар бир нарса ва ҳодисанинг ўзига хос томонларини кўра олиш, ижодий ёндашув бўлса, демак, унинг тафаккури ижодий, эгилувчан, мослашувчан бўлиб, айнан игуларда мустақил тарзда мулоҳаза юритиши кузатилади. Ижодкорлар тунд ва консерватив фикрлилардан фарқли, яна турли зиддиятлар, онгга ўрнашиб қолган эскича қарашларни инкор қилиш, керак бўлса, ундайлар билан талашиб-тортишишга мойил бўладилар». Демак, тарбияланган ва мустақил фикр учун В. Каримованинг фикрича, «муҳит керак, бу муҳит, албатта болага бевосита таъсир кўрсатади». Тобеликни чегараловчи ижтимоий психологик муҳитни аудиторияда шаклантириш учун ўқитувчи мунозара методларидан кенг фойдаланса бўлади. «Эркин фикр алмашишнинг бўлиши муҳокама қилинаётган муаммо бўйича гурух аъзоларининг фикрлашлари жараённи тезлаштиради ва уларнинг фаол позицияда бўлишларини тақозо этади. Мунозарага киришувчиларнинг фазовий ва психологик ҳолатлари бир- бирлариникига яқин бўлса, шахсда сўзлаш, ўз фикрини мустақил баён этиш эҳтиёжи пайдо бўлади».

Шундай қилиб, эркин, холисона, соғлом, оқилона фикр алмашинуви шароити ва муҳитининг яратилиши ўсмир ва ўспириналарда лўнда, равон, мантиқий тилда сўзлаш малакасини ўстиради. Муҳит хусусидаги яна бир фикр гпуки, шахс ҳар қандай шароитда, ҳамманинг олдида ҳам эркин гапиравермайди. Айниқса, Шарқ психологияси ва одоб нормалари пгундайки, кичкина ёшдаги каттанинг, бола ўз ота-онасининг, ўқувчи ўқитувчининг олдида ҳар қандай фикрни мулоҳазага қўявермайди, чунки бу воқелик шарқ хулқ-одобига зид, деб баҳоланади. Шунинг учун ҳам шундай шахслараро муносабат муҳитини яратиш керакки, одамдаги учалик даражада аҳамиятли бўлмаган фикрни ёки ғояни ҳам қўллаб-қувватловчи «ўзгалар»нинг мавжуд эканлигига эришиш керак. Чунки ҳар қандай одам ўз фикрининг тўғрилигига ва асосли эканлигига ишонч ҳосил бўлсагина, у фикрини эркин баён эта олади. «Демак, - деб

таъкидлайди В. Каримова, - тарбияловчининг маънавий қараши, фикр алмашиниш жараёни сухбатга нисбатан ижобий установкалар мустақил фикрлашнинг энг мақбул шароити ҳисобланади».

Э.3. Усманова тафаккурнинг энг муҳим тавсифи - бу тафаккур билан нутқнинг энг яқин ўзаро боғлиқлигидир, деб кўрсатиб ўтади. Муаллифнинг фикрича, у ёки бу фикр қанчалик ўйланган бўлса, у сўзлар орқали, оғзаки ва ёзма нутқда шунчалик аниқ ва мантиқий ифодаланади. Аксинча, қандайdir бир фикрнинг сўзлар ёрдамида шаклланиши қанчалик такомиллаштирилган бўлса, шу фикрнинг ўзи шунчалик аниқлашади ва англанилиб борилади. Агар биз ўқувчилар тафаккурини ривожлантиришни хоҳласак - унда улар нутқини ўстиришимиз, уларнинг ўз нуқтай назарини ҳимоя қилишга ўргатишимиз, ҳатто асослаб бера олишликка, бошқача қарашларни эшита билишга, унда ўзининг «ўринли ҳиссасини қўшишга, ўринли танқид қила билишга, мунозараларга ўргатишимиз керак».

Р.И.Суннатова фикрлаш фаолиятининг индивидуал - типологик хусусиятларини ўрганиб, бу хусусиятлар қаторига мустақил ёки мустақил эмаслик, ўзини-ўзи баҳолашда конструктивлик - деструктивлик, фикрлаш фаолиятида қарор қабул қилиш бўйича шахслараро таъсир ўтказиш ҳолатларида конфликтлик - конформлик қабилар киришини таъкидлаган.

Шундай қилиб, мамлакатимиз психологлари ҳам тафаккур жараёни бўйича олиб бораётган изланишларида, энг аввало, фикрлашнинг англанганлик ва ижтимоийлик тамойилларга купроқ эътибор қаратган ҳолда мустақил, эркин фикрлай олиш қобилияти ижтимоий муносабатларга боғлиқлигига эътибор бермоқдалар ва бу хулоса диққатга сазовордир.

Ижтимоий фаолиятда мавжудлиги каби мустақил фикрлашга алоқадор бўлган билиш фаоличтида ҳам операцион-техник томон ижтимоий хулқ томони билан қўшилиб кетади, яъни субъект-объект

муносабати (субъектнинг объект билан ўзаро ҳаракати) «субъект-субъект» муносабатига айланади ва бу катта амалий аҳамият касб этади. Шахснинг билув фаолиятини ўрганишда мураккаб ўзаро муносабатнинг бу икки тури аниқланибгина қолмасдан, балки унинг тадқиқот усулини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ. Ягона фаолиятнинг бу икки томонини бир-биридан ажратган ҳолда ўрганиш билиш фаолиятининг такомиллашуви, тараққиёти, қонуниятлари ҳакида ҳаққоний маълумотлар олишга имкон бермайди. Бир томондан, шахснинг билиш фаолиятини предметнинг ўзи билангина ўрганиш хато, бошқа томондан, муомала механизмини билиш омилидан ажратиб ўрганиш ундан ҳам қийин. Билиш фаолиятининг гностик (билиш) ва мулоқот жиҳатлари ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлиги учун ягона фаолиятнинг бу икки жабҳасидан биргалиқда фойдаланиш зарур. Ана шундай диалектик ривожланиш фикрга ҳам тааллукли бўлиб, мустақил фикрлашнинг сифати, самараси ва даражаси бевосита фикрловчини ўраб турган ижтимоий борлиқ ва ундаги муомала мароми, услубига боғлиқ.

Фикрнинг шаклланиши жамият ва табиатда идрок этилаётган воқеа ва ҳодисаларни баҳолаш «кўр-кўрона» унга ишониш ёки ақл- идрок билан англашнинг нисбатидан келиб чиқади. Фикрнинг ва эътиқоднинг ривожланиши билиш жараёнида муҳим омил ҳисобланади, чунки ўқувчидаги фикрнинг пайдо бўлиши чуқурроқ билимга эҳтиёжни ҳосил қиласди, бу эса ўз навбатида шахснинг жисмоний ва ақлий кучларини фаоллаштиради, мотивлар, ирода ва ақлий ҳаракатларнинг бирлигини таъминлайди, яъни шахс мустақил равишда ўзини-ўзи бошқаришга ундовчи ва бажарувчи омиллари бирлигини кафолатлади.

Тафаккур мустақиллигини ривожлантиришда ўқув фаолиятининг гурухий шаклларига катта аҳамият берилади, лекин бунда шахснинг индивидуал фаолияти, фикр ва ҳаракатларнинг бетакрорлигининг роли ҳам пасайтирилмайди. Яъни, одам ўзи ёлғиз бўлганидан кўра, одамлар

орасида, гурухий баҳсларда ўзида мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириши мумкин.

Ўсмирлик ёшининг муҳим хусусияти шундаки, бу даврда фаол, мустақил ижодий тафаккурнинг таркиб топиши бошланади. Ўсмирлик ёши ана шундай тафаккурнинг шаклланиши учун сензитив даврdir. Ўқувчилар олдида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммо, масала юзага келган вазиятдагина уларда мустақил фикрлаш ўса бошлайди. Шунинг учун ўқитувчи ўсмирлар билан олиб борадиган машғулотларини мураккаблиги турлича бўлган муаммоларни мустақил равишда ҳал қилишга қизиқиши ўйғотадиган тарзда уюстириши лозим.

Бу даврда айниқса, ўсмирлар учун ўртоқлари билан дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда бўладиган мулоқот муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам устозлар, мураббийлар, ота-оналар айни нгу даврда уларнинг кимлар билан, нима хусусида баҳс юритишларига эътибор беришлари ҳамда бу ишларни эса бошқаришлари жоиз идрок билан англашнинг нисбатидан келиб чиқади. Фикрнинг ва эътиқоднинг ривожланиши билиш жараёнида муҳим омил ҳисобланади, чунки ўқувчидаги фикрнинг пайдо бўлиши чуқурроқ билимга эҳтиёжни ҳосил қиласди, бу эса ўз навбатида шахснинг жисмоний ва ақлий кучларини фаоллаштиради, мотивлар, ирода ва ақлий ҳаракатларнинг бирлигини таъминлайди, яъни шахс мустақил равишда ўзини-ўзи бошқаришга ундовчи ва бажарувчи омиллари бирлигини кафолатлади.

Тафакур мустақиллигини ривожлантиришда ўқув фаолиятининг гурухий шаклларига катта аҳамият берилади, лекин бунда шахснинг индивидуал фаолияти, фикр ва ҳаракатларининг бетакрорлигининг роли ҳам пасайтирилмайди. Яъни, одам ўзи ёлғиз бўлганидан кўра, одамлар орасида, гурухий баҳсларда ўзида мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириши мумкин.

Ўсмирлик ёшининг муҳим хусусияти игундаки, бу даврда фаол,

мустақил ижодий тафаккурнинг таркиб топиши бошланади. Ўсмирлик ёши ана шундай тафаккурнинг шаклланиши учун сензитив даврdir. Ўқувчилар олдида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммо, масала юзага келган вазиятдагина уларда мустақил фикрлаш ўса бошлайди. Шунинг учун ўқитувчи ўсмирлар билан олиб борадиган машғулотларини мураккаблиги турлича бўлган муаммоларни мустақил равишда ҳал қилишга қизиқиш уйғотадиган тарзда уюштириши лозим.

Бу даврда айниқса, ўсмирлар учун ўртоқлари билан дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда бўладиган мулоқот муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам устозлар, мураббийлар, ота-оналар айни нгу даврда уларнинг кимлар билан, нима хусусида баҳс юритишлирига эътибор беришлари ҳамда бу ишларни эса бошқаришлари жоиз.

Ваҳолангки, ҳозирги даррда мактабларда асосий эътибор хотирани ривожлантиришга, шу орқали айrim олинган фанларда кўтарилиган мавзулар бўйича айrim алоҳида тушунчаларни эсда олиб қолиб айтиб беришга қаратилган. Афсуски, бевосита фикрни ривожлантириш, унинг ностандарт, эгилувчан сифатларини ўстиришга кам эътибор берилгани туфайли, ҳар бир синф, академик гурухнинг оз миқдордаги аъзолари мустақил фикрлаган ҳолда ўз фикрларини бемалол ўзгаларга узата оладилар.

Зеро, тафаккур мустақиллиги - бу шахснинг жамиятдаги мавқеи ва ижтимоий борлиқ моҳияти юзасидан ўзлаштирадиган билимлари, муомала жараёнида юзага келадиган ҳукмларининг шахсий фикр ва эътиқод даражасида идрок этилишидир.

Мустақил фикр ривожланганлигининг мезонлари қуйидагилар:

1. Ўзининг ва «ўзгаларнинг» фикрини танқидий баҳолашда шахснинг тажрибаси, ўзга шахснинг фикрини тушуниш қобилияти, унинг фикридаги мантиқни пайқаш, рақибнинг фикрларини ўз фикрлари билан таққослай олиш, муайян хulosага келиш.

2. Шахснинг ўзгалар билдираётган фикрнинг мазмун-моҳияти билан ташқи (маъқуллаш, сўзга қўшилиш) ва ички (ҳақиқатан ҳам руҳан тўла қўшилиши) келишуви.

3. Бахслашувчиларнинг ўзаро мулоқот жараёнида фикрий қарама-қаршиликларни «хис қила олиш» ва унга муносиб жавоб беришга тайёрлик.

4. Тафаккур жараёнида назарий ва амалий умумлаштиришнинг нисбий маромига эришиш

5. Диққат тўпланишида намоён бўладиган ақлий функцияларнинг ихтиёрий бошқарилиши.

6. Ақлий ташаббускорликнинг ривожланиш даражаси.

Юқорида таъкидланган мезонлар асосида фикрлашнинг оригиналлиги таркиби маҳсус психологик тадқиқотларда (З.Нишонова, 2001, 2002) ўрганилди ва айрим хуросаларга келинди. Хусусан, гуруҳнинг юлдузлари-лидерлари, пешқадамларининг мустақил ижодий фикрлаш қобилияtlари бошқалардан фарқли ўлароқ юқори бўлиши исботланди. Чунки синфнинг аълочиси, пешқадами, ижтимоий психологик мавқеи юқори ўқувчиларининг ўзига ишончи ва билимдонлиги шахсий фикр-муносабатларини эркинроқ баён этишга имкон яратади. Мустақил, ижодий фикр ва шахснинг гуруҳда тан оличиши орасидаги боғланиш ҳам ўрганилган. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, мустақил, ижодий фикри юқори шахслар бу гуруҳнинг тан олинган аъзолари ҳисобланади. Агар шахс ўзининг гурух аъзолари томонидан ижобий қабул қилинаётганлигини сезса, унда шундай ички руҳий куч қудрат пайдо бўладики, «бу куч» унда мустақил, ижодий фикрни баён этишнинг устувор мотивига айланади.

Агарда ўқитувчиларда ижодий тафаккур ривожланган бўлсагина, у ўқувчиларда ҳам ижодий фикрни шакллантира олади, чунки ҳар бир ўқитувчи ўз услуги билан ўзига мансуб тоифадагиларни шакллантиради.

Мустақил фикрлаш билан креатив, ностандарт тафаккур оригиналлиги ўртасида тўғри пропорционал боғланиш мавжуд бўлиб, ўспиринларда креатив тафаккур оригиналлиги қай тарзда шакллантирилса, уларда мустақил фикрлаш ҳам шунчалик ривожланади.

Ўқувчи ва талаба ёшларда мустақил фикр юритиш малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш учун ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасида муносабатлар ўзгариши, билим оловчи эса таълим жараёнининг фаол субъектига айлантирилиши лозим. Буни татбиқ этишнинг психологик шартлари, омиллари ва мезонлари мавжуд булиб, уларга:

таълим берувчи катталар ўқувчини қандай бўлса, шундайлигича иқтидорли, лаёқатли деб тасаввур қилишга, тан олишга ўрганмоқлари керак;

- мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда дифференциал ёндашувни амалга ошириш зарур, керак бўлса, таълим оловчининг лаёқати, қобилияти, йўналишини ҳисобга олган ҳолда билим, кўникма ва малакаларига биноан талаблар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ;

- янги таълим масканларида янги ўқув технологияси жорий этилиши мақсадга мувофиқ, бунда ўқувчиларга хурмат, уларнинг фикри ва юксалишига эътибор билан қараш зарур;

- гурух фаолиятини мазмунли ташкил этиш, яъни мунозара, диалог, ўйин, тренинг методларидан кенг ва ўринли фойдаланиш ўқувчиларга кўпроқ фикрларни вужудга келтириш учун шароитни яратиш лозим.

Тадқиқотларда мустақил фикрлаш ва шахснинг ўзини-ўзи баҳолаш ўртасидаги боғланиш ҳам тадқиқ этилди. Маълум бўлишича, гурухнинг тан олинган аъзолари ўзларини-ўзлари юкори баҳолайдилар, лекин уларда мустақил ижодий фикр кўрсаткичи ҳам юқоридир. Гурухдан ажралиб қолган аъзолар эса ўзларини- ўзлари гурухий баҳолашга

қараганда юқори баҳолайдилар, бинобарин, уларда мустақил, ижодий фикрлаш ҳам қуи ривожланишга эга.

Демак, шахснинг жамиятдаги ўрни ва салоҳияти, обўси ва манфаатдорлиги, ўзгаларга таъсир кўрсата олиши ундаги мустақил фикрлай олиш қобилияти билан бевосита боғлик.

Демак, шуни алоҳида таъкиддаш жоизки, биз ўз маданиятимизнинг бизни ўраб турган ижтимоий борлиқнинг ҳосиласи эканмиз, объектив, субъектив вазиятларга боғлиқмиз ва бошқаларнинг шахслараро муносабатларида бизга кўрсатаётган таъсирлари комида бўламиз. Ўсмир ва ўспириналарнинг ёки диний ақидапарастларнинг ўзларини тўла англамаган ҳолда турли хил бемаъни чақириқларига қўшилиб кетишини, терроризмнинг манфур ҳаракатларини, жиноятга етакловчи воқаеларни биз айнан вазиятнинг ҳукмида амалга ошганлигини биламиз, худди шу боис асосий вазифа - шахсни шундай шакллантириш керакки, у вазиятдан ҳам кўра, ўзининг дунёқараши, эътиқоди, шахсий қарашини у ёки бу фрустрацион ҳолатларга ёки низоли вазиятларга қарши қўя олиш имкониятига эга бўлсин.

Бизнингча, тафаккур мустақиллиги - бу шахснинг билимларни ўзлаштириш жараёнида вужудга келадиган ҳукмларни шахсий фикрига ва эътиқодига узатиш қобилиятидир. Тафаккур мустақиллиги феномени ўз тузилишига кўра ҳукм, фикр, эътиқод бирликларидан иборатdir.

Боб бўйича хулосалар

Мустақил фикрлаш - инсоннинг бевосита ўзига ва ўзгаларнинг мавжудлигига боғлик бўлган, унинг ижтимоий ташқи муҳитнинг турли таъсирларига нисбатан фикр-ўйлари воситасида қаршилик кўрсатиш ва ўз фикрини баён этиш қобилиятидир. Мустақил фикрлаш ижтимоий аҳамиятга эга бўлган шахс хислати сифатида ҳар қандай фаолиятда индивидуал ва жамоавий ютуқларга эришишда юқори кўрсаткични таъминлайдиган муҳим омил ҳисобланади.

Биз бу бобда президент Биринчи президент И.А.Каримов ёшларда мустақил фикрни ривожлантиришни давлатнинг таълим соҳасида олиб бораётган ислоҳатларида устувор йуналиш деб эълон қилинишининг асосчиси эканлигининг гувоҳи бўлдик. Иккинчи бўлимда Шарқ мутафаккирларининг шахсада мустақил, эркин фикрни ривожлантириш ҳақидаги маънавий мероси уларнинг асарлари мисолида талқин этилади. Бу бобнинг навбатдаги бўлимида фалсафа, социология, ижтимоий психология фанларида инсон фикрининг ижтимоийлиги, инсон тафаккури хусусиятлари уни ўраб турган муҳитга боғлик эканлиги асосий ғоя сифатида таҳлил қилинди . Педагогика фанларида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши турли фан асосларини ўқитишда ўзига хос усуллар қўллаш орқали ривожлантирилган. Хорижий мамлакатлар олимларининг фикри кўпроқ мустақил фикрнинг олий шакли бўлмиш креативликка қаратилгандир. Мустақил фикрлаш ижтимоий-психологик воқелик сифатида тадқиқотимиизда илк бор кичик гурухлардаги шахснинг мустақил фикрлашига таъсир этувчи фасилитация, ингибиция, социализация, тафаккурнинг гурухийлапгуви, фикрлар лидери, конформизм, нонконформизм каби ижтимоий психологик феноменларнинг таъсири тадқиқ қилинди.

Ушбу бўлимда тафаккурнинг мустақиллиги муаммоси рус психологлари томонидан ўрганчлиши ҳам баён этилган, уларнинг ишлари

4 йўналишга ажратилиб таҳлил қилинди.

Биринчи йўналишни Н.А.Менчинская, Г.С.Костюк раҳбарлигига амалга оширилган тадқиқотлар ташкил этади. Улар тафаккур фаолиятини уч томонлама ўрганадилар, яъни ўқувчилар томонидан билимлар, тупгунчалар эгалланиши тадқиқ қилинади. Иккинчидан, ўқувчиларда тафаккур жараёнлари кечиши,

ривожланиши ўрганилади. Учинчидан, ўқувчида шаклланган ва билимларни эгаллаш жараёнига таъсир қиласиган тафаккур фаолиятининг хусусиятлари текширилади.

Иккинчи йўналиш психологияда П.Я.Гальперин ва унинг шогирдлари томонидан ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич ривожлантириш назарияси деб номланган концепцияни қамраб олади.

Учинчи йўналиш Д.Б.Эльконин ва В.В.Давидовларнинг тадқиқотларига бағишлиланган. Муаллифларнинг фикрича, ўқувчилар таълимида назарий тафаккурнинг ролини ошириш орқали ақлий тараққиётига эришишлари мумкин.

Тўртинчи йўналиш психологияда кенг тарқалган таълимот - ижод намуналарини таҳлил қилиш билан боғлиқ.

Ушбу бобда ўзбек психологларининг мустақил фикрлаш ҳақидаги қарашлари ҳам баён этилган: Жумладан, Э.Ғ.Фозиев тафаккур мустақиллигини - бирор масалани, хеч кимнинг кўмагисиз, кўрсатмасиз бажариш, деб таъкидлайди. Илмий маслаҳатчимиз В.М.Каримова томонидан мустақил фикрлашни ижтимоийлашув кўрсаткичига ўсиб ўтса ижтимоий аҳамиятга эга шахс муаммоси бўлишини «Мустақил фикрлаш» асарида назарий- амалий жиҳатдан ёритилган.

Шундай қилиб, ўқувчилар томонидан билимларни ўзлаштиришда қисман мустақил фикрлашнинг роли ўрганилган, лекин улар талаб даражасида эмас. Худди нгу боис, ўқувчилар маҳсус ташкил этилган ўқув машғулотларида мустақил, ижодий фикрлашга ўргатилишлари мақсадга мувофиқ.

II БОБ

ЎСМИРЛАР ТАФАККУР МУСТАҚИЛЛИГИ РИВОЖЛАНИШИННИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Муомала жараёнидаги эркинлик - ўсмирлардаги мустақил фикрлашнинг асосий психологик омили сифатида

Ўқувчининг ўқув фаолияти коммуникацион табиатга эга бўлиб, унга педагогик таъсирнинг кўпчилиги гурухий коммуникация вазиятларида амалга оширилади. Тафаккур мустақиллигини шахснинг билимларини фикр предметига «ўтказиш» қобилияти сифатида тушуниш педагогик жараёнда муомалани қулай ташкил этишни талаб қиласди. Муомала ижод психологиясида, одамларнинг ўзаро бир-бирига таъсири ва ўзаро ҳаракати сифатида, ўзаро бир-бирини тушуниш ва ҳамдардлик жараёни сифатида ўрганилади. Инсонлар орасидаги муомала инсоният мавжудлигининг зарур шартиdir, чунки одамлар ёлғиз қолганларида ўзларини бошқача туғишида, ўзгалар билан муомалага киришганларида ўзларини янада нохуш тутадилар.

В.М.Бехтерев гурухнинг шахсга таъсири турлича бўлишини таъкидлаган: ундовчи (инсоннинг энергияси бошқа одамлар мавжуд бўлганида ортиши), фаоллаштирувчи (инсоннинг фаолият жараёнида гурух аъзоларидан ортда қолмасликка интилиш) ёки йўқотувчи (гуруқ шахс фаолиятининг индивидуаллигини намойиш қилишни тормозлаши).

В.М.Бехтерев, М.В.Ланге, В.Е.Мясишчев, Ф.Оллпорт, В.Мёде, А.Мейо, Д.Морено ва бошқа психологларнинг тадқиқотларида инсоннинг руҳий фаоллигига, ипгчанлик қобилиятига шахслараро муносабатлар инсонларнинг ҳамкорликдаги фаолиятига катта таъсир кўрсатиши исботланган. Жамоада шахсий фаолият натижаларини таҳлил қилиш, ўртоқлари фаолияти маҳсуллари билан таққосланганда самаралироқ бўлади (Г.ИШукина). Ф.Д.Горбовнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, маълум шароитларда жамоа бўлиб биргаликда ишлаш ўзаро

ҳаракатда иштирок этаётган гурухнинг ҳар бир аъзоси шахсининг шаклланишига имкон беради. Бу биргаликдаги фаолият жипслашган гурухларда рўй беради.

Бу ҳақда академик А.И.Берг пгундай деб ёзади: «инсон фақат ташқи дунё билан тўхтовсиз муомала қилиши шароитдагина узоқ вақт фикрлаши мумкин. Ташқи дунёдан тўлиқ информацион ажралиш - бу ақлдан озишнинг бошланишидир. Информацион ундовчи тафаккурнинг ташқи дунё билан алоқаси инсонга озиқ-овқатдек, иссиқликдек зарур».

Муомала жараёнида инсонларнинг ўзаро бир-бирига таъсири инсонга сўз ва ҳаракатнинг таъсирида ифодаланиши мумкин. Социологлар оғзаки маълумотнинг инсон психикасига таъсирининг характеристики ва даражасига боғлиқ равишда 3 хилини ажратдилар: 1)хабар, 2) эътиқод, 3) ишонтириш.

Эътиқоддан фарқли ўлароқ ишонтириш мантикий исботлар тизимиға асосланади ва маълумотни идрок этаётган шахсга онгли муносабатда бўлишни талаб этади. Эътиқоддан фарқли равитттда ишонтиришнинг хусусияти шундан иборатки, унинг мантиққа эмас, шахс ақлига қаратилганлиги, фикрлашга, ҳукм чиқаришга тайёрликни эмас, ҳаракат қилиш учун йўл-йўриқни, буйруқни олишга тайёрликни шакллантиришдан иборат. Табиийки, шунинг учун ҳам ишонтириш мантикий исботлар тизимиға ва айтилаётган маълумотнинг мазмунини чукур англашга муҳтоҷ эмас. Социология ва психологијада ишонтиришнинг роли муаммосини И.С.Кон, Б.Д.Паригин, Б.Ф.Поршнев, А.П.Сопиков, В.Е.Мясишчев, А.Г.Ковалев, А.В.Петровский, В.А.Бакеев, В.И.Куликов ва бошқалар ўргангандар. Ишонтириш механизми Д.Н.Узнадзенинг установка назариясида илмий тавсифлаб берилган. А.С.Прангисвили, Н.Л.Элиава, В.Г.Норакидзе, Ш.А.Надирашвили ва бошқаларнинг тадқиқотлари установкада ишонтириш ҳаракати табиатини кўриш, фикрлаш, айниқса, мустақил фикрлаш ўзига хос ижтимоий

установкалар таъсирида ривожланишини тушунишга имкон беради.

Мустақил фикрлаш ва ишонтиришнинг алоқаси шунда кўринадики, тасдиқловчи ёки инкор этувчи ҳукмлар ҳар доим очик ёки яширин шаклда тафаккур жараёнига киритилган бўлади. Бу шундан далолат берадики, «...мантиқнинг ижод психологиясига тегишли психологик жиҳати мавжуд».

Ишонтириш коммуникацион муомала тузилишидаги бошқа таркибий қисм-тақлид қилиш билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Ишонтиришга нисбатан тақлидчанлик - кенгроқ тушунчадир. Муомаланинг бу механизмлари ўртасидаги фарқ игундан иборатки, тақлидчанликда тақлид субъекти фаол, ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ишонтиришда ташаббус ишонтираётган шахс томонида бўлади. Тақлидчанлик фаолият жараёнида, атрофдагилар билан фаол ўзаро таъсир ва фикр алмашинув орқали амалга оширилади. ТТТунинг учун ҳам ҳатто кўр-кўронга тақлидчанликда ҳам иттонтириттда гидек, бир томонлама таъсиргина эмас, балки ўзаро таъсир ҳам кузатилади: ўсмир бошқаларнинг таъсир қилиш субъектигина бўлиб қолмай, улар атрофдагилар таъсирида ўзгариб, бошқа тенгдошларига таъсир қиласи, натижада уларни ҳам ўзгартиради.

Шундай қилиб, тақлидчанлик ва ишонтиришнинг ижобий роли шундан иборатки, бу механизмлар орқали шахсга икки канал бўйича таъсир амалга оширилади: англанган ва англанмаган.

В.А.Просецкий тақлидчанликни умумий психология нуқтай назаридан ўрганиб, тақлидчанлик жараёнида шахснинг мустақиллиги қуйидаги кўринишини тавсифлаган: биринчидан, тақлид қилиш ташаббуси субъектдан чиқади; иккинчидан, тақлид обьектини танлашда; учинчидан, инсон тақлид қилишга қаршилик кўрсатиши ва онгли равигца мустақилликка интилиши мумкин. В.А. Просецкийнинг фикрича, шахснинг умумий ривожланиши жараёнида тақлидчанлик ва

мустақилликнинг ўзаро муносабати фақатгина миқдор ўзгаришлари аҳамиятга эга бўлиб қолмай - мустақилликнинг ортиши ва тақлидчанликнинг йўқолиши эмас, балки мустақилликнинг ҳам, тақлидчанликнинг ҳам сифат жиҳатидан қайта ўзгаришида намоён бўлади. Мустақилликнинг нисбатан йўқотилиши билан боғлиқ тақлидчанлик мустақиллик ривожланишининг омилларидан бири ҳисобланади. Шундай қилиб, тақлидчанликни ижодга қарши қўйиш мумкин эмас, чунки унинг ўзи ижоднинг ажралмас таркибий қисмидир.

Фикр алмашиш жараёни нутқсиз амалга ошиши мумкин эмас. Нутқ фаолияти фикр алмашинув, айниқса ўкув фаолиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Мустақил фикрлаш ташаббускор нутқнинг ривожланишини талаб қиласди. Аммо нгуни назарда тутиш лозимки, нутқ фаолияти мақсад ҳисобланмайди, у ҳар доим фикр алмашиш жараёнининг умумий таркибиغا киритилгандир ва нгу билан бирга инсонларнинг ақлий ва амалий фаолиятларини амалга оширишга хизмат қиласди.

Педагогик психологияда мустақиллик «шахсий ва гурухий тузилишида мураккаб характеристика» сифатида А.В.Петровский раҳбарлигига бажарилган Ю.В.Янотовская тадқиқотларида ўрганилган. Бу тадқиқотда ички гурухий муносабатлар омилиниң ҳамкорликда амалга ошириладиган меҳнат фаолиятига киритилган шахс мустақиллигининг намоён бўлишига таъсири кузатилади. Тадқиқот мактаб ва касб-хунар билим юрти ўқувчиларида ўтказилган. Тадқиқотнинг асосий ғояси мустақилликка мойиллик жамоачиликни ривожлантириш доирасида ётади.

Ю.В.Янотовская тажрибаларида олинган натижалар асосида қуйидаги хулосаларга келади: мустақилликка мойилликнинг ривожланиши икки йўналиш асосида амалга оширилади:

1. Мустақилликнинг шахс хислати сифатида вужудга келиши

ижтимоий мұхитта боғлиқ. Бу боғлиқтың мустақиллікка бўлган эҳтиёжни қондириш имкониятлари соҳасида ва қадриятларда ифодаланган мустақиллик мазмуни характерида ифодаланади (бу имкониятлар вужудга келган ижодий муносабатлар тизимиға ҳам боғлиқ).

2. Мустақилликнинг шахс хислати сифатида шаклланишида индивидуал хусусиятлар шахс яшайдиган ва меҳнат қиласиган жамоада вужудга келган муносабатларга ҳамда шахснинг қобилиятларига, унинг фаоллигига боғлиқ бўлади. Уқувчилар ўқув фаолиятини жамоа фаолияти сифатида ташкил қилишга кўп вақт унчалик эътибор берилмади. Билимларни ўзлаштириш жараёни индивидуал жараён деб ҳисобланган. Бунинг натижасида педагогик психологияда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши ва мустақил фаолияти ишнинг индивидуал шаклларидағина рўёбга чиқитти мумкин деб ҳисобланган. Лекин сўнгги йилларда собиқ Иттифоқ давлатларида, шунингдек, Польша, Германия каби мамлакатлардаги илфор ўқитувчиларининг ишларида гурӯхий билиш фаолияти ҳар бир ўқувчига дарсда максимал фаоллик ва мустақилликни таъминлашини тасдиқлаган. Сўнгги йиллардаги тадқиқотлар тафаккур мустақиллигини индивидуал билиш фаолияти сифатида анъанавий тушунишга жиддий тузатишлар киритди. Ўқувчиларнинг ўзаро назорати ва жавобгарлигига асосланган гурӯхий ўқув фаолияти тафаккур мустақиллигининг ривожланиши учун қулай шароитлар яратиши аниқланган. Навбатдаги бўлимда биз тузган тафаккур мустақиллигини ривожлантирадиган машғулотларга эътиборингизни қаратамиз.

2.2. Мустақил фикрлашни ривожлантирадиган машғулотлар

Ўсмирлар мустақил фикрлаш ҳақида ёзган иншоларида, уларнинг 31,25% ўз фикрларини баён этишга уялишларини, 12,25% бошқаларга фикримни айта олмайман, 6,25% фикрларимни баён этишга уяламан деб жавоб берганлар. Шу сабабдан ҳар бир тренингни ўсмирларда уялиш ва тортиниш ҳисларини йўқотишга мўлжалланган машқлардан бошладик.

Ўсмирлар ўзларининг уялши ва тортиниш ҳисларини енгиб ўтиб, ўз фикрларини bemalol баён этсалар, уларнинг тўғрилигига tengdoшларини ишонтира билсалар, айнан улар фикрининг тўғрилигини бошқаларга исботлай олсалар, у ҳолда уларда ақлий ташаббускорлик пайдо бўлганлигини англатади. Ақлий ташаббускорлик ифодаси эса тафаккур мустақиллигининг олий даражаси ҳисобланади.

Энди ўкувчиларда ақлий ташаббускорлик, мустақил фикрлашни ривожлантирувчи машғулотлар тавсифига ўтамиз.

I машғулот: Тушунчалараро психолингвистик муносабатларни таҳлил қилиш.

Режа:

1. Уялишни йўқотиш.
2. Тушунчалараро психолингвистик муносабатларни таҳлил этиш.

Мақсад: ўкувчиларда уятчанлик ҳиссини йуқотиш, уларда анализ ва синтез тафаккур операцияларини ривожлантириш, тушунчалараро психолингвистик боғлиқликни топиш ёрдами билан мустақил фикрлашга ўргатиш. Тушунчалараро психолингвистик муносабатларни таҳлил қилиш.

- I. Уялишни йўқотиш:
 - а) ўзингизнинг кучли ва бўш томонларингизни таъкидлаган ҳолда ўз мақсадингизни ифодаланг;
 - б) сиз учун нима қадрли эканлигини, нимага ишонишингизни, ўз хаётингизнинг қандай тарзда бўлишини изчил равишда ҳал қилинг. Ўзингиз тузган режаларингизни бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, баҳолашга интилинг;
 - в) айборлик ва уялиш ҳислари муваффақиятга эришишингизга халақит беради. Шунинг учун уялиш ҳиссини енгиб, биз таклиф этган топшириқ бўйича ўз фикрингизни bemalol билдиришга ҳаракат қилинг.

2. Тушунчалараро муносабатларни таҳлил қилиш

Кўрсатма: «Сизга 20 та сўз жуфтидан иборат топшириқ таклиф этилади. Биринчи қаторда ўзаро изчил муносабатлар мавжуд бўлган сўзлар жуфтлиги берилган, масалан, ўрмон - дараҳт (бутун ва қисм). Иккинчи қаторда сўз ва унга мос тушган беш сўз берилган. Иккинчи қаторда жойлашган бешта сўздан бири биринчи сўзга, биринчи қатордаги сўзлар қандай муносабатда бўлса, худди шундай муносабатга эгадир. Масалан: «Боғ - мевали дараҳтлар», «Кутубхона - боғ, ҳовли, шаҳар, театр, китоблар. Бу ерда китоблар сўзи мос келади, қандай саволлар бор?.

Тайёрланинг! Бошладик!»

Бу ўйинда энг кўп тўтри жавоб топган ўқувчи ғолиб деб топилади.

1. Мактаб - таълим.

Касалхона - врач, ўқувчи, муассаса, даъволаш, касал.

2. Ашула - кар.

Расм - қулоқ, кўр, рассом, расм, касал.

3. Пичоқ - пўлат.

Стол - вилка, дараҳт, стул, овқат, дастурхон.

4. Балиқ - тўр

Пашша - ғалвир, чивин, хона, ғувулламоқ, ўргимчак.

5. Қуш - ин

Инсон - одамлар, қушча, ишчи, ҳайвон, уй.

6. Нон - нонвой.

Уй - вагон, шаҳар, бошпана, қурувчи, эшик.

7. Пальто - тугма.

Ботинка - бичувчи, дўкон, оёқ, боғич, дўппи.

8. Уроқ - ўт.

Устара - пичан, соч, ўткир, пўлат, асбоб.

9. Оёқ - этиқ.

қўл - шиппак, мушт, қўлқоп, бармоқ, панжа.

10. Сув - чанқоқ.

Овқат - ичмоқ, очлик, нон, оғиз, егулик.

11. Электр - сим.

Бүг - лампочка, от, сув, труба, қайнаш.

12. Паровоз - вагонлар.

От - поезд, йилқи, сули, арава, отхона.

13. Олмос - ноёб.

Темир - қимматбаҳо, темирдан ясалған, пұлат, одатдаги, қаттиқ.

14. Югурмоқ - турмоқ

Бақирмоқ - жим бўлмоқ, эмакламоқ, шовқин солмоқ, чақирмоқ, йиғламоқ.

15. Бўри - оғиз.

қуш - ҳаво, тумшук, булбул, тухум, куйламоқ.

16. Театр - томошибин

Кутубхона - актер, китоблар, китобхон, кутубхоначи, қизиқувчи.

17. Темир - темирчи

Дараҳт - тўнка, арра, дурадгор, пўстлоқ, шоҳ.

18. Оёқ - ҳасса.

Боб - таёқ, қўзойнак, кўриш, бурун, кўз ёшлари.

19. Эрталаб - кечқурун.

Үй - вагон, шаҳар, бошпана, қурувчи, эшик.

7. Пальто - тугма.

Ботинка - бичувчи, дўкон, оёқ, боғич, дўппи.

8. Уроқ - ўт.

Устара - пичан, соч, ўткир, пўлат, асбоб.

9. Оёқ - этик.

қўл - шиппак, мушт, қўлқоп, бармоқ, панжа.

10. Сув - чанқоқ.

Овқат - ичмоқ, очлик, нон, оғиз, егулик.

11. Электр - сим.

Бүг - лампочка, от, сув, труба, қайнаш.

12. Паровоз - вагонлар.

От - поезд, йилқи, сули, арава, отхона.

13. Олмос - ноёб.

Темир - қимматбаҳо, темирдан ясалған, пұлат, одатдаги, қаттиқ.

14. Югурмоқ - турмоқ

Бақирмоқ - жим бўлмоқ, эмакламоқ, шовқин солмоқ, чақирмоқ, йиғламоқ.

15. Бўри - оғиз.

қуш - ҳаво, тумшук, булбул, тухум, куйламоқ.

16. Театр - томошибин

Кутубхона - актер, китоблар, китобхон, кутубхоначи, қизиқувчи.

17. Темир - темирчи

Дараҳт - тўнка, appa, дурадгор, пўстлоқ, шоҳ.

18. Оёқ - ҳасса.

Боб - таёқ, кўзойнак, кўриш, бурун, кўз ёшлари.

19. Эрталаб - кечқурун.

қиш - совуқ, қуёш, ёз, январь, чана.

20. Спортчилар - тренерлар.

Талабалар - институтлар, тарбиячилар, ўқитувчилар, ота- оналар, ўқувчилар.

Ушбу машғулот жамоада ўқказилгани учун ўқувчиларда жамоа бўлиб фикрлаш фаолиятини амалга оширишга кенг имконият яратади. Гуруҳнинг кучайтирувчи функцияси таъсири остида шахснинг мустақил фикр билдириш қобилияти ўсади. Ўқувчига гуруҳда ўз фикрларининг тўғрилигини bemalol исботлаш ва баён этиш имконияти берилади.

II машғулот: Сўз топиш ўйини.

Режа:

1. Тортинчоқлик ҳиссини коррекция қилиш.
2. Сўз топиш.

Мақсади: сўзлардан сўз ясаш усули орқали ўқувчиларда мустақил фикрлашни ривожлантиришдир.

1. Тортинчоқлик ҳиссини коррекция қилиш:
 - а) ўзингизнинг тортинчоқлигинги сабабларини шахсиятингиз нуқсонларидан эмас, балки ҳозирги вазиятнинг жисмоний, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий томонларидан изланг.
 - б) ўзингизни ҳеч қачон паст баҳоламанг, айниқса, ўзингизга «аҳмоқ», «хунук», «қобилиятсиз», «омадсиз», «тузалмас» каби салбий иллатлар хос деб ўйламанг.
 - в) сизнинг ҳаракатларингиз ҳар қандай баҳога лойик эканлигидан манфаатингиз учун фойдаланинг. Лекин ўзингизни шахс сифатида бошқалар томонидан танқид қилишга имкон берманг.

2. «Сўз топиш» ўйини.

Ўйин шарти: ўқувчилар икки нафардан диадаларга бирлаштирилади. Ўйинда ўсмир иштирокчиларга қандайдир бир сўз, масалан, «Нурсултонбек» сўзи берилади. Бу сўзни ҳар бир диада ўз олдиғаги қоғозга ёзиб олади. Кейин ҳар бир диада аъзосига бу сўзда иштирок этган ҳарфлардан иложи борича кўпроқ янги сўз тузиш таклиф этилади. Энг кўп янги сўз тузга олган диада ғолиб деб топилади.

Бу ўйинда тафаккурнинг анализ ва синтез операциялари ривожлантирилади. Ўсмирларга мустақил фикрларни ёзма баён этиш (тортинчоқ ўсмирлар учун) имконияти берилади. Ўйиннинг мусобақа шароитига биноан кичик гурухларда тафаккур маҳсулдорлиги кучайтирилади.

III машғулот: «Мақолларнинг мазмунини айтиш».

Режа:

1. Ўсмирларда ўзига ишонч ҳиссини ҳосил қилиш.

2. Мақолларнинг мазмунини баён этиш.

Мақсади: ўсмирларда уялиш ҳиссини йўқотиш ва мақол- ларнинг мазмунини айтиш орқали уларда мустақил фикрларни ривожлантиришдир.

1. Ўсмирларда ўзига ишонч ҳиссини ҳосил қилиш:

а) ўз камчилигингизни ҳис қилишга мажбур қиладиган одамлар, ҳолатлар ва машғулотларга кўникманг, ўзингизда ишонч пайдо бўладигандек, уларни ёки ўзингизни ўзгартира олмайсиз, улар билан алоқани узинг. Ҳаёт жуда қисқалиги туфайли уни умидсизликка сарфлаб бўлмайди;

б) ўзингизни бўшаштиришга имкон беринг, ўз фикрларингизга қулоқ солинг, ўзингизга ёқадиган машғулотни

Мақсади: ўсмирларда ўзига ишонч ҳиссини орттириш, мияда вужудга келган ҳар қандай фикрни баён этиш орқали уларда мустақил фикрни ривожлантириш.

1. Ўсмирларда ўзига ишонч ҳиссини ҳосил қилиш:

а) ўз «Мен» ингизни ҳаддан ташқари ҳимоя қилишни тўхтатинг, у сиз ўйлагандан ҳам мустаҳкам ва эгилувчандир. У сиқилади, лекин синмайди. «Мен»ингиз ҳаракатсиз ва яккаланиб қолгандан кўра, қисқа муддатли ҳиссий зарбани бошдан кечиргани афзалдир;

б) ўз олдингизга бир неча жиддий мақсадларни қўйинг, уларга эришиш учун оралиқ, ички режаларга ҳам эришиш мумкин бўлсин. Оралиқ мақсадларга эришиш учун қандай воситалар зарур эканлигини чамалаб чиқинг. Ўзингизнинг ҳар бир муваффақиятли қадамингизни эътиборсиз қолдирманг, лекин ўз кўнглингизни кўтаришни, мақташни унутманг. Камтарликни билмайдиган одам бўлиб кўринишдан қўрқманг, чунки сизни ҳеч ким эшитмайди;

в) сиз ёқимсизликлар ёғиладиган суст обьект эмассиз, ҳатто устингизга чиқиб топташларини ҳаяжон билан кутиб турадиган ўт- ўлан

ҳам эмассиз. Сиз - тараққиёт пирамидасининг чўққисисиз, сиз - отаонангиз орзу - умидларининг тимсолисиз. Сиз - бетакрор шахссиз, ўз ҳаётингизнинг фаол ижодкорисиз, сиз ҳодисаларнинг бошқарувчисисиз. Агар сиз ўзингизга ишонсангиз, тўсиқлар даъватга айланади, даъватлар эса бажаришга ундейди. Уятчанлик эса йўқолиб кетади, чунки сиз яшаш ҳақидаги ҳар қандай хавотирланиш ўрнига қайноқ ҳаётга шўнғиб кетасиз.

2. “Тафаккур бўрони”

Фикрларни мустақил баён этишнинг яна бир шакли борки, рус тилида унинг номини «мозювовая атака», инглизчасига эса «Ьгаш з1огттд» деб аталади. Бизнинг тилимизда бу тушунчанинг аниқ аналогик таржимаси йўқ, лекин уни, ақлни зўр бериб ишлатиш, «фикрлар тўқнашуви» деб аташ мумкин. Методнинг психологик моҳияти нгундаки, баҳслангувчиларга мияга қандай фикр қуиилиб келса, уни танқидсиз ва асосламай эркин, «дилдагини тилга», лекин навбати билан айтиш имконияти тутилади. «Ақлни зўр бериб ишлатиш» методикасининг асосий шартлари қуидагилардан иборатdir:

- 1) ҳеч кимни танқид қилмаслик ва барча таклифларни қабул қилишилик;
- 2) иложи борича кўпроқ фантастик ва бошқаларникига ўхшамайдиган ғояларни таклиф этишга интилишилик;
- 3) бошқа иштирокчиларнинг фикрларини дикқат билан эшитиш, уларни давом эттириш, ривожлантиришга ҳаракат қилишилик.

Ўқувчиларга мунозара мавзуси тавсия қилинади: «Тасаввур қилинг, сиз автомобильнинг янги моделини ишлаб чиқараётган ихтирочиларсиз. Сиз кашф этган янги автомобиль, ҳозирги автомобиллардан фарқли ўлароқ қандай афзалликларга эга?».

Улар вазифани тушунгандаридан кейин, мунозара бошланади. Ўйинда ўқувчилар ўз миясига келган фикрларини айтиш орқали мустақил фикрлаш имкониятларини намоён этадилар.

V машғулот: «Парламентдаги баҳслар».

Режа:

1. Сирни излаймиз!
2. Парламентдаги баҳслар.

Мақсади: ўсмирларда турлича муаммоли вазиятларда мустақил фикрлаш малакаларини ривожлантиришdir.

Машғулотнинг бориши:

1. Сирни излаймиз. Ўзингиздаги яширин хусусиятларни қуийидаги шаклда излашга уриниб қўринг. Тасаввур қилинг, олимлардан бири худди сизнинг нусхангизга ўхшаш роботни яратди. Унинг барча қисмлари сизга айнан ўхшашибди. Лекин у - ёмонлик қуроли бўлгани туфайли, одамлар уни сиз деб қабул қилишларини истамайсиз. Сизнинг бетакрор қандай хислатларингиз мавжуд? Сизни яхши биладиган инсонлар роботни сиздан фарқлай оладими? Сизнинг сирингизни биладиган одам роботга уни очиб қўйиши мумкинми?

Сиз ҳамма сирларингизни очиб бўлдингиз, лекин робот ҳаммасини худди сиздай бажариш иложини қилди. Сиз - бу сиз, сизнинг нусхангиз бўлган робот эмаслигингизга ҳеч бўлмаганда ўзингизни ишонтириш учун охирида қайси энг муҳим сирни очасиз?.

2. Парламентдаги баҳслар.

«Тасаввур қилинг, ҳар бирингиз Олий Мажлис депутатларисиз, сиз депутатлик қилаётган туманда, шаҳарда, вилоятда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш учун қандай ишларни амалга оширишга ҳаракат қилар эдингиз».

Бу ўйинда ҳам ипгирокчиларга ўз фикрларни мустақил баён этиш имкониятлари яратилади.

VI машғулот: Сеҳрли кўзойнак ўйини.

Режа:

1. Учбурчак нарсалар.

2. Квадрат нарсалар.

Мақсади: ўсмирларда дивергент тафаккурни ривожлан-тиришдир.

1. Учурчак нарсалар [174].

Ўйин бошида иштирокчилар иккитадан бўлиб диада гурухларига ажратилиди. Ўйин учун ҳар бир иштирокчига қоғоздан кўзойнак тайёрланади ва қуидаги йўлланма берилади: «Сизнинг олдингизда сехрли кўзойнак турибди, уни тақканда фақат учурчак нарсалар кўринади, холос. Кўзойнакларни тақиб, қандай учурчак нарсаларни кўраётганингизни айтинг. Кўчада, уйда, синф хонасида қандай учурчак нарсалар борлигини эсланг. Энг кўп учурчакли жисмларни топган диада ғолиб деб топилади».

2. Квадрат нарсалар. Энди фақат квадрат нарсаларни кўрсатадиган кўзойнакни тақамиз. Қандай квадрат нарсаларни кўраётганингизни айтинг. Энг кўп квадрат нарсаларни айтган диада ғолиби деб эълон қиласди.

Бу ўйинда ўқувчиларда дивергент тафаккур ривожлан-тирилади.

VII - машғулот. «Ҳикояни давом эттириш».

Режа:

1. Ҳикояни давом эттириш.
2. «Лаззат» ошхонаси.

Мақсади: ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, уларда ўйин вазиятларида мустақил фикрларни баён этиш малакаларини такомиллаштиришдир.

1. Ҳикояни давом эттириш.

Ўқувчиларга бирорта ҳикоянинг бош қисми ўқиб берилади. Сўнгра машғулотни олиб борувчи тўхтаб, улардан ҳикояни давом эттиришни сўрайди. Ҳар бир ўқувчи ҳикояни ўзича давом эттириши мумкин. Энг оригинал ва тугалланган жавоб юқори баҳоланади: «Кунларнинг бирида кичкина ўқувчи мактабдан уйига қайтаётган чоғида у йўлакдаги майда

чумолиларни босиб борарди. У жуда яхши ўқувчи эди ва ҳеч кимга ёмонлик қилишни истамасди. Тўсатдан у тўхтаб қолди, чунки унинг оёғи тагида, қуёш нурида ялтираб, яп-янги танга ётарди. Бола тангани олиб, чўнтағига солди. Бу танга сехрли танга эди. Лекин бола бу ҳақда ҳеч нарса билмас эди ...» Ҳикояни давом эттириш уларга таклиф этилади. Машғулот давомида 2-3 ҳикояни давом эттириш учун, уларнинг ҳукмига ҳавога қилинади.

Бу машқда кўзланган мақсад ўқувчилар фикрларини мустақил баён этиш учун кенг шароитлар яратишдир.

2. «Лаззат» ошхонаси.

«Тасаввур қилинг, сизлар дунёда энг ширин таомлар тайёрлайдиган ошпазсизлар. Ҳар бирингиз ўзингиз ёқтирган таомларни «Лаззат» ошхонаси» номли телевизион кўрсатувда тайёрлаш усулларини гапириб беришингиз керак».

Бу ўйинда ҳам ўқувчиларда мустақил фикр билдириш, нутқ малакаларини ривожлантириш режалаштирилади.

VIII машғулот. Тафаккур эгилувчанлигини ривожлантириш. Режа:

1. Одатдаги фазовий боғланишларни ўзгартириш.
2. Одатдаги умумий боғлиқликни ўзгартириш.

Мақсади: ўсмирларда ижодий фикрнинг асосий таркибий қисми бўлмиш тафаккур эгилувчанлигини ривожлантиришдир.

1. Одатдаги фазовий боғланишларни ўзгартириш:
 - а) Одатдаги фазовий боғликларни ғайриоддий ўзгартириш усули (масалан, автомобиль йўлнинг устида эмас, тагида юрса - нима бўларди?).
 - б) Одатдаги фазода ўзаро боғлиқ ҳодисаларни бир-биридан ажратиш усули (сувсиз балиқ, пулсиз дўкон, китобсиз ўқувчи) нима рўй беришини айтиб беринг.
2. Одатдаги умумий боғлиқликни ўзгартириш:
 - а) Жисмлардаги умумий белгини мантиқий чиқариб ташлаш

усули (масалан, «ер» ва «копток» тушунчаларидан думалоқ белгиси чиқарып ташланади, ер шари текис бўлса, унда нима рўй берарди).

б) Ҳар хил жисмлар, нарсалар ўртасидаги умумийликни топинг. Масалан: стул ва вентилятор. «Инсон меҳнати маҳсули», «ҳар иккиси пластмассадан бўлиши мумкин». «Инсон стулда ўтириб, вентилятор шабадасида дам олади», «уй жиҳозлари» ва ҳоказо.

Юқоридаги машқлар ёрдамида тафаккур маҳсулдорлиги, оригиналлиги, эгилувчанлиги каби сифатлари тажрибалар давомида ривожлантирилади.

2.3. Ўсмирлар тафаккури маҳсулдорлиги, оригиналлиги ва ақлий-заковатининг хусусиятлари

Ўсмирларнинг мустақил фикрлаш моҳиятини англаш, мустақил фикрлашни ривожлантириш мумкинлиги, мустақил фикр билдиришда ўзларининг ҳолатини тушуниш мақсадида фаолият маҳсулларини аниқлаш учун уларнинг ижодий иншоларини ўрганиб чиқдик.

Ўсмирлар томонидан мустақил фикр атамаси тўғрисидаги тушунчани аниқлаш мақсадида «Мен мустақил фикрлашни қандай тушунаман» мавзусида ёзган иншоларини таҳлил қилдик. Тадқиқот 73-мактабнинг 8-синф ўқувчиларида ўтказилди, унда 200 та синалевчи иштирок этди. «Мустақил фикрлашнинг ўзи нима?» - деган саволга ўсмирлар қуидаги тарзда жавоб беришган (2.4.1-жадвалга қаранг).

2.4.1-жадвал. Ўсмирларнинг мустақил фикрлаш моҳиятини англаши (n = 200)

№	Жавоблар мазмуни	Саволларга жавоб берган ўсмирлар (%)
1.	Мустақил фикрлаш бу ҳеч кимнинг ёрдамисиз, бирор нарсага булган муносабатни тил орқали ифодалаш, бирор уйланган нарса ҳақида гапиришдир.	58,8%
2.	Мустақил фикрлаш - эркин фикрлашдир.	29,4%
3.	Мустақил фикрлаш - бу инсоннинг бирон иш қилишдан олдин уйлаб, кейин ўйланган ишнинг бажарилишидир.	11,8%

2.4.1-жадвалдан кўриниб турибдики, ўсмирларнинг кўпчилиги 58,8% - мустақил фикрлаш бу ҳеч кимнинг ёрдамисиз, бирор нарсага нисбатан муносабатни тил орқали ифодалаш, бирор нарса ҳақида ўйланган фикрни гапиришдир, деб тушунадилар. Бунда мустақил фикрлашда ҳеч кимдан кўмак олмасдан, мустақил муносабат билдириш ҳамда мустақил фикрлашнинг тил билан боғлиқлиги таъкидланади. Ўсмирларнинг 29,4% эса мустақил фикрлаш - эркин фикрлашдир, деб жавоб берганлар. Бу билан улар мустақил фикрлашда бошқаларга боғлик эмаслик, эркин бўлишликни назарда тутганлар. Ўсмирларнинг 11,8% эса инсоннинг бирон фаолиятини бажариши учун уни аввал мияда мустақил обдон ўйлаб, сўнгра бу ўйлаган режа бўйича фаолиятни амалга оширишни мустақил фикрлаш деб тушунадилар. Шундай қилиб, ўсмирлар мустақил фикрлашда ҳеч кимдан ёрдам олмаслик, мустақил, эркин бўлишликка катта эътибор берадилар.

«Мустақил фикрлашни қандай қилиб ривожлантириш мумкин?» деган саволга ўсмирлар қўйидагича жавоб бердилар (2.4.2.-жадвалга қаранг).

2.4.жадвал. Ўсмирларнинг мустақил фикрни ривожлантириш ҳақидаги фикрлари
п = 200

№	Жавоблар мазмуни	%
1.	Мустақил фикрлашни турли газеталар, журналлар, китоблар ўқиш, радиодан турли эшиттиришлар эшитиш, телевидение кўрсатувлари орқали ривожлантириш мумкин.	80%
2.	Турли бошқотирмалар, топишмоқлар ечиш орқали ривожланишга эришилади.	6,7%
3.	Эркин фикрлайдиган одамларни эшитиш орқали мустақил фикрни ривожлантирса бўлади.	6,7%
4.	Ҳамма бир-бирини тушуниш, устидан кулмаслик, гапга чечан бўлиш орқали ривожлантириш амалга оширилади.	6,7%

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турганидек, ўсмирларнинг 80% мустақил фикрлашни ривожлантириш учун турли мавзулардаги китобларни, кўплаб газета ва журналларни мустақил мutoала қилиш, радио ва телевидениедан дунё воқеалари ва ҳодисалари юзасидан хабардор бўлиш зарур, деб ҳисоблайдилар. Ўсмирлар 6,7% эса турли муаммоли вазиятларда, яъни бошқотирма ва топишмоқларни ечиш орқали мустақил фикрлашни ривожлантириш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бу билан улар кўпчилик психологларнинг тафаккур мустақиллиги муаммоли вазиятларни ҳал қилиш орқали шакллантирилади, деган ғояларини тасдиқлайдилар. Ўсмирлар 6,7% эса телевидениедаги «Эркин фикр» кўрсатувида эркин фикрлайдиган инсонлар нутқини эшитиш натижасида уларга тақлид қилиш туфайли шахсада мустақил фикр ривожланиши эҳтимолини тасдиқлаганлар. Бу воқелик ўқувчиларнинг оз қисми бўлса-да, олдинги бўлимда баён этилган мустақил фикр ривожи механизмларининг биттаси саналмиш тақлидчанликнинг ролини тўтри англашларини билдиради. Ўсмирларнинг 6,7% эса мустақил фикрлашни ривожлантириш ўзаро бир-бирини тушунишни, устидан қулмасликни, сўзга уддабурон бўлиш муҳим эканлигини таъкиддаганлар. Бундан кўриниб турибдики, ўсмирлар учун «ижтимоийлик» омилининг кучи деярли йўқ. Бу холат катталар, тарбиячилар ва мураббийларни ўйлантирадиган муҳим фактордир. Чунки эркин мулокот муҳитининг ушбу жараёндаги ўрни ва аҳамияти ўқувчилар жавобларида деярли ўз аксини топмади. Биз эса, бу тадбир орқали танланган гуруҳлардаги ёшларга ижтимоий установка бердикки, улар мустақил фикрлаш деган билиш ҳодисаси борлиги ва унинг ҳар бир шахсга алоқадор жараён эканлигини тасаввур қиласидилар.

Ўсмирлик даврида ақлнинг танқидийлиги тез суръатда ривожлана бошлагани туфайли улар ўқитувчининг ва ўртоқларининг ҳар бир гапига

танқидий ёндашадилар. Шунинг учун улар баъзан ўзгаларга мустақил фикрни баён этаётган пайтда бир-бирини мазах қиласиган бўлса, у тақдирда ўсмир фикрларини баён этишга тўсиқ юзага келади.

Шундай қилиб, кўпчилик ўсмирларнинг фикрича, газета, журналлар, китоб ўқиши, радио ва телевидениедан турли хабарларни эшитиш ҳамда тамошо қилиш шахснинг дунёқарашида, ўша воқеа-ходисаларга нисбатан мустақил фикр юритиши ривожланиши мумкин.

Бундай фикрларни 50-йилларда тафаккур муаммоси бўйича мустақил тадқиқот ишлари олиб берган олимларнинг изланишларида ҳам учратиш мумкин.

«Мен мустақил фикрлашдан...» деган тарзда туталланмаган жумлага ўсмирлар қуидаги типик жавобларни беришган (2.4.3-жадвал).

2.4.3-жадвал. Ўсмирлар томонидан мустақил фикр билдираётган вазиятдаги уз ҳолатини англаши

№	ЖАВОБААР МАЗМУНИ	%
1.	Ҳамма олдида bemalol ўз фикримни айта оламан.	44%
2.	Фикрларимни баён этаётганда ҳаяжонланаман, уяламан, юрагим тез-тез уриб кетади.	31,25%
3.	Ўз фикримни бошқаларга айта олмайман.	12,25%
4.	Дўстларим олдида ўз фикрларимни баён эта оламан.	6,25%
5.	Фикримни баён этишга goҳо уяламан, goҳо баён эта оламан.	6,25%

5. Фикримни баён этишга goҳо уяламан, goҳо баён эта оламан.
6,25%

2.4.3-жадвал. Ўсмирлар томонидан мустақил фикр билдираётган вазиятдаги уз ҳолатини англаши

п = 200

Юқоридаги жадвалдан қўриниб турганидек, ўсмирларнинг 44% ўз фикрини bemalol ҳамманинг олдида баён эта олишини таъкидлашган, бу ҳам берилган ижтимоий установкадан иборатdir. Ўсмирларнинг ярмидан кўпи эса фикрларини баён қилишда уялишларини, ҳаяжонланишларини,

фикрларини баён эта олмасликларини, нотаниш кишилар олдида бу ҳолат янада кучайишини таъкидлашган. Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда ўсмиirlар учун ишлаб чиқилған мустақил фикрларни ривожлантириш машғулотларида уларда ҳаяжонланиш, уялишни йўқотишга алоҳида аҳамият берилди.

Шахснинг ўзини-ўзи баҳолаши ва мустақил ижодий фикрлаши ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш учун «ўзини-ўзи баҳолаш» тестини маҳаллий шароитга мослаштиридик.

Кўрсатма: «Азиз ўқувчи! Аввал ўзингизнинг профилингизни юқоридаги сифатлар бўйича баҳоланг, сўнгра ўртоқларингиздан айнан шу тарзда схемада сизни баҳолаб беришларини илтимос қилинг, ҳам ўзингиз, ўртоқларингиз белгилаган чизикларни бир- бирига солиштирсангиз, ўзингизга-ўзингиз берган баҳони аниқлайсиз».

2.4.4-жадвал. Ўсмирларнинг ўзини-ўзи баҳолаши

$$\pi = 20$$

Бу жадвалдан кўриниб турганидек, ўсмирлар ўзини-ўзи ижобий баҳолаганлар, уларнинг баҳолари ўртача 2,5 қиймат атрофидадир.

Биз ўз тадқиқотимизда гурухнинг аъзолари ўзларини ўзлари қандай тарзда баҳолайдилар, гурух аъзолари уларни қандай баҳолашларини ҳам ўргандик. Олинган эмпирик материалларнинг натижалари куйидаги жадвалларда мужассамлашган.

2.4.5-жадвал. Ўсмирлар гурухида ижодий мустақил фикрлаши қуий ривожланган М.Ж. нинг ўзини-ўзи баҳолаши ва гурух аъзоларининг

унга берган баҳолари

		5	4	3	2	1	-1	-2	-3	-4	-5	
1	Мустақил											Тобе
2	Ўзига ишонадиган	+*										Ўзига ишонмайдиган
3	Актив, фаол				2>							Пассив, ланж
4	Иродаси кучли											Иродаси кучсиз
5	Эркин, хуш- Феъл	“ъч										Тортинчоқ
6	Билимли											Билимсиз
7	Киришувчан		+1-									Писмик
8	Ён берувчи											Қайтмайдиган
9	Фаҳм-фаросатли			Ж								Фаросатсиз
10	Тез фикрлайдиган	+<										Секин фикрлайдиган
11	Бошқалардан ўзгача фикрлаш											Ҳамма билан бир хил фикрлаш
12	Муаммони ҳар хил усул билан ечиш											Муаммони бир хил усул билан ечиш
13	Кучли хаёл, фантазияли	+<										Фантазияси яхши ривожланмаган
14	Жонсарак											Бегам, лоқайд
15	Альтруист			+ ■								Эгоист, худбин

---- М.Ж.нинг ўзини-ўзи баҳолаши.

---- Гурухнинг М.Ж.га - берган баҳоси.

Юқоридаги жадвалда М.Ж.нинг ўзини-ўзи баҳолаши гурух аъзоларининг унга берган баҳосидан юқори эканлиги кўриниб турибди. Бундай натижа гурухнинг мустақил фикри қуий ривожланган аъзоларида ҳам кузатилган, лекин мисол сифатида уларнинг биттасини келтирдик, холос.

Гурухнинг мустақил фикри юқори ўқувчилари ўзларини- ўзлари қандай баҳолашларини ва гурух аъзолари эса уларни қандай баҳолашларини ҳам махсус ўргандик. Жумладан, гурухнинг мустақил фикрлаши юқори ўқувчиси X.В.нинг натижаларини келтирамиз.

X.В.нинг ўзини-ўзи ва гурух аъзоларининг уни баҳолашига ҳам тавсиф беришга ҳаракат қиласиз.

2.4.6-жадвал. X.В.нинг ўзини-ўзи баҳолаши ва гурух аъзоларининг уни баҳолаши

	5	4	3	2	1	-1	-2	-3	-4	-5
1								+		
2								.+		
3										
4										
5										.+
6										
7										
8	-к									
9		+ -----								
10										
11										
12										:=+
13										
14				+ ""						
15					+					

-- X.В.нинг ўзини-ўзи баҳолаши

-- гурух аъзоларининг уни баҳолаши.

Мустақил фикри юқори ривожланган X.В. ўзини-ўзи гурух аъзоларининг унга берган баҳосидан қуйироқ баҳолаган. Шундай қилиб, гурухнинг юлдузлари, пешқадамлари, барча томонидан тан олинган аъзолари ўзларини ўзлари қуйироқ баҳолайдилар, чунки уларда мустақил ижодий фикрлаш юқоридир.

Гурухнинг ажралиб қолган аъзолари эса ўзларини гурухий баҳолашга қараганда, юқори баҳолайди, лекин уларда мустақил ижодий фикрлаш ҳам қуи даражададир.

Ўқувчиларда мустақил ижодий фикрлаш ривожланганлик даражасини аниқлаш учун қуидаги методикалардан фойдаландик:

1. Дедукция тести.

Кўрсатма: «Ҳурматли ўртоқ! Иложи борича кўпроқ турли хил жисмларни билдирувчи сўзларни ёзинг.

- 1) қизил нарсаларни
- 1) тўртбурчак шаклларни
- 2) чексиз давом этувчи жисмларни

Ҳар бир топшириқ ечими учун сизга 5 дақиқадан 15 дақиқагача вақт берилади. Жавобингиз учун сизга олдиндан ташаккур билдирамиз».

Олинган натижаларни қайта ишлаш қўйидаги тарзда амалга оширилди.

Ўқувчиларнинг жавоблари дивергент тафаккурнинг маҳсулдорлиги, оригиналлиги сифатлари бўйича классификация қилинди. Тафаккур маҳсулдорлиги - бу синалавчиларнинг умумий берган жавоблари сонидир. Ҳар бир жавоб 1 балл билан баҳоланади. Тафаккур оригиналлиги эса- бу грух бўйича ҳеч ким топмаган жавобни топишидир. Бу методга биноан ҳар бир сифатга алоҳида баҳо қўйилади. Ҳар бир сифат бўйича грухий баҳони ҳисоблашда, текширилувчиларнинг алоҳида сифати юзасидан олинган баҳоларининг ўрта арифметик қийматини келтириб чиқарилади.

Аниқловчи тажрибаларда олинган натижаларни қўйидаги формулалар ёрдами билан математик жиҳатдан ҳисоблаб чиқдик

Ўртacha арифметик қиймат $X =$; бу ерда x - ҳар бир ўқувчи олган

қийматлар; ГЧ- ўқувчилар сони, Е- йиғинди белгиси.

Ўрта квадрат оғиш (о) бу ерда $T = x - \bar{x}$; ГЧ-

Ўқувчилар сони. Ўртacha квадрат хато (т) $t = -? =$.

**2.4.7-жадвал. Аниқловчи ва назорат тажрибаларида 8-синф ўқувчиларининг
«Дедукция» тести бўйича олган натижалари**

п = 20

Кўрсаткичлар	Тафаккур маҳсулдорлиги	<7	Тафаккур оригиналлиги	<7
Аниқловчи тажриба натижалари	36,7	16,8	3,8	2,1
Назорат тажрибалари натижалари	51,05	23,4	5,9	6,4
1	2,242		1,438	
P	0,05		-	

(Математик формулалар бўйича материалларни хисоблаш ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлиш учун 1-2 - иловага қаранг).

2.4.7-жадвалдан ўсмир гурухларида назорат тажрибаларида ўртача арифметик қиймат қарийб 1.5 баровар ортганлигини кузатдик. Муқаррарлик мезони тафаккур маҳсулдорлиги бўйича ($1 = 2.242$) га $p < 0,05$, яъни шу метод бўйича тажрибалар такрорлан- ганда 100 тасидан 95 тасида тафаккур маҳсулдорлиги бўйича худди шундай натижалар олинади. Тафаккур оригиналлиги бўйича тафовут даражаси ($1 = 1.438$) ишончлилик кўрсаткичига эга эмас.

Назорат тажрибаларида «Дедукция» тестида тафаккур маҳсулдорлиги ва оригиналлиги бўйича 8 «Б» - синф ўқувчилари- нинг жавобларини сифат жиҳатдан таҳлил қилишда уларни 2 гурухга ажратдик, чунончи, энг яхши жавоблар ва типик (одатдаги) жавоблар.

Энг яхши жавоб берган ўқувчилар аниқловчи тажрибада 3 нафар бўлган бўлса, назорат тажрибаларида уларнинг сони 5 тага етди. Бу ўқувчилар асосан социометрик мақоми юқори бўлган ўқувчилардир. (Назорат тажрибаларида қизил нарсалар ўрнига яшил нарсаларни ёзиш таклиф этилди). Бундай жавобга мисол тариқасида социометрик мақоми юқори ўқувчи Р.Д.нинг жавобларини келтириш мумкин: «ўрмон, ўсимлик, гул, дараҳт, арча, олма, довучча, нок, тоғолча, тоғорача, олча, китоб, дафтар, ручка, куйлак, шим, туфли, сумка, чизғич, қалам, майка, эшик, латта, помада, зирак, тен, крем,

девор, резинка, соат, тиллақош, шкаф, папка, заколка, копток, бодринг, күзойнак, сетка, лак, кровать, кресло».

Типик жавобларга социометрик индекси ўртача ўқувчи А.Д. нинг думалоқ нарсаларга ёзган жавобларини келтириш мумкин: «узук, доира, зирак, пиёла, мел, чархпалак, соат, олма, узум доналари, кўз, «о» ҳарфи», розетка, кўзойнак, кришка, банка, коса, тарелка, лаган, торт, товоқ, зонтик, шляпа, бош».

Кўриб турганимиздек, 8-синф ўқувчиларида ўтказилган машғулотлардан сўнг суст жавоб берувчи иштирокчиларни учратмадик, чунки энг яхши жавоб берувчиларнинг миқдори нисбатан ортди. Энг яхши жавоб берган ўқувчилар гурухда социометрик мақоми юқори бўлган шахслардирлар. Демак, биз ўтказган машғулотлар ўқувчиларда тафаккур маҳсулдорлиги ва оригиналлиги ортишига сезиларли таъсир кўрсатди.

Усмирларнинг мустақил ижодий фикрлаш даражасини аниқлаш учун қўлланган навбатдаги методика «Индукция» тестидир. Уларга куйидагича кўрсатма берилади: «Хурматли ўқувчи! Берилган сўзни қандай тоифаларга (синфларга) киритиш мумкинлигини иложи борича кўпроқ ёзинг. Масалан, «кўйлак» - (кийим - кечак, совға, товар ва бошқалар). Ҳар бир сўз учун сизга 5 дақиқадан то 15 дақиқагача вақт берилади:

1. Анор
2. Бензин.
3. Самарқанд

Жавобингиз учун сизга олдиндан ташаккур билдирамиз».

Ушбу метод бўйича олинган натижалар ҳам худди «Дедукция» тестидагидек статистик методлар ёрдамида қайта ишланади.

Навбатдаги методикамиз «Индукция» тести бўйича ўтказилган машғулотлардан сўнг ўқувчилар тафаккурида қандай ўзгариш юз берганлигини яққолроқ кузатиш учун 2.4.8-жадвалга эътибор беринг.

2.4.8-жадвал. 8-синф ўқувчиларининг аниқловчи ва назорат тажрибаларида
“Индукция” тести бўйича олган натижалари

$p = 20$

Кўрсаткичлар	Тафаккур маҳсулдорлиги	ст	Тафаккур оригиналлиги	(5)
Аниқловчи тажриба натижалари	16,6	8,5	1,2	0,4
Назорат тажрибалари натижалари	26,6	10,9	3,25	0,9
1	3,267		9,624	
P	0,01		0,001	

2.4.7- жадвалдан назорат тажрибаларида тафаккур маҳсулдорлиги бўйича ўрта арифметик қиймат аниқловчи тажрибаларда 16,6 қийматдан назорат тажрибаларида 26,6 бирликка ортганлиги, тафаккур оригиналлиги эса аниқловчи тажрибаларда 1,2 дан назорат тажрибаларида 3,25 га ошганлигини кузатиш мумкин. Муқаррарлик мезони тафаккур маҳсулдорлиги бўйича($1 = 3.267$) $p < 0.01$ ва тафаккур оригиналлиги бўйича ($1 = 9.624$) $p < 0.001$. Демак, биз ўтказган машғулотлардан сўнг ўсмирларнинг фикр тезлиги ва унга мос равиттада фикр оригиналлиги ҳам ортган. Биз тузган машғулотларда ўсмирлардаги уялиш, тортиниш ҳисларини йўқотишга эътибор берилди. Шу билан бирга ўқувчиларда ақлий ташаббускорлик ривожлантирилди, яъни уларда ўз фикрини билдириш истаги, айнан унинг фикри тўғрилигини исботлашга интилиши, шунингдек, фикрнинг муҳимлигига бошқаларни ишонтириш эҳтиёжи шакллантирилди.

Булардан ташқари «Тафаккур бўрони», «Сўз топиш» каби машғулотларда дилга келган ҳар қандай фикрни тил воситасида билдириш, оригинал, бошқаларникига ўхшамайдиган фикрларни узатиш туфайли тафаккурнинг маҳсулдорлиги ва оригиналлиги ортган. Энг яхши жавобларга мисол сифатида социометрик индекси юқори бўлган ўқувчи X.B. нинг фикрларини келтирамиз:

«Олма -

- а) мева, хўл мева, ейдиган, мураббо, компот, ўсимлик,
- б) шаҳар, зиёратгоҳ, Ватан.
- в) пластмасса: хом-ашё, деталь, челяк, тогора, кўзойнак, соат, ручканинг усти, пошна, кружка, тувак».

Ўсмирларда мустақил ижодий фикрнинг ривожланганлиқ даражасини аниқлаш учун «Гетзельс ва Джексон» тестидан ҳам фойдаландик. Ўқувчиларга қуидаги кўрсатма берилди: «Қуидаги сўзларнинг ҳар бирини турли маъноларда ишлатиш юзасидан иложи борича кўпроқ сўз ёзинг. Масалан:

айланиш - пулнинг айланиши, двигателнинг айланиши, фидиракнинг айланиши ...

асос - пойдевор, баҳона, сабаб, важ, замин, хужжат, учбурчакнинг асоси.

Тестни бажариш учун сизга 40 дақиқа вақт берилади.

Илдиз, соя, йўл, бет, бирлик, билет, саҳифа, ёрутлик, сўз, хўжалик, тил, чизик, юз, тартиб, ҳаракат, иш, синф, оёқ, сурат, бурилиш, маданият, жамият, алоқа, тузоқ, ҳаёт.»

Олинган натижаларни қайта ишлаш «Дедукция» тестидагидек амалга оширилади.

2.4.9-жадвал. 8-синф ўқувчиларининг «Гетзельс-Джексон» тести бўйича аниқловчи ва назорат тажрибалари натижалари п = 20

Кўрсаткичлар	Тафаккур маҳсулдорлиги	ср	Тафаккур оригиналлиги	<3
Аниқловчи тажриба натижалари	106,4	36,04	4,05	2,2
Назорат тажрибалари натижалари	137,5	57,6	7,2	2,7
1	2,059		1,28	
P	0,05		-	

2.4.8- жадвалдан кўриниб турибдики, биз ўтказган машғулотлардан сўнг тафаккур маҳсулдорлиги бўйича ўрта арифметик қиймат 106.4 дан 137.5 га ортгандир. Тафаккур

оригиналлиги бўйича эса ўрта арифметик қиймат 4.05 дан 7.2 га ўзгарган. Тафаккур маҳсулдорлиги бўйича муқаррарлик мезони ($1 = 2.059$) $p<0.05$, тафаккур оригиналлиги бўйича муқаррарлик мезони ($1= 1.28$) фарқи аҳамиятсиз қийматга эга.

Ўқувчилар аниқловчи тажрибаларда ҳар бир сўзнинг 4 тадан ишлатилишини ёзишган бўлса, назорат тажрибаларида ҳар бир сўзнинг 5-6 маънода қўлланилишини баён қилганлар. Энг яхши жавобларга мисол тариқасида социометрик индекси юқори ўқувчи А.Ш.нинг ёзган фикрларидан парча келтирамиз.

«Билет - автобус, троллейбус, трамвай, намойишнинг, концертнинг, байрамнинг, кинога, театрта, циркка, таксига билет.

Саҳифа - умр, ҳаёт, дафтар, китоб, кундаликнинг, орзунинг, хаёллар, саргузаштлар».

Демак, биз ташкил қилган машғулотларда аввало ўсмирлардаги уялиш, тортиниш ҳисларини йўқотишига эътибор берилди. Ёш психологияси курсидан бизга яхши маълумки, ўсмирлик даврида мулоқот етакчи фаолият бўлиб хизмат қиласди.

Мактабга улар кўпроқ бирор нарсани ўрганиш учун эмас, балки ўртоқлари билан дилдан суқбатлашиш, ўз ички дунёсидаги ўзгаришлар ҳақида фикр алмашиш учун борадилар. Шунинг учун ҳам ўсмирлик даври мустақил фикр юритишни ва унинг маҳсуласи фикрни ривожлантириш учун сензитив давр ҳисобланади. Ушбу сензитивлик хусусияти ўтказган машғулотларимизда ҳам яққол сезилиб турди. Ҳар бир машғулот иштирокчиси томонидан топшириқларни ечишда мияга қуишлиб қолган ҳар қандай фикрни баён этиш, ҳар бир фикр ижобий, тўтри дея баҳоланиши, ақлий мусобақа шароитида ўз фикрларини билдириш эҳтиёжини қондириш ва бунга сабаб функцияси уларда ақлий ташаббускорлик шаклланишининг ижобий мотиви ролини ўйнайди.

Шундай қилиб, биз ўтказган машғулотлар ўсмирлар тафаккурнинг маҳсулдорлиги ва оригиналлиги ортишига ижобий таъсир кўрсатган. Гурух бўйича энг яхши жавобларни, асосан, социометрик мақоми юқори ўқувчилар билдиришган.

Тадқиқотимизда қўлланилган навбатдаги методика Айзенкнинг вербал тестидир (21 - иловага қаранг). Ушбу тест 50 та саволдан иборат бўлиб, олинган натижалар калитга аниқ мос тушса 2 балл, озроқ хато жавоб - 1 балл ҳамда умуман нотўгри жавоб 0 балл билан баҳоланади. Синалувчи олиши мўлжалланган максимал балл 100 га тенгдир.

2.4.10-жадвал. 8-синф ўқувчиларининг «Айзенк вербал тести» бўйича аниқловчи ва назорат тажрибаларида олган натижалари $p = 20$

Кўрсаткичлар	Тафаккур маҳсулдорлиги	σ
Аниқловчи тажриба натижалари	65,3	15,7
Назорат тажрибалари натижалари	92,6	6,1
1	7,243	
P	0,001	


2.4.9-жадвал таҳлили биз ўтказган машғулотлар таъсири туфайли ўхувчиларда мустақил фикрлаш ортганлигини намойиш қилди. Назорат тажрибаларида ўрта арифметик қиймат 65.3 дан 92.6 га ўсиб ўтган. Ишончлилик даражаси ($1 = 7.243$) $p < 0,001$ қийматга teng.

Аниқловчи тажрибаларга нисбатан назорат тажрибаларида тафаккур маҳсулдорлиги кўрсаткичи бўйича ўқувчилар фикрлашида ижобий силжиши юзага келганлигининг асосий сабаби, ўсмирлар билан ўтказган машғулотларимизда сўздан янги сўз ясаш, «тушунчалар орасидаги муносабатларни таҳлил қилиш», «мақолларнинг мазмуни айтиш» каби қатор ақлий фаолиятларда анализ, синтез, таққослаш, умумлаштириш, классификация, системалаштириш каби тафаккур операцияларидан фойдаланиш такомиллаштирилди. Булардан ташқари, гурухнинг фасилитацион

таъсири ҳам тафаккур маҳсулдорлиги ортишига таъсир қилган омиллардан бири ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, бизнингча, «Айзенк вербал тести» бўйича назорат тажрибаларида ижобий ўзгаришни юзага келтирган.

Олинган натижаларни умумлаштирган ҳолда уларни қўйидаги диаграммада акс эттириш мумкин. Ушбу диаграммада 8-синф ўқувчиларининг аниқловчи ва назорат тажрибаларида тўпланган ўртача арифметик қийматлари келтирилган.

8-синф ўқувчиларининг аниқловчи ва назорат тажрибаларида ўртача қийматларининг динамикаси диаграммаси.



Изоҳ 1:

---- а- аниқловчи тажриба

..... б- назорат тажрибаси.

X - методикалар,

У - ўртача арифметик қиймат

1 - Дедукция бўйича маҳсулдорлиги

2 - Дедукция бўйича оригиналлиги

3 - Индукция бўйича маҳсулдорлиги

4 - Индукция бўйича оригиналлиги

5 - Гетзельс-Джексон бўйича маҳсулдорлиги

6 - Гетзельс-Джексон бўйича оригиналлиги

7 - Айзенк тести бўйича маҳсулдорлиги У -

ўрта арифматик қиймат

Юқоридаги диаграммада аниқловчи ва назорат тажрибаларида ўртача арифметик қийматлари ўртасидаги фарқ яққол кўриниб турибди. Назорат тажрибаларида тафаккур маҳсулдорлиги ва оригиналлиги сезиларли ортганлиги, олинган натижалар статистик ишончлиугигидан далолат беради. Демак, биз яратган ижобий фикрлаш муҳити ўқувчилар тафаккури маҳсулдорлиги ва оригиналлигининг ортишига ижобий таъсир қилган омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Шуни яна бир марта таъкидлаш жоизки, биз ўтказган машғулотларда фикр лидерлари социометрик мақоми юқори ўқувчилардан иборатдир. Социометрик мақоми юқори ўқувчилар гуруҳнинг тан олинмаган аъзоларига нисбатан кўпроқ фикр билдиридилар: асосан уларнинг фикрлари гуруҳнинг умумий фикри сифатида қабул қилинади.

Тадқиқотимизда қўлланилган навбатдаги методика 1935 йилда ишлаб чиқилган Векслернинг ДұA151) тестидир. Бу тест 1939 йилда ишлаб чиқилган Векслер - Белвью тестининг қайта ишланган вариантидир. Бу методнинг Германия, Польша ва бошқа

мамлакатларда турлича вариантлари мавжуддир. Собиқ Иттифокда Векслер методи Бехтерев номли психоневрологик институт ходимлари томонидан мослаштирилган.

Метод 11 субтестдан иборат бўлиб, тадқиқотимизда 2- ва 6-субтестларидан фойдаланишни лозим топдик (22 - иловага қаранг). 2 субтест бўйича синалавчилар максимал 28 балл ҳамда 6-субтест бўйича эса 80 балл, уларнинг жами 108 баллни ташкил қиласди.

2.4.11-жадвал. 8-синф ўқувчиликнинг «Векслер» тести бўйича тўплаган натижалари

X		Y
67.6	13.9	3.1

2.4.10-жадвалда кўриниб турибдики, Векслер тести бўйича ўртacha арифметик қиймат 67.6 га, ўртacha квадрат тарқоқлик 13.9 га, ҳамда ўртacha квадрат хато 3.1 га тенгдир. Маълумотларга қараганда, ўсмирларнинг интеллект даражаси ўртacha 70% атрофидадир.

Биз ушбу маънода ўрганилаётган контингентни уларнинг социометрик мавқеларига асосланган ҳолда икки гурухга бўлдик: тегишли натижалар 2.4.12-жадвалда ўз ифодасини топгандир.

2.4.12-жадвал. Векслер тести ва шахснинг гуруҳда тан олиниши орасидаги тафовутлар

	Векслер тести натижалари
Социометрик мақоми юқорилар	73,2
Социометрик мақоми қўйилар	62,1
1	3,852
P	0,001

Жадвалдан кўриниб турибдики, Векслер тестинынг натижалари хар иккала гуруҳда ҳам муайян даражада фарқ қиласди. Уларнинг ишончлилик даражаси $p < 0,001$. Бу қиймат шундан далолат берадики,

социометрик мақоми юқори ўқувчиларнинг ақлий заковати, тафаккур тезлиги, оригиналлиги, жумладан мустақил фикрлаши ҳам юқори кўрсаткичга эга. Социометрик мақоми қуий ўқувчиларнинг интеллект даражаси ҳам қуидир. Шундай қилиб, шахсда фикрлашнинг ривожланишида, унинг гурух аъзолари томонидан ижобий қабул қилиниши, уни янада ижодий фикрлашга ундайдиган омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, биз ташкил этган машғулотларда ўқувчилар гурухий шароитда (вазиятда) фикрлаш муҳитида бўлганликлари туфайли, уларнинг мустақил фикрлаши муайян даражада ортди, демак, мустақил фикрлаш ўқувчиларнинг микро муҳитга боғлиқ ижтимоий психологик ҳодисадир.

Бошқача сўзлар билан айтганда, гурухнинг ҳеч ким томонидан тан олинмаган аъзоларининг мустақил фикри ҳам етарли ривожланмагандир, ёки улар ўз фикрларини мустақил баён эта олмайдилар. Шундай қилиб, ўқувчиларда мустақил фикрнинг ривожланишида уларнинг ўртоқлари томонидан тан олиниши, “фикрнинг лидери” бўлиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам гурухнинг тан олинган аъзолари, юлдузлари, пешқадамлари шахсий мустақил фикрларини bemalol баён эта оладилар. Демак, мустақил фикрлаш ижтимоий - психологик жараён бўлиб, унинг ривожланиши учун фикр билдирувчининг гурух аъзолари томонидан тан олиниши муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, биз тузган машғулотларни синовдан ўтказиш шуни кўрсатдики, бундай машғулотлардан сўнг назорат тажрибаларида барча методикалар бўйича тафаккур маҳсулдорлиги ва оригиналлиги, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши, фикрларни бошқаларга узатганда ўзига ишончи ортган. Бунда гурухдаги шахслараро муносабатлар фасилитация омили ролини ўйнаб, ўзига ишонувчи ва социометрик мақоми юқори кўрсаткичли ўсмирларда

мустақил тарзда фикрлаш қобилияти такомиллаша борган. Шундай қилиб, гурухдаги шахслараро муносабатлар ва ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши орасида ижобий боғланиш мавжуд бўлиб, мустақиллик қарор топишининг негизи ҳисобланади..

Боб бўйича хulosалар

Ушбу бобнинг биринчи бўлимида илмий тадқиқотларимизнинг методологияси, иккинчисида эса муомала жараёнидаги мустақиллик мустақил фикрлашнинг асосий ижтимоий психологик омили эканлиги назарий ва эмпирик материаллар орқали далиллангандир.

Кейинги бўлимда шакллантирувчи тажрибалар натижалари, яъни биз тузган ўсмирлар учун мустақил фикрлашни ривожлантирувчи машғулотларда, аввало ўсмирлардаги уялиш, тортиниш, қўрқиши ҳисларини йўқотишга оид материаллар талқини мужассамлашгандир. Уларда тафаккур операциялари ва унинг мантиқий шаклларини ривожлантириш орқали синаувчиларда ўзига ишонч, ўз фикрларини билдириш учун ижтимоий установка (ҳозирлик), гурухнинг фасилитацион таъсири остида кўпроқ фикр билдириш эҳтиёжини қондириш имконияти вужудга келади.

Ўсмирлар тафаккури маҳсулдорлиги, оригиналлиги ва ақлий заковатининг хусусиятлари мустақил фикрлаш ҳақида ёзган ижодий иншоларининг таҳлилида ўз аксини топди. Шу боис кўпчилик ўсмирлар, мустақил фикрлашни ҳеч кимнинг ёрдамисиз, бирор нарсага нисбатан муносабатни тил орқали ифодалаш, бирор нарса ҳақида ўйланган фикрни гапириш, деб тушунадилар. Респондентларимиздан 80 % мустақил фикрлашни турли газета, журналлар, китоб ўқиш, радио, телевидениедан турли янгиликларни билиш орқали ривожлантириш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Ўсмирларнинг ярмисидан кўпи ўз фикрларини баён этишга уялиш, ҳаяжонланиш, нотаниш кишилар олдида фикрни баён эта олмаслик кабилар хослигини билдиришди. Шакллантирувчи

тажрибаларда бу жиҳатлар коррекция қилинди.

Шахснинг ўзини-ўзи баҳолаши билан мустақил фикрлаш орасидаги боғланишни гурухнинг юлдузлари, пешқадамлари, барча томонидан тан олинган аъзолари ўзларини ўзлари юқори баҳолайдилар. Уларда мустақил ижодий фикрлаш ҳам юқоридир. Гурухнинг ажралиб қолган аъзолари эса ўзларини ўзлари гурухий баҳолашга қараганда, пастроқ баҳолайдилар, шу сабабдан уларда мустақил ижодий фикрлаш ҳам қуи даражага эгадир. Усмирлар ўзларини-ўзлари фақат ижобий томондан адекват баҳолайдилар, уларнинг фикрича, салбий иллатлар уларга хос воқелик эмас.

Усмирларда мустақил ижодий фикрлаш қобилияти энди шакллана бошлагани учун қўлланилган методикаларимизда респондентлар ўртacha натижаларни намойиш қилдилар. Уларда индуктив хулоса чиқаришга қараганда, дедуктив хулоса чиқариш мукаммалроқ ривожлангандир.

Назорат тажрибаларида «Индукция», «Дедукция», «Гетзельс-Джексон», «Айзенк» тестларида тафаккур маҳсулдорлиги, оригиналлиги бўйича ўрта арифметик қиймат сезиларли даражада ортган. Шунга мос равишда муқаррарлик мезони ҳам ишончлиликка эгадир.

«Социометрия» ва «Векслер» тести орасидаги бирлик гурухнинг тан олинган аъзолари ва мустақил фикрлаш ўртасида боғланиш борлигини кўрсатди. Маълум бўлишича, гурухнинг тан олинган аъзолари билан мустақил фикрлаш ўртасида мусбат боғланиш мавжудлиги исботланди. Демак, мустақил фикрлаш ижтимоий психологик жараён бўлиб, фикр билдирувчининг гурух аъзолари томонидан тан олиниши муҳим аҳамият касб этади, бу воқелик эса мақсадимиз қарор топишига кафолат механизми функциясини бажаради.

ХУЛОСАЛАР

Утказилган тажриба материаллари ва уларнинг таҳлили илгари сурилган фаразлар тўғри эканлигини тасдиқлади. Қўйилган вазифалар натижаларда тўлиқ ўз ифодасини топди ҳамда яратилган концепция тўғри эканлигини намойиш қилди.

Назарий мушоҳадалар ва экспериментал тадқиқотлар асосида куйидаги хулосаларни чиқаришга қарор қилдик.

1. Шахснинг мустақиллиги нафакат ижтимоий муҳим мақсаддар ва ҳаракатлар билангина боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки субъект учун муҳим аҳамият касб этувчи мақсадлар билан ҳам уйғунликка эга: ижтимоий аҳамиятли мақсаддарга эришгач инсон, бир вақтнинг ўзида ўз мавқеини аниқлаб олиши ва ўз фикрини ифодалashi, ўзини намоён қилишда эса ўз эҳтиёжларини қондириши мумкин. Шахс томонидан ўзини билиш жараёнини ўзи бошқариши ақлий ҳаракатларининг объектив таянчга эга эканлиги ва онгли йўналганлигига намоён бўладиган тафаккурнинг мустақиллигидан бошқа нарса эмас, албатта.

Шахсда фикрларнинг ва эътиқодларнинг шаклланиши, унда ҳукмларнинг исботланганлиги ва объектив таянчга асосланганлигининг юксак даражасини тақозо қиласди. Бу эса, ўз навбатида интеллектнинг психологик ва мантиқий жиҳатлари қонуниятларини чуқур ўрганишни талаб этади. Шундай қилиб, тафаккур мустақиллигини «билим-фикр-эътиқод» тизимида тадқиқ қилиш бу мураккаб муаммонинг фалсафий, умумий-психологик, ижтимоий- психологик, мантиқий ва педагогик жиҳатларини қамраб олиш демакдир.

Маълумки, шахснинг ижодий ва мустақил тафаккури фақатгина янги, номаълум билимни кашф этиш орқалигина намоён бўлмайди. Ижодиётнинг ажралмас таркибий қисмларидан бири шахс томонидан «кашф қилинган», ўзлаштирилган янги билимларнинг тўғрилигини исботлаш ва уларнинг муҳимлиги ҳамда долзарблигига бошқаларни

ишонтириш кабилар ҳисобланади. Ҳозирги даврда ўқувчиларнинг ўзлариштирган билимларини ўзи исботлашга етарлича эътибор берилмайди. Ўқувчиларнинг ўйлаш, ўз фикрларини билдириш, қандайдир хақиқатнинг тўғрилигига бошқаларни ишонтириш учун уринишлари, уларнинг тафаккурида жиддий тўсиқларга учрайди. Тадқиқотларимиз интуитив фикрларни мантиқий асосланган фикрларга айлантириш ўз даражаларига, босқичларига, давларига эга мураккаб қарама- қарши жараёнлигини исботлади. Шакллантирувчи тажриба натижаларидан маълум бўлишича, бу мураккаб жараённинг мувафаққиятли ривожланиши ўқувчилар билан мулоқотининг турли шаклларини ташкил қилишга, уларнинг ҳамкорлик ва индивидуал билиш фаолиятларининг қулай тарзда бирикувига, уйғунлашувига бевосита боғлиқдир.

2. Тадқиқотларимиз таҳлилиниң кўрсатишича, биз ишлаб чиққан тренингларда ўкув фаолиятининг гурухий шаклларини амалга оширади. Бу эса ўз навбатида таълимда ҳар бир ўқувчи учун юксак фаоллик ва мустақилликни таъминлайди. Жумладан, бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар учун ҳам қулай вазият яратилади, ҳар бир субъект ўзини-ўзи намоён қилиш эҳтиёжини қондириш имконияти вужудга келтирилади.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг жамоа бўлиб фикрлаш фаолиятини ташкил этиш ўқитувчи учун юксак талаблар кўяди, лекин унинг роли камаймайди, аксинча, мураккаблашади, уларнинг ақлий тараққиёти учун бевосита раҳбарлик қилиш зарурияти вужудга келади. Айниқса, баҳслар олдидан синчковлик билан тайёрланишни, ҳамкорликни, моҳирона ташкил этишни тақозо қиласи.

Бир қатор психологлар интеллектнинг мантиқий жиҳатига салбий муносабат билдиришларини ўринли деб баҳолаб бўлмайди. Фикр билан хукм ҳар доим ҳам тафаккур жараёниниң негизига киритилган, худди шу боис ҳам ўзининг намоён бўлишида психологик

жиҳатига эга. Интеллектуал фаолиятнинг бу жиҳатини бошқариш ижод жараёнини идора қилишдан ҳам муҳим, чунки ақлнинг мантиқий ва ижодий томонларини бир-бирига қарама- қарши қўйиш мумкин эмас, ваҳоланки ижоднинг ўзи шахснинг «ўз» кўз-қарashi, ўз фикри ва эътиқоди бўлишини тақозо этади.

3. Мустақил фикрлаш шахс хислати бўлиб, унинг билимларни ўзлаштиришда вужудга келадиган ҳукмларни шахсий фикрига ва эътиқодига ўтказиш қобилиятидир. Тафаккурнинг мустақиллиги феноменининг асосий тузилишига биноан унинг бирликлари ҳукмлар, фикрлар ва эътиқодлардан иборатdir. Шахснинг хислати сифатида талқин қилинадиган мустақил фикрлаш жараёни унинг ақлий фаолиятидаги ундовчи ва бажарувчи функциялари орасидаги муносабатни ўзгариши, бу функциялар ҳар бирини қайта ўзгариши, ундовчи функциясининг роли ортиши ва ақлни бошқаришда уларнинг ижро функциясига қулай таъсир кўрсатиши билан тавсифланади. Бундай бошқаришнинг юқори даражалари ақлий ташаббускорликда намоён бўлади. Ақлий ташаббускорлик эса қўпинча ижтимоий бошқа обьектдаги қарама-қарши фикрларни баён этишда, ўз фикрларининг тўғрилигини мухолифга исбот қилигизда, қарама- қаршиликларни бартараф қилишнинг янги усулларини очишда намоён бўлади. Шахснинг ўз хоҳишига биноан фикрларини баён этиши ақлий фаолликнинг кучли омили бўлиб қолади.

Ақлий ташаббускорлик шаклланадиган шахснинг билув фаолиятини ташкил этиш жараёнида билув фаолиятининг индивидуал ва жамоавий усуллари бирлашуви руй беради, бунда ушбу фаолиятнинг мотивацион, билиш, концептуал ва фикр алмашинув жиҳатларининг бирлиги таъминланади. Фаолиятнинг мотивацион жиҳати билишга эҳтиёж, шахснинг ўқищдаги фаоллиги, ўз мавқеини аниқлаб олишга интилиши, билишга турғун қизиқиши ўз ичига олади.Faолиятнинг билиш жиҳати-шахснинг билимларни ўзлаштиришда

фойдаланадиган ақлий фаолият усуллари, йўллари ва операцияларидир. Фаолиятнинг концептуал жиҳати шахсни ўзлаштирадиган билимларга нисбатан шундай муносабат билан тавсифланадики, бунда билимлар тўғри деб қабул қилинмасдан, балки олинаётган маълумот таркибидаги қарама- қаршилик фикрга айланади, фикр эса далиллар ва исботнинг маълум тизими билан тасдиқланади. Фаолиятнинг фикр алмашинув жиҳати - шахслар ўзаро таъсирининг шакллари бўлмиш ўзаро ёрдам, ўзаро бир бирига ўргатиш, баҳслар ва бошқалар шаклида юзага келади.

4. Тадқиқот учун ишлаб чиқилган машғулотлар тизими коррекцион ва ривожлантирувчи хусусиятга эга эканлигини тасдиқлади ва синаловчиларнинг мустақил ижодий фикрини ривожлантириш учун оқилона тузилганлигини статистик ишончлилик даражаси билан янада қатъйлаштириди.

Тажриба ва назорат гурухлари билан олиб борилган тадқиқот натижалари юксак статистик методлар орқали ҳисоблаб чиқилганда, улар ўртасидаги фарқ ишончлилик, валидлик даражаларига эга эканлигини кўрсатди.

5. Мустақил ижодий фикр билан шахс хислатлари орасидаги корреляция ўрганилганлиги туфайли мустақил ижодий фикри юқори ривожланган шахсларга ва мустақил ижодий фикри паст ривожланган субъектларга хос хислатлар далиллаб берилди. Мустақил фикрлашнинг мезонлари муаллиф нуктаи назаридан ишлаб чиқилганлиги учун мақсадга мувофиқ натижага олиб келади.

Мустақил ижодий фикр билан шахснинг гуруҳда тан олиниттти орасидаги боғлиқлик натижаларидан маълум бўлишича, гуруҳнинг пешқадамлари, юлдузлари, тан олинган аъзоларининг мустақил ижодий фикри гуруҳнинг ажралиб қолган аъзолари мустақил фикридан юқори кўрсаткичга эга.

Мустақил фикрлаш билан шахснинг ўзига-ўзи берган баҳоси

Ўртасидаги боғланишдан маълум бўлишича, гуруҳнинг тан олинган аъзолари ўзларини ўзлари гуруҳий баҳога нисбатан пастроқ баҳолайдилар, уларда мустақил ижодий фикр юқори кўрсаткичга эгадир. Гуруҳнинг ажралиб қолган аъзолари эса ўзларини ўзлари гуруҳий баҳога қараганда, юқори баҳолайдилар, уларда мустақил ижодий фикрлаш қути ривожлангандир. Шахс ўзини фақат ижобий томондан баҳолайди, у ўзига салбий хислатлар (иллатлар) хослигини тан олмай келмайди.

Дивергент тафаккур сифатлари орасидаги боғланиш ҳам ўрганилигийининг натижасида индуктив хулоса чиқаришнинг оригиналлиги билан ақл-заковат орасида манфий муносабат мавжудлиги аниқланди, одатда индуктив хулоса чиқаришнинг оригиналлиги ортгани сайин ақл-заковат камаяди. Тафаккурнинг маҳсулдорлиги билан ақл-заковат орасида мусбат муносабат мавжуд бўлиб, маҳсулдорлик ортгани сайин ўқувчиларнинг ақл-заковати ҳам юксалади. Уtkазилган тадқиқотлар натижасида мустақил фикрлаш фасилитация, ўзини-ўзи баҳолаш, социометрик мақомлар, тафаккурнинг гуруҳийлашуви, фикрлар лидери, конформизм, нонконформизм каби қатор ижтимоий психологик феноменларга боғлиқлиги исботланди.

Ўқувчиларда ва талабаларда мустақил ижодий фикрни шакллантиришда ўқитувчининг ролини ўрганиш тадқиқотимизда ечилмай қолган муаммолардан биридир. Келажакда ижодий фикрни таркиб топтиришда ўқитувчининг ролини тадқиқ этиш мазкур муаммони янада чуқурроқ тадқиқ қилишга, унинг бошқа қирраларини ўрганишнинг истиқбол йўлларини очади. Келгуси изланишларда бошланғич синф ўқувчиларида мустақил ижодий фикрлашни шакллантириш механизм, қонуният ва феноменларини очиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур истиқбол йўналишлари «Кадрлар тайёрлаш Миллий

дастури»да белгиланган вазифашр билан чамбарчас боғлиқдир.

Биз ишлаб чиқкан мустақил ижодий фикрлашни тадқиқ этиш бўйича машғулотлар мажмуи мустақил республикамизнинг мустақил фикрловчи ёшларини шакллантиришда ўзига хос дастур бўлиб хизмат килишга ишончимиз комил.

МУСТАҚИЛ ИЖОДИЙ ФИКРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР:

I. Биз ишлаб чиқкан мустақил ижодий фикрни ривожлантириш бўйича гурухий тренинг ўсмирларда ижодий фикрлашини ўстиришда, уларда ижодий қобилиятни такомиллаштиришда катта ёрдам беради. Бу эса ўқувчиларда мустақил ижодий фикрни ривожлантиришга хизмат қиласди.

II. Ўсмирлар учун тренинг қуидаги машғулотлардан ташкил топган:

1. Тушунчалараро психолингвистик муносабатларни таҳлил қилиш.
2. «Сўз топиш» ўйини.
3. Мақоллар мазмунини айтиш.
4. Ақлни зўр бериб ишлатиш ўйини.
5. Парламентдаги баҳслар.
6. «Сехрли кўзойнак» ўйини
7. Ҳикояни давом эттириш.
8. Тафаккур эгилувчанлигини ривожлантириш.

III. Илк ўспириналар ва ўспириналар учун тренинг қуидаги машғулотлардан ташкил топган:

1. Олти хил фикрловчи дўппи.
2. Барча омилларни қараб чиқинг.
3. Муқобиллар, имкониятлар, танлов.
4. Бошқа одамларнинг қарашлари.

5. Оқибат ва натижа.
6. Ижобий, салбий, қизикарли.
7. Устувор омиллар.
8. Бахслар ва тортишувлар.

IV. Тренинг синф раҳбарларига, амалиётчи психологларга, ўқитувчиларга ҳар бир ўқувчи ва талабанинг индивидуал хусусиятларини билиб олишга, ақлий фаолиятининг «бўш» жойини аниқлашга имкон беради. Бу эса ўқитувчига ўқувчилар индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда дарс ўтиш, уларга индивидуал ёндашишни амалга оширишга хизмат қиласди.

V. Тренинг машғулотлари машқларини соддалаштириб, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга қўллаш мумкин. Бу эса шубҳасиз, уларнинг мустақил ижодий фикри шаклланишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

VI. Биз ишлаб чиқкан машғулотлар мажмуини талабаларга ва амалиётчи психологларга амалий машғулотлар вақтида ўтказиш мақсадга мувофиқ.

VII. Тренинг машқларини мураккаблаштириб, ёш ўқитувчилар фаолиятига мослаштириш мумкин. Мустақил ижодий фикрни ривожлантирувчи бу тренинг ёш ўқитувчиларнинг мактабга мослашишларида маҳсулдор восита ролини ўйнайди.

VIII. Тренинг элементларидан мактабнинг педагогик кенгаши мажлисларида, услубий бирлашма йиғилишларида фойдаланса бўлади. Бу эса мактабнинг барча ўқитувчиларини психология фанининг сўнгги ютуқлари билан таништириш имконини беради. Ҳамма ўқитувчилар ўйин вазиятларида ўқувчилар ва талабаларнинг мустақил ижодий фикрини ривожлантириш қуролига эга бўладилар.

IX. Бу тренингни ота-оналар умумий мажлисларида синф раҳбарлари, мактаб психологлари таништиришлари мумкин. Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг жисмонан соғлом, ақлан етук бўлишини истайди. Уз

фарзандларининг ижодий фикрини қандай қилиб янада ривожлантириш мумкинлиги тўғрисида мактаб психологига мурожаат қилган ота-оналарга мазкур машғулотлар тизимини тавсия этамиз.

X. Ўқитувчилар ўқувчиларда мустақил фикрлашни ривожлантириш учун ўзлаштирилган билимларни исботлашга етарлича эътибор беришлари зарур.

XI. Ота-оналар фарзандларида мустақил ижодий фикри шакллантириши истасалар, уларни ҳар доим мустақил билим олишга, изланишга имкон беришлари мақсадга мувофиқ. Ота-оналар фарзандларига ижобий мулоқот муҳитини яратишлари, уларнинг ёшлигига ёк ҳар бир фикрини тинглаб, уларнинг ҳар бир саволига жавоб беришлари, фикрининг юксалишига эътибор беришлари замон талабидир.

XII. Уқувчи билан талабаларда мустақил фикр юритиш малакаси ва кўникмаларини ҳосил қилиш учун ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида муносабатлар ўзгариши, билим оловчини таълим жараёнининг фаол субъектига айлантириши лозим. Буни амалиётга татбиқ этишнинг психологик шартлари, омиллари ва мезонлари мавжуд:

- таълим берувчи катталар болани қандай бўлса, худди пгундай тарзда иқтидори, лаёқати билан идрок қилишга ва қабул қилишга ўрганмоқлари керак;
- мактаб, лицей, коллеж, институт ва университетларда дифференциал ёндашувни амалга ошириш зарур, чунки таълим оловчини лаёқати, қобилияти, йўналишини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ;
- янги типдаги таълим масканларида янги ўқув технологияси жорий этилиши мақсадга мувофиқ, чунки бунда болаларга ҳурмат, унинг фикри ва юксалишига эътибор билан қараш заруратdir;
- гурухий фаолиятни мазмунли ташкил этиш, яъни мунозара,

диалог, ўйин, тренинг методларидан кенг ва ўринли фойдаланиш, болага ижодий фикрларни узатишга зарурий шароитни яратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ананьев Б.Г. Комплексное изучение человека и психологическая диагностика. // Вопросы психологии. 1968. № 6. С. 3-21.
2. Ананьев Б.Г. Некоторые проблемы психологии взрослых. - М.: Знание. 1972.-32 с.
3. Антология педагогической мысли Азербайджанской ССР. - М.: Педагогика. 1989.
4. Аристотель. Метафизика. В кн.: Сто великих книг. - М.2000.
5. Асонова Г.С. Самостоятельные работы учащихся по географии СССР. - М.: Просвещение. 1967. -91с.
6. Ацковская Х., Миовска С. Развитие критического мышления через чтение и письмо в Македонии. // Перемена. 2000. № 1. С. 23 - 26.
7. Бабанский Ю.К. Оптимизация процесса обучения. - Ростов Н/Д. Изд-во Ростовского пед-института. 1972. - 347с.
8. Бандура А. Теория социального обучения. Санкт-Петербург: Евразия. 2000. - 220 с.
9. Байрамов А.С. Динамика развития самостоятельности и критичности мышления у детей младшего школьного возраста. Автореф. дис доктора псих. наук. Баку. 1968.
10. Баранов П.В. Метод экспериментального исследования обобщения. // Материалы Всесоюзного симпозиума по проблеме Мышление и обобщение. Алма-ата. 1973.
11. Берг А.П. Кибернетика и общественные науки. - В кн. Методологические проблемы науки. - М.: Наука. 1964.-350с.
12. Беруний Абу Райхон. Избранные произведения. - Т.: 1957. Т 1. - 487с.

13. Бехтерев В.М. Внушение и его роль в общественной жизни. СПБ, 1904.
14. Блейхер В.М. Клиническая патопсихология. - Т.: Медицина Уз ССР. 1976. - 326с.
15. Блонский П.П. Возрастные особенности детей. В кн.: Избранное педагогические произведения. - М.: Изд-во АПН РСФСР. 1961. - 695 с.
16. Блонский П.П. Задачи и методы новой народной школы - М., 1917.
17. Блонский П.П. Память и мышление. В кн.: Избранное психологические произведения. - М., 1964. - 547 с.
18. Блонский П.П. Психология доказывания и ее особенности у детей. // Вопросы психологич. 1964. № 3. С. 40 - 55.
19. Бобохонов А., Махсумов А. Абдулла Авлонийнинг педагогик фаолияти ва таълим-тарбия тўғрисидаги фикрлари,- Т.: Ўқитувчи. 1966. - 886.
20. Богословский В.В. Взаимоотношения между учителем и учащимся как фактор развития познавательной активности и самостоятельности школьников. В сб.: Отношение как проблема психологии воспитания. - Л.: Изд-во ЛГПИ им. А.И.Герцена. 1973. -151 с.
21. Богоявленский Д.Н., Менчинская Н.А. Психология усвоения знаний в школе. - М.: Изд-во АПН РСФСР. 1959. - 347 с.
22. Богоявленский Д.Н. Формирование приемов умственной работы как путь развития мышления и активации учения. // Вопросы психологии. 1962. № 4.
23. Богоявленский Д.Н. Развитие самостоятельности мышления школьников как основа активных методов обучения. В сб.: Пути повышения качества усвоения знаний в начальных классах. - М.: Изд-во АПН РСФСР. 1962. - 280 с.

24. Богоявленский Д-Н. Психологические предпосылки развивающего обучения. //Тезисы 1 докладов на II съезде общества психологов. Выш V. - М., 1963.
25. Богуславский В.М. Упражнения по логике. - М.: Учпедгиз. Министерства просвещения РСФСР. 1952. - 112 с.
26. Бодалев А.А. Восприятие человека человеком. - Л.: Изд-во ЛГУ. 1965.
27. Бодалев А.А. Формирование понятия о другом человеке как личности. - Л.: Изд-во ЛГУ. 1970.
28. Божович Л.И. Устойчивость личности, процесс и условия ее формирования. //XVIII международный психологический конгресс. Симпозиум 35. - М., 1966.
29. Божович Л.И. Личность и её формирование в детском возрасте. - М.: Просвещение. 1968. -464 с.
30. Бено Э. Нестандартное мышление. Минск.: Попурри. 1998. - 224 с.
31. Бено Э. Учите вашего ребенка мыслить (Пер с англ.). Минск.: Попурри. 1998. - 336 с.
32. Бродский И.Н. Отрицательное выказывания. - Л.: Изд-во ЛГУ. 1973. -104 с.
33. Бруннер Дж. Процесс учения. - М.: Изд-во АПН РСФСР. 1962.
34. Брушлинский А.В. Культурно - историческая теория мышления. - М.: Вьющая школа. 1968. - 104 с.
35. Брушлинский А.В. Мысление и общение. Минск: Ун-ское. 1990. -212 с.
36. Валлон А. От действия к мысли. Перевод с француз. - М.: Изд-во иностр. Литер. 1956. - 238 с.
37. Видерникова Н.Е. Руководство самопознанием школьников. Автореф. дисс. ... канд. психол. наук. Фрунзе. 1972.

38. Виноградова М.Д. О некоторых аспектах формирования творческой индивидуальности подростка в коллективной познавательской деятельности. В кн.: Проблемы совершенствования обучения в школе. - М. 1973.
39. Волков И.П., Альтгуллер Г.С. Система развивающего обучения с направленностью на развитие творческих качеств личности. //Вестник новостей интернета. ~Т.: ТГПУ. 2003. №21. Декабрь. С. 12-13.
40. Вопросы воспитания познавательной активности и самостоятельности школьников. Казань, 1972. - 314 с.
41. Вопросы психологии самостоятельности (Перевод с польского С.В.Янянис). - М., 1965.
42. Воспитание самостоятельности и активности учащихся. Учен зап. ЛГПИ им. А.И.Герцена. - Л. 1966. - 283 с.
43. Виготский Л.С. Мысление и речь. Избранное психологические исследования. - М.: Изд-во АПН РСФСР. 1956.
44. Виготский Л.С. Проблемы обучения и умственного развития в школьном возрасте. - Избранное психологические исследования. - М.: Изд-во АПН РСФСР. 1956.
45. Виготский Л.С. Развитие выюших психических функций. - М.: АПН РСФСР. 1960.
46. Гальперин П.Я. Психология мышления и учение о поэтапном формировании умственных действий. - В кн.: Исследования мышления в советской психологии. - М.: Наука, 1966. - 476 с.
47. Гальперин П.Я. К исследованию интеллектуального развития ребенка. // Вопросы психологии, 1969. № 1. С. 15 - 26.
48. Ганелин Ш.И. Дидактический принцип сознательности. - М.: Акад. Пед. Наук РСФСР. 1961. - 223 с.
49. Гергей Т. Роль диалога в совместной деятельности. - В сб.: Мысление и обидение. - Алма-ата: 1973.

50. Гильфорд Дж. Три стороны интеллекта. - В кн.: Психология мышления. - М.: Прогресс. 1965. -532 с.

51. Горбов Ф.Д. Индивидуум и группа в экстремальной групповой психологии. - В сб.: Проблемы инженерной психологии. - Л. 1964. - 318 с.

52. Горелик Ф.Б. Подготовка учащихся к самостоятельному анализу явлений современности. - В кн.: Опыт преподавания истории в старших классах. - М.: Изд-во АПН. РСФСР. 1963. С. 33 - 49.

53. Гулямов И. Организация индивидуально-самостоятельных занятий студентов как условие повышения их профессиональной подготовки. - Таджикский гос. Ун-т. 1972.

54. Давлетшин М.Г. Таълимнинг психологик асослари. - Т.: Уқитувчи. 1978. - 20 б.

55. Давлетшин М.Г. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва олий мактабда психология фанини ўқитишни такомиллаштириш муаммолари. //Олий педагогик ўкув юртларининг ўкув жараёнига педагогик технологияларини татбиқ этишнинг илмий асослари. Конференция материаллари. - Т., 2000. 3-7 б.

56. Давмдов В.В., Эльконин Д.Б. Технология развивающего обучения. //Вестник новостях интернета. -Т.: ТГПУ. 2003. №21 декабр. С. 10-11.

57. Дайри Н. О сущности самостоятельной работы // Народное образование. 1963. № 5. С. 29-34.

58. Дистерверг А. Избранные педагогические сочинения. - М.: Учпедгиз. 1956. - 347с.